



**ГУЛИСТОН**  
11  
1988



Пахтазорда.

В. Жирнов фотоси

«Оқ олтин» хирмонлари.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ),



Уртоқлар! КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга оширайлик! Революцион қайта қуришга муқаррар тус берайлик!

Жаҳон халқлари! Ишонч, ҳам-жиҳатлик ва ҳамкорликни мустақамлангиз! Жаҳон цивилизациясини ядро хавфидан ҳимоя қилайлик!

Улуғ Лениннинг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!

«КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 71 йиллигига қақриқлари»дан

# ИШОНЧ

...Йигитлар фронтга кетиб, колхоз иши кексалар, аёллар ва болалар зиммасига қолган йиллари Неъмат ва унинг тенгдошлари хирмон қуриқлаш, буғдой ўриш, чорва учун эшак аравада сомон ташиш каби юмушлар билан банд бўлдилар. Силлани қуритадиган очлик азобини зўр-базўр енгиб юрган бола, кечалари хирмондаги буғдой тўла қоплар устида ётиб ўксиган. Ушанда дастурхонлари тўкин бўлишини, сингисининг нон, нон беринг, деб қилган илтижосига чорасиз қолган онасининг изтиробли кўзларидан ғам аришини жуда-жуда истаган.

Тўкинлик таянчи — инсоннинг ризқ-рўзи бўлган нон буғдойдан тайёрланишини, ғалла эса далада пешона тери билан етиштирилишини ёш Неъмат кўриб турарди, баъзан бу неъматларни яратувчи инсонлардан бири экани билан фахрланарди. Унинг мурғак қалбида инсондан ўз марҳаматини аямаган заминга нисбатан меҳр уйғонди. Бир умр заминга, одамларга, меҳнатга боғланиб қолди.

... 1950 йили Ғаллаорол станциясидан паровознинг одатдагидан кўра узунроқ тармоғининг гўнг, похол, сут ҳиди анқиб турган вагонларида Ворошилов номли колхоз аъзолари кўч-кўрони билан партия қақриғига биноан Тошкент областидаги тўқай ва ботқоқ ерларни ўзлаштириш учун йўлга чиқдилар.

Шу вагонлардан бирининг қия очик эшигидан кўксини шамолга тутиб кетаётган Неъматни ҳам кўриш мумкин эди.

Улар асов Чирчиқ дарёси бўйидаги тўқайзорга келиб, жойлашдилар. Бу ерлар ҳозир анча ободонлашган «СССР 60 йиллиги» колхозини далалари эди.

Дастлаб чўл бағрида туғилиб ўсган одамларга дарёнинг шовуллаши ҳам ваҳимали туюларди. Улар капаларда яшай бошладилар, шароитга кўникиш анча қийин бўлди. Ғаллаоролнинг Қорақудуқ қишлоғидан кўчиб келган бу одамларнинг меҳнати, орзу-истаклари эзгуликка қаратилганди. Тўқай ва ботқоқликдан тортиб олинган ҳар бир қарич ер уларнинг пешона тери билан намланди, боғ-бўстонга, шолиторга ва пахтазорга айланди.

Шу йили янги маконда собиқ қорақудуқликларнинг янги авлодлари дунёга келишди, уларнинг айримларига янги жой шарофати билан Тошкентбой деб исм қўйишди. Қишлоқдан бир қақирим нарида, афсуски, қабристон ҳам пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси Неъмат ака ва ҳамқишлоқларининг янги ерга бир умрга боғланиб қолишидан нишона эди.

Неъмат ака ҳам йигитлик кучини шу ерларни ўзлаштиришга сарфлади. Ушанда айни кучга тўлган йигит — Алимбой, Маматқул, Абдуқодир каби тенгдошлари билан биргаликда, — энг қийин юмушларни, вақт билан ҳам, шароит билан ҳам ҳисоблашмасдан бажарди. Меҳнати натижаларини кўриб, бир олам қувонч ҳиссини туйди.

У тез орада ҳалол меҳнати, интизомлилиги билан ҳамкасблари, хўжалик раҳбарлари эътиборига тушди. Уни бригадирликка муносиб топишиб, ишонч билан 80 гектар ер ажрати берилди.

— Оғайнилар, — деган эди Неъмат ака бригадирликка сайланган йили бригада аъзоларини тўплаб, — яхши ҳосил олишда қийналмаслигимиз учун ерни тўйдирайлик, ер тўйса, эл тўяди, ахир...

Уша вақтда кам чорва молларига эга бўлган колхоз фермасидан чиқаётган гўнг кол-

хоз ерлари учун урвоқ ҳам бўлмасди. Шунинг учун у одамлардан илтимос қилиб, қандай бўлмасин ерни маҳаллий ўғит билан бойитиш кераклигини айтди.

Суяги меҳнатда қотган миришкор деҳқоннинг сочларига шу дамларда оқ тушди. Тўрт неваранинг бобоси бўлди. Мустақкам эътиқоди, пок имони билан одамлар ишончини қозонди.

Ишонч! Бу катта бахт Неъмат Исроиловга насиб этди. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, ҳалоллиги, меҳнатга бўлган муҳаббати мана шу ишонч билан йўғрилди.

Ҳатто кўшиб ёзишлар авж олган, турғунлик даврида ҳам Неъмат ака виждонига, эътиқодига хиёнат қилмади.

— 1979 йилнинг кеч кузи эди, — эслайди Неъмат ака, — плани бажаришимиз учун ярим процент миқдориде пахта керак. Раҳбарлар қистовга олишган. Лекин далаларимиз яп-яланғоч. Колхозчилар ҳам қийналиб кетишган. Одамлар: «Нима қиламиз энди?» — дегандек кўзимга қарайди. Колхоз раҳбарларига бошқа бир килограмм ҳам пахта беролмаслигимни айтишга мажбур бўлдим. «Улар жуда яхши, далада бўлмаса, пахта пунктида пахта бор», деб йўлини кўрсатишди. «Ана ўша пахтадан сотиб олиб плани бажаринг», дейишди. Коммунист деган номимга, виждонимга, ўзим учун азиз ва мўътабар бўлиб қолган оқ пахтага хиёнат қилишни истамай, уларнинг таклифини рад этдим. Олдинига илтимос қилишди, кейин дўқ-пўписага ўтишди, қаматамиз, деб кўрқитишди. Лекин мен ҳам ўз сўзимда қатъий турдим. Биласизми, мен ўшанда халққа ишонган эдим. Улар мени хўрлатиб қўймас, деган ишонч ҳам далда берган эди...

Аммо раҳбарлар сўзини қайтариш қимматга тушди. Турли қалбаки йўллар билан пахта планини бажариб қўйганлар «юксак» меҳнатлари эвазига орден-медаллар олишди. Юқори минбарларда кўкрак кериб қахрамон мисол ўтиришди. Ҳар бир гўзани фарзандидек суюб, ҳаловатсиз кунлар ва тунларни ўтказиб, ҳалол меҳнати билан белгиланган пахта планларини муттасил бажариб келган Неъмат акага ўхшаганларга «Фахрий ёрлик»ни ҳам раво кўришмади.

Қўлимдаги «СССР 60 йиллиги» колхозини правлениеси томонидан Н. Исроилов бригадасининг икки беш йилликда етиштирган пахтаси ҳақидаги маълумотномага кўз югуртирман. Маълумотномада у етакчилик қилган коллектив деҳқончиликда энг юқори кўрсаткичга эришганлиги қайд этилган. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 37,9 центнерни ташкил этган. Энг кам кўрсаткич 1985 йилда қайд қилинган. Уша йили пахта плани 101,1 процентга етказилган. 101 процент, бу — аҳил коллективнинг энг паст кўрсаткичи! Шунда мен фақат бир нарса — йигирма беш йил сардорлик қилиб, доимо илғорликни қўлдан бермай келган Н. Исроиловнинг меҳнати нима учун бирор марта ҳам тақдирланмаганлигини сабаби ҳақида ўйладим.

Шу пайтгача тақдирлашлар меҳнатига қараб эмас, шахсий садоқатига қараб амалга оширилгани бугунги ошкоралик даврида барчага аён бўлди. Тўғри, халқ бу ҳақда билардию...

Ўз касбини улуғлаганлар мукофотлар олиш учун меҳнат қилмайдилар. Зеро, Неъмат ака энг юксак мукофот — одамларнинг ҳурмат-эътиборига, ишончига сазовор бўлган. Шунинг ўзи кифоя. Унинг бригадасида ишлашга талабгор кўп. Ҳамқишлоқлари ҳам

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадий журнали

№ 11 (465)

Ноябрь

1988

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

у ҳақида: «Неъмат колхозчининг бир тийин ҳақи учун ҳам ётиб талашади», дейишади.

Ҳақ гап. У «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган нақлни шиор қилиб олганлардан.

— Ишладингми, ҳаққинги талаб қилишни ҳам бил, — дейди бригадир. — Мен ҳосилни етиштиришда йил давомида кетган харажатнинг ҳаммасини ўзим ёзиб бораман. Менинг ҳисобим билан колхоз ҳисобчисиникида фарқ бўлса, аниқламагунимча қўймаман. Чунки бригада аъзоларимиз ҳар бир сўмни ўз ўрнида ишлатиб, ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бригада аъзоларининг ўртача ойлик даромади 170-180 сўмни ташкил этади. Бу — колхозимизнинг ўртача кўрсаткичидан 30—40 сўм кўп. Қаерга нима экиш ва қачон экишни кўпроқ ўзимиз белгилаймиз. Айниқса алмашлаб экишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу йили 86 гектар ерга пахта, 26 гектар ерга маккажўхори, 13 гектар ерга беда экдик. Кейинги йили эса эски пахта майдонларига беда, беда экилган майдонларга пахта эка-миз. Кўпинча ҳамкасбларимиздан эски бедазор ёки маккажўхори экилган майдонларга экилган ғўзани бегона ўт босиб кетаётир, деган нолишларни эшитаман. Бизлар ғўзани бегона ўт босмаслиги учун ерни экишга тайёрлаётгандаёқ бу ишга жиддий киришамиз. Ерни бороналашдан олдин, тупроқни чизел культиватори билан 12—14 сантиметр чуқурликда тилиб чиқамиз. Чизел тишларига илинган ўт илдизларини дала четидан ташқарига чиқариб ташлаймиз...

Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида ва бригада аъзоларининг кучи билан йиғиштириб олинди. Вунинг моддий ва маънавий сабаблари бор. Бригада аҳли колхозда уч йилдан бери ҳашарчиларни жалб этмасдан ҳосилни ўзлари йиғиштириб олмоқдалар. Тажрибали сувчилар А. Кенжаев, Ғ. Пиримқулов, шу бригадада узоқ йиллардан бери механизатор бўлиб ишлаётган С. Данабоев, колхозчилардан Т. Дўсматова, О. Усмонова ва бошқаларнинг ҳиссаси бор.

— Бригада аҳлини катта бир оила деса бўлади. Ташвишимизга ҳаммамиз бирдай шерик. Ишда бўлсин, ҳаётда бўлсин бир-биримизни суяшга ҳаракат қиламиз.

Самарқанд қишлоғи аҳли Неъмат аканинг ҳурматини бажо келтириб, ўз маслаҳатгўйи ўрнида кўришади. У қишлоқ Советининг депутати сифатида халқ нақазларини мунтазам бажариб боради.

Неъмат Исроиловни ҳамкасблари бир овоздан колхоз пахтакорлар кенгаши раислигига сайлашди.

— Биз деҳқончиликда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришишимиз мумкин, — дейди Неъмат ака, — лекин бизга боғлиқ бўлмаган томонлар борки, уларни ҳал қилмасдан меҳнат унумдорлигини ошириш, колхозчидан кўпроқ иш талаб қилиш қийин. Аввало колхозимизда социал, маданий ва маиший масалаларни ҳал этиш керак. Колхоз хонадонлари шу пайтгача газлаштирилмаган. Баллонли газ билан таъминлаш эса ниҳоятда қоникарсиз. Колхозда маданий ва маиший хизмат кўрсатиш объеклари йўқ.

Колхозчи аёлларимизнинг нозик оёқларидаги этикларга қараб, раҳминг келади. Ёзининг иссиқ кунда эркак кишига оғир туюладиган бу этикларни аёлларимиз кийишга мажбур. Илож қанча, далада этикдан бошқа нарсани кийиб ишлаб бўлмайди. Колхозчи аёллар учун махсус коржом, ихчам, енгил этиклар чиқарилса, қандай яхши бўларди?

Неъмат ака муаммолар ҳақида узоқ гапирди. Шу билан бирга ҳозирги қайта қуришнинг натижалари бу муаммоларни ҳам ҳал қилса керак, деган ишончни билдирди.

Ҳа, Неъмат ака ва унинг етакчилигидаги — бу йилги план ва мажбуриятни муддатидан олдин бажарган бригада келажакка ишонч билан яшайпти.

Абдураззоқ КАРИМОВ


Самарали меҳнат тантанаси.



## МИРИШҚОРЛАР

Сирдарё область Пахтакор райони, Ульянов номидаги совхознинг Неъмат Очилов бошчилигидаги бригада аъзолари бу йил мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар. Қобил Сафаров оилавий звеноси, Урол Каримов етакчилигидаги бригада, Тоштурди Мирзамбетов бошлиқ звено аъзолари ҳам улардан ортда қолмадилар.

Совхоз пахтадан ташқари сабзавотчилик билан ҳам шуғулланади. Мазкур хўжалик шу йили Иркутск, Чита шаҳарларига минг тоннага яқин хўл мева юборди. Шунингдек, 360 тонна сабзавот, 310 тонна ғалла, 147 тонна маккажўхори дони етказиб берди. Қулмирза Қамбаров бошчилигидаги бригада аъзолари айниқса катта муваффиқиятларга эришдилар. Совхоз меҳнаткашларининг муайян илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда ишлаётганлари ҳосилдорликни оширишга сезиларли ёрдам бермоқда.



Сирдарё область Пахтакор райони, Ульянов номидаги совхоз пахтачилик бригадасининг звено бошлиғи Тоштурди Мирзамбетов.



Оқсоқол пахтакорлар — Икром Тешабоев, Умрзоқ Сатторов.

Г. Еқубов фотолари

# ДУСТЛИК ПАРВОЗИ



Суратда: экипаж командири — СССР космонавти, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Ляхов (ўртада), экипаж врачлари В. В. Поляков (чапда) ва Афғонистон Республикаси граждани тадқиқотчи-космонавт Абдул Аҳад Моманд.

(ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси)

Мамлакатимизда космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу гал биз яна бир халқаро экипаж парвозининг гувоҳи бўлдик. 1988 йил 20 август куни Москва вақти билан соат 8 дан 23 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ—6» космик кемаси учирилди. Кемани командир — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Ляхов, тадқиқотчи врач Валерий Поляков ва тадқиқотчи космонавт — Афғонистон Республикасининг граждани Абдул Аҳад Моманддан иборат халқаро экипаж бошқарди.

Учиш программасида «Союз ТМ—6» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташириш ҳамда унда 1987 йил декабрдан буён Ер атрофидаги орбитада ишлаётган космонавтлар Владимир Титов ва Муса Манаров билан биргаликда илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш кўзда тутилган эди.

Совет — Афғон космик парвози Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги аҳдномага мувофиқ амалга оширилди.

Белгиланган программага мувофиқ 1988 йил 31 август Москва вақти билан соат 9 дан 41 минут ўтганда «Союз ТМ—6» космик кемаси «Мир» илмий тадқиқот комплекси би-

лан муваффақиятли равишда туташирилди. Совет космонавтлари Владимир Титов, Муса Манаров, Владимир Ляхов, Валерий Поляков ва афғон космонавти Абдул Аҳад Моманддан иборат экипаж биргаликдаги тадқиқотлар ва экспериментларни бажаришга киришдилар.

Совет — Афғон экипажининг «Мир» комплексидаги иш программаси 6 кунга мўлжалланган бўлиб, бунда геофизик ва тиббий биологик тадқиқотларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Космонавтлар иш программасида оддий кўз билан ҳамда асбоблар ёрдамида кузатиш ва Афғонистон Республикаси территориясини суратга олиш, фанга ҳамда мамлакатнинг халқ хўжалигига оид турли хил вазифаларни бажариш мўлжалланган эди. Хусусан, Афғонистоннинг баланд тоғ ва бориш қийин бўлган районларини суратга тушириш ҳам мақсад қилиб қўйилган эди. Чунки бу ўша районлардаги табиий қазилмалар, ўзлаштиришга яроқли ерларни аниқлаш ва территориянинг сейсмик шароитларини ўрганиш жиҳатидан зарур эди.

«Мир» комплексида бу гал ўтказилган тиббий биологик экспериментларнинг фарқли томони шунда эдики, бунда бевосита тадқиқотчи врач қатнашди.

Космонавтлар «Шамшод» деб номланган экспериментлар программасига киритилган

тадқиқотларни «Катэ—14» стационар фотоаппарати, дастаки камералар, «МКС—М» ва «Спектр—256» спектрометрлари ёрдамида бажардилар. Улар биологик экспериментлар туркумида эса олий ўсимликларда оқсил ва кальций моддаларининг алмашинув хусусиятларини ўргандилар.

Владимир Титов билан Муса Манаров «Айнур» қурилмасида микрогравитация шароитида оқсил препаратларининг монокристалларини олиш технологиясини такомиллаштириш мақсадига қаратилган экспериментларни бажардилар.

Совет — Афғон халқаро экипаж аъзолари «Мир» илмий комплексида программада кўзда тутилган вазифаларни муваффақиятли бажариб бўлгач, 1988 йил 7 сентябрь Москва вақти билан соат 4 дан 50 минут ўтганда Ерга қайтиб тушдилар. Уларнинг «Мир» комплексида биргаликда бажарган илмий тадқиқотлари ва экспериментлари фан ва техника тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Тадқиқотчи врач Валерий Поляков Владимир Титов ва Муса Манаровлар билан «Мир» комплексида тадқиқотларни давом эттирмоқда.

Совет — Афғон халқаро экипажининг муваффақиятли парвози совет ва афғон халқлари ўртасидаги дўстликнинг яна бир ёркин намоиши бўлди.



Ойдин ҲОЖИЕВА



## ИМТИҲОН

Ўзбекистон Езувчилар союзи қошида Оролни асраб қолиш комитети тузилди


# Баҳор дарёларини тошмоқда бугун

\* \* \*

Шоирлари булбул бўлиб сайрамаган юрт —  
Кўксиди — ишқ, чўллариди ёвшан

гулламас.

Қизларидан ноз йўқолгай, эрларидан бурд,  
Кўлларига сўна билан ғозлар йўламас.  
Чарақлаган кундай сўзлар тушмаса дилга,  
Баланд тоғдай дил теграсин туманлар тутар.  
Бахшилари айланмаса оташин гулга,  
Путур кетиб элдан, сатта нодонлар битар!  
Ажриқ каби гоҳ қабоҳат нечун яшовчан?  
Зарпечакдай жони қаттиқ нега иллатнинг?  
Билки, шоир, кўзларингни юмиб яшабсан,  
Шамчироғи бўлломбсан она миллатнинг!



\* \* \*

Елғон-яшиқларга ўт кетди бугун,  
Кўкрагига уриб, қасам ичганга,  
Бойлик деб имондан кечганга —  
Сичқон ини бўлди минг танга.

Қоғозларни пардай учирди қуюн,  
Мухрга ёпишиб олганга,  
Курсини мерос деб билганга,  
Сичқон ини бўлди минг танга.

Баҳор дарёлари тошмоқда бугун,  
Турғунлик кўлларин сел босар,  
Беғамлик чўлларин сел босар,  
Диққинафасларга, нокаста  
Сичқон ини бўлди минг танга!

Қайга қочар улар алағда, дилхун:  
Туннинг зулмат мазоригами?  
Касод ғийбат бозоригами?  
Уларга кундузнинг эшиклари берк,  
Уларга эртанинг қопқалари берк!  
Сичқон ини бўлди минг танга!

## БАДРИЯ

Этаклари қўш қават,  
Кўйлаги кўк сидирга,  
Вадрияжон, кўзингда  
Бор эди икки жилга.  
Ҳурковуч кийиккинам,  
Юраги куюккинам,  
Даврага қўшилмаган  
Тиллари сучуккинам!  
Ўзбекчада ҳижжалаб,  
Ҳарфни ҳарфга қўшардинг,  
Дарс тугагач, индамай  
Елғиз йўлга тушардинг.  
Осмонда эркин сузган  
Булут бўлгинг келарди,  
Тилга новвот томизган  
Суруд бўлгинг келарди.  
Жума бобонинг ёлғиз  
Олчазор боғи гуллар.  
Сайфи бибининг тигиз  
Ўрик чорбоғи гуллар.  
Гулга тўлган қишлоқда  
Мунғаярдинг, Вадрия.  
Ҳеч ким билмас фироқда  
Улғаярдинг, Вадрия...  
Муллатош сўқмоғида  
Майин изларинг қолди.  
Хаёлларим тоғида  
Кийик кўзларинг қолди...  
Ўзанига интилган  
Ирмоқдай оқиб кетдинг.  
Дардимда Ватан деган  
Чироқни ёқиб кетдинг...



Орол!  
Неча аср Одам зотини  
Она сути бериб боққан муштипар,  
Зор эмасдинг Инсон садақасига!  
Бўри қувган жайрон каби отилиб  
Кирдинг Қизил китоб варақасига.  
Келинлар тикилса, тўлқинларингда  
Бешиқлар тебранган буюк орзусан!  
Жировлар юз тутган эпкинларингда,  
Полвонлар пирим деб сиғинган сувсан.  
Биялар қулунлаб соҳилларингда,  
Қимиз, қимрон сузган хушрўй янгалар.  
Ноёб гулмоҳига айланмиш сенда  
Чўлпилардан тушган кумуш тангалар...  
Малахдай ёприлди Шимолга очлик,  
Лаққа балиқ бўлиб югурган Орол.  
Бойбека аёлдай ғазналик, божлик  
Шоли, ғалла бўлиб улгурган Орол.  
Чанқаган туядай саҳролар ютди,  
Симирди каналлар қул саночидай.  
Бўз ерлар аждардай оғзини тутди,  
Қуридинг, туз қолди бўш кўмочингда.  
Қай дев сеҳрлади кемаларингни,  
Мўйнок, Сариқамиш — тилсимот шаҳар?  
Инсондан чекиниб, тупроққа сингиб  
Кичрайиб борасан бебаҳо гавҳар!

\* \* \*

От бошига иш тушса,  
Сувлиқ билан сув ичар.  
Эр бошига иш тушса,  
Этик билан сув кечар.  
Оролнинг қуригани —  
Ердан файз аригани.  
Азизми ширин

жонинг —

Ундан ҳол сўрагани?  
Ерни шўр тутганида,  
Босқин-ёвга не ҳожат?  
Ошиқ Бердақ қабрида  
Бўлмоқда беҳаловат!  
Қирқин қизлар сеҳрдан  
Уйғонса-чи баногоҳ!  
Орол бугун Меҳрдан —  
Халқдан ўтинар паноҳ!  
Тўлепберген оғанинг  
Ҳасратлари ҳад билмас:  
Ер қарғаган Одамнинг  
Ети пушти кўкармас!  
Амударё, Сирдарё  
Ҳар бир жонда

ҳайқирсин!

Оролга излаб шифо,  
Имтиҳонда

ҳайқирсин!

## ЭРТАКНИНГ БОШИ ВА ОХИРИ

Шоҳнинг ишқи қурбакага  
тушибди,  
Девнинг ишқи маликага  
тушибди.  
Девни алқаб, қўшан берди  
эл-улус,  
Шоҳ бечора калакага тушибди.

Муродига етди девлар зўр билан,  
Ниятига етди шоҳлар зар билан.  
Камбағалнинг ишқи бурда нон  
эди,  
Қўша қариб яшар ўша зор билан.

## ХАЛҚ ЙЎЛИДА

Сандиқчаю курсича,  
Курсичада мусича...  
Сандиқчада оқ рўмол!  
Оқ рўмолнинг эгаси  
Очилмаган гул мисол...

Сандиқчаю курсича,  
Курсичада бозича...  
Сандиқчада оқ маржон.  
Оқ маржоннинг эгаси  
Оқ бўйинли бир жайрон...

Сандиқчаю курсича,  
Курсичада олуца...  
Сандиқчада бир қиз бор,  
Шакарда ҳам тамиз йўқ  
Сўзларининг болича!



— Комбинатимизнинг ранг-баранг гиламлари янги оила қураётган қиз-йигитларнинг хонадонини безасин! — дейди хевалик гиламчи Муҳаббат Боғбекова.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ)



## ИҒВОГАРГА

Ёз, ҳа, ёз, қилдан қийиқ ахтар,  
Хатоларни бетийиқ ахтар,  
Янги уйни бузиб, йик, ахтар —  
Вайронадан гувоҳ тополсанг!

Гўнг титкила гўнг қарға бўлиб,  
Давралардан бадарға бўлиб,  
Йўлда ётгил баталга бўлиб,  
Зора-мора паноҳ тополсанг.

Гулни чирмаб зарпечак мижоз,  
Боғни қурит, хуморингни ёз,  
Тўшак-кўрпанг бўлсин-да қоғоз,  
Газагингга — сиёҳ тополсанг!

Михлаб ташлаб кунгай уйларни,  
Мотам қилиб шўх-шан тўйларни,  
Ботқоқ қилиб кўча-кўйларни,  
Қасосингдан огоҳ тополсанг!

Тизинг титрар, қўлинг қалтирар,  
Қорачуғинг муздай ялтирар,  
Оғзингда бир илон ўлтирар,  
Ҳамтовоқ бир маддоҳ тополсанг.

Одамларга бўлолмайсан дўст,  
Шайтон сендан ўгиргандир юз,  
Бўлмасмидинг шунчалар беюз,  
Тавбалардан сабоқ тополсанг!

## ТОҒАМ ҲАҚМИКИН?

ЛУҚМА

Тоғам кўп йиллар ўқитувчилик қилган, ҳозир пенсияда. Баъманни, дилкаш одам. Лекин бир нохушроқ одати бор: биров билан гап таллашишни яхши кўради. Аммо ҳамма вақт эмас, гап ўнқови келиб қолсагина шундай қилади. Қўндоқда теккан дард-да. Тунов дам олиш куни уч-тўрт киши бўлиб тоққа чиққан эдик. Тоғам ҳам чўпон оғайнисиникида экан. Биз билан бирга ўтиришиб қолди. Ишқилиб анави одати қўзиб қолмасин-да, деб хавотирланиб ўтирдим. Нима муносабат биландир йигитлардан бири тубандаги ашулани хиргойи қилди:

Оқ илон, оппоқ илон,  
ойдинда ётгонинг қани.  
Ман ёмондан айрилиб  
яхшини топгонинг қани?

Бу ашула тоғамнинг тилини қичитиб юборди шекилли:

— Тўхта! — деди йигитга. — Совуқ илонни ашулага қўшиб, одамни сескантирма, қўшқининг сўзини тўғри айт.

— Нима деб айтай? — Кулимсиради йигит.

Тоғам гапга тушди:  
— Мисол, икки ёш турмуш қуришган, дейлик. Орадан бир муддат вақт ўтар-ўтмас, йигитнинг яхши кўрган дилбари уни ёмон деб айрилиб кетган бўлсин-у, яна қандайдир илинж би-

лан бошқага турмушга чиқмай юрган бўлсин. Шунда юраги ишқ ҳажрида ўртанган йигит, севган, аммо бевафолик қилган севгилсига таъна аралаш бундай дейди:  
— «Оқ билан, оппоқ билан (ёки оқ илан, оппоқ илан) ойдинда ётгонинг қани? — Ман ёмондан айрилиб яхшини топгонинг қани?...» Сен бўлсанг қизгин муҳаббатнинг ўртасига совуқ илонни тиқиштириб ўтирибсан.

Йигит ҳам бўш келмади:

— Кўп бадий асарларда ўқиганман. Ман айтгандек ёзилган.

— Бўлса бордир, — деди тоғам ўйчанлик билан. — Асли билан — илан сўзи «илон» бўлиб кетганда, ҳеч ким маънога эътибор бермаган бўлиши керак.

— Ҳа, — деди даврадагилардан бири ашулачига, — дамнинг чиқмай қолди? Тоғамнинг гапи жўяли эканми ёки шошиб қолдингми? Шошганда лаббай топилмас, дейдилар...

Тоғамга яна жон кирди:

— Шошганда «лаббай топилмас» эмас, «лаппак топилмас» де!

— Лаппак?

— Ҳа, шунақа. Агар тегирмонга бориб, ун тортган бўлсанг, кўргандирсан. Бир парча — лахтак пўстак хамфанинг четида туради. Ана шунинг оти — лаппак.

— Уни нима қилишади?  
— У билан хамфадаги урни сидириб, бир чеккага уйиб, қопга солишади.

— Хўш, кейин?

— Дўлдаги буғдой тамом бўлиши билан дарров навбатдаги одамнинг буғдойи дўлга солинади. Шунда аввалги унга бу ун аралашиб кетмасин деб, лаппакни қидириб, шошганда ёнида турган лаппакни тополмай қолиши мумкин.

— Озгина ун аралашса, нима бўпти? — деди кимдир.

Тоғам унга ола қаради:

— Бировнинг ҳақи-ку у...

— Нима дер эдим, бўлгани бўлди, бўёғи синди, деб қўя қоламан-да.

— Бу сўзни ҳам хато айтдинг. Бўёғи синди деб эмас, сингди деб айт!

— Нима фарқи бор?

— Ия, «синди» билан «сингди»нинг фарқини билмайсанми? Масалан, оқ матони кўкка бўямоқчи бўлган одам, паришонхотирлик билан сариқ бўёққа солиб қўйди, бунда аттанг фойдасиз. Негаки, сариқ бўёқ матога сингди кетган бўлади.

— Қойил тоға, шу гапларингиз ҳақ гапми?

Тоғам сўзсиз илжайиб қўя қолди.

Усмон УМАРЗОДА

# ПАХТА ЙИЛИ

Еш коммунист Абулқосим Қулназаров бундан ўн йил илгари бошқалар қатори оила аъзолари билан Деҳқонободдан Сурхон-Шеробод чўлини ўзлаштиришга келганди. У бу ерда оилавий бригада тузиб, ишни бошқарди. Олти йил ҳам сурункасига пахта тайёрлаш планини бажарди. Айни вақтда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига сирдан ўқиди.

Абулқосим бошлиқ оилавий бригада аъзолари 1984 йилда Қарши чўлига кўчиб келдилар. Улар наманганликлар билан бир қаторда Нишон районидаги «Ленинобод» совхозига келиб жойлашдилар. Энди улар битта бригада эмас, бутун бир бўлимни ташкил қилдилар. Қариндошлари Абулқосимни ўзларига етакчи қилиб белгиладилар.

Уша йили чўлга келганларнинг кўпчилиги кўз очиргани қўймайдиган шамолни кўриб, яшаш шароитининг оғирлигидан бошқа хўжаликларга кетиб қолишди. Абулқосим бош бўлган бўлим ишчиларига ҳам қийин бўлди, улар планини бажараолмадилар. А. Қулназаров умидсизланмади, у ишни қайта шудгорлашдан бошлади. Ерни тўйиттирди. Ариқлар қазилди, сув йўллари тозаланди. Чигитни ҳам кенг қаторлаб экишди. Ишлар энди йўлга тушиб олганида, чўл гармисели ишнинг белига тепди. Чанг-тўзон аралаш қумлар учиб кела бошлади. Эндигина ниш отган ниҳоллар қум тўзони остиде қолди. Катта Ульянов канали ёқасидаги қум барханларини сўрдириб ташламаса, мўлжалдаги ҳосилни ололмасликларига кўзи етган Абулқосим директорга дардини айтди. Қумтепалар олиб ташланди. Яна пахта ҳосили учун курашилди. Бўлим деҳқонлари ҳамма майдонда бўлиқ ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Дастлабки ютуқ уларга мадад бўлди. Абулқосимга совхоз коммунистлари ишонч билдиришиб, уни совхоз партия комитети секретарлигига сайлашди. Посёлка куриб битказилганидан бери сув масаласи ҳал бўлмай келарди. Янги секретарь шу муаммони ҳал этишга бош-қош бўлди. Эрта баҳорда ҳар хил мевали кўчатлар ўтқазилди. Посёлкага кундан кунга кўрк кира бошлади.

Орадан икки йил ўтгач эса совхоз ишчилари унга катта ишонч билдиришди. Қулназаров директорликка тавсия этилди. Аввалига у совхозни эплаб кетаоламанмикин, деб иккиланди. Одамларга уй-жой етишмасди. Янги директор шу муаммонинг кетига тушди...

Ўзага ишлов беришда эса имкони борича минерал ё маҳаллий

ўғит солиб, тракторларнинг қуруқ ишлашига йўл қўймади.

Хўжаликда оилавий пудратнинг нималарга қодир эканлиги ўзини кўрсатди. Пудрат ҳар қандай қийин шароитларда ҳам иш берди. Ўза баргини тўктириш ўз вақтида амалга оширилди. Машина теримига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди.

Терим олдида бош инженер Тўлабой Шодиевнинг ихтисоси яхши самара берди. Бир пайтлар хўжалик гаражида ишлатилмай қолиб кетган 60×60 схемали машиналарнинг териш аппарати олиб ташланиб, қатор ораси 90×90 бўлган машинанинг териш аппарати қўйилди. Ўзига хос бу кашфиёт Нишон район агросаноат бирлашмаси томонидан маъқулланди ва бошқа хўжаликларга ҳам шунини тавсия этишди.

Ишни коллектив пудрати асосида ташкил қилган Ҳасан Алиқулов, Яхшибой Чориев, Абдисалом Бобоёров бошлиқ бўлим ва бригадаларда янада мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, совхоз биргина пахтачиликнинг ўзидан 1,5 миллион сўм даромад олади. Шундан 300 минг сўми мукофот тариқасида берилди.

Совхозда 10 та комсомол-ёшлар бригадаси мавжуд. Хўжаликнинг ҳамма раҳбарлари ўттиз ёшга етиб-етмаган ёшлардир.

Абулқосим ака ўтган йили бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб берди: «Ёз ойларида бир группа комиссия келиб, ишчиларга танбех бериб: «Сўғориш мана бундоқ ёзилган», деб дурустроқ ишлагани қўйишмабди. Жанжалнинг устидан бош агроном Абдумалик Ражабов чиқиб қолибди. Ўзини таништирибди. Ишонишмапти. «Бориб, директорни айтиб келинглар», деб туриб олишинги. Борсам, менга ҳам ишонишмади. «Нега масхара қиласизлар?» дейишади. Уларнинг тасавурида раҳбарлар, албатта, қорни катта, семиз киши бўлса керак-да...»

Бу йил хўжалик меҳнаткашлари зиммаларига улкан социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. 3000 гектар майдонга чигит экиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 20 центнерга, жами ҳосилни 6000 тоннага етказишга бел болаганлар. Улар йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, пахта тайёрлашда пешқадамлик қилмоқдалар.

Ҳа, бу йил кузнинг салмоғи, файзи ўзгача. Деҳқонларнинг мўлжалича, ҳосилнинг бу йилги чўғи ҳар қачонгидан бўлиқ. Бу пахтакорларимизга юксак кайфият ва теримга суръат бахш этди.

Жўра БОБОРАҲМАТОВ

Нишон райони



Сурхондарё области, Термиз райони оилавий звено аъзолари — опа-сингил теримчилар — Гулдастон ва Гулистон Сарабоевалар.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ)

## ҲАЙВОНОТ БОГИДАГИ ҲОДИСА



Франциянинг жанубида жойлашган Дуэ-ла-Фонтен шаҳарчасидаги ҳайвонот боғида қувончли воқеа юз берди: жаҳондаги энг катта илонлардан бири бўлган — жанубий Америка бўғма илони — анаконда болалади. Олимларнинг ҳисоблашларича, бундай илонларнинг урчиши жуда ҳам камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Буни қарангки, аждод-

лари удумини бузиб, анаконда бирданга 23 та тугди.

Франс пресс агентлигининг хабарига кўра, асоски, биринчи кун ёки илончаларнинг етти таси нобуд бўлди. Қолган 16 нафар илонча ҳозирча яшаб турибди...



## ЭЪТИҚОД ҚУДРАТИ

«КРЕМЛЬ КУРАНТИ» СПЕКТАКЛИ ХОРАЗМДАГИ ОҒАҲИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

**О**ҒАҲИЙ НОМИДАГИ Хоразм область театрида Николай Погодиннинг «Кремль куранти» тарихий-инқилобий драмаси катта муваффақият билан қўйилмоқда. Спектакль томошабин эътиборини тортаётганининг сабаби ундаги воқеаларнинг ҳозирги давр билан ҳамоҳанглигидадир.

Еш совет давлатининг дастлабки йилларида В. И. Лениннинг ҳаётбахш революцион гоълари, уларнинг қудрати таъсирида одамлар тушунчаси ва психологиясида рўй берган ўзгаришлар жараёнини акс эттириш спектаклнинг асосий гоъвий йўналишини белгилаган. Бу гоъя трамвай ишчилари, собиқ матрос Саша Рибак, Маша соатсоз, хусусан, инженер Забелин тақдирида ўз мужассамини топган. В. И. Ленин билан Забелиннинг учрашув саҳналари спектаклнинг гоъвий ўзагини ташкил этиб, бадий жиҳатдан мукамал чиқишини таъминлаган десак, хато бўлмайди. Айни шу саҳналарда Ленин образини яратган актёр Ҳ. Ортиқов Забелин тақдири мисолида социалистик революциянинг моҳиятига етолмай янглишиб гафлатда қолган кўнгли пок ватанпарвар зиёлиларнинг эътиқодини, дунёқарашини ўзгартириб социализм қуриш ишига сафарбар қилишдек мураккаб муаммони ҳал этишда Владимир Ильичнинг донолиги ва тadbиркорлигини, меҳнаткаш инсон учун қалбининг кўрини, меҳрини аямаганини моҳирона кўрсатган.

Воқеа В. И. Лениннинг Кремльдаги кабинетда ўтади.

...Инженер Забелин секин қадам ташлаб, оқсуяк зодагонларга хос виқор билан кириб келади. У кўринишидан димоғдор, асабий, қовоғи солиқ. Қўлидаги тугунча унинг важоҳатига сира ярашмайди. Забелиннинг эшик олдида тугунчасини ушлаганича индамай гердайиб турганидан ажабланган Ленин «Машхур инженер-олимпнинг аҳволига қаранг», дегандек нарироқда қўлларини орқасига ташлаб турган Дзержинскийга назар ташлаб қўяди-да, сўнг яқинроқ келиб: «Инженер Забелинмисиз?» деб сўрайди. Танишгач, Владимир Ильич Забелинга чап томондаги курсини кўрсатиб, ўтиришга таклиф этади, ўзи эса уни синчиклаб кузатади. Ҳатто Забелин курсининг четиди омонат ўтирганини ҳам пайқайди. Кекса олим эса, Ленинга эътибор бермай тугунчасини тиззасига қўйиб, нигоҳини унга қа-

даб, қовоғ-димоғ қилиб индамай ўтираверади... Ленин ўнгдаги курсининг суянчигига қўлларини тираб, у томон қаддини бир оз эгади ва бирдан: «...ишдан қочиб юраверасизми ёки ишлайсизми?!» деб ўртага тушган сукунатни бузади. Масаланинг бу хилда яшин тезлигида кўндаланг қўйилгани Забелинни ҳушига келтиради. У эсанкираганидан, уйқусидан чўчиб уйғонган кишидек гоҳ Ленинга, гоҳ Дзержинскийга қарайди. Ленин иш столи томон тез юриб боради ва Дзержинскийга ишора қилиб: «...Биз ниҳоятда катта бир масала тўғрисида сиз билан маслаҳатлашиб олмоқчи бўлиб турибмиз», дейди ва ўзи Забелиннинг бу гапга қандай муносабат билдиришини диққат билан кузатади... Актёр бу сўзларни шундай айтадики, томошабин Владимир Ильичнинг Забелин билан малакали мутахассис сифатида астойдил қизиққанини, унга мойиллиги ва муносабатининг самимийлигини чуқур ҳис этади.

Бунчалик эътибор ва илтифот кўрсатилишини кутмаган Забелин Лениннинг муруватидан шошиб қолади. У қўлидаги тугунчани гоҳ эсади, гоҳ у тиззасидан бу тиззасига олиб қўяди. Ўзини ноқулай сезганидан нигоҳини олиб қочади. Аввалги димоғфироғи, такаббурлиги ҳам аста-секин йўқолиб боради. Ленинга нима деб жавоб беришини билмай ўйлаиб қолади. Владимир Ильич Забелиннинг ҳолатини кузатиб, рўпарасида душман эмас, янги тузумнинг моҳиятига тушуниб етмай, жамиятда ўз ўрнини тополмай сарсонликда юрган, аслида дили пок ҳақиқий рус зиёлиси ўтирганини ҳис этади. Бу унинг хушмуомалалиги ва сидқидиллигида, унга ишонч билан қарашида кўзга ташланади.

Лениннинг назари Забелин стол четига қўйган тугунчага тушади: «Ҳойнаҳой, ҳаммомга кетаётган бўлсангиз керак?...» деганда, Забелин ботиниб-ботинмай иккиланиб: «Ҳа, албатта...», деб қўя-қолади кўзини ерга тикиб. Ленин унинг бу юмушига аҳамият бермай: «Улгурасиз», дейди ва бир оз жимликдан кейин: «...Биз сизни узоқ ушлаб турмаймиз», деб кекса инженернинг кўнглини тинчитади ва унинг учун ҳали номаълум бўлган гоъят зарур масалага диққатини тортишга руҳан тайёрлайди.

Бундай қараганда, Лениннинг айтган сўнги икки оғиз сўзи оддий маъно касб этади. Бироқ Ҳ. Ортиқовнинг уларга берган урғусида, топган оҳангларида Владимир Ильичнинг заҳматкаш-

га, унинг ким бўлишидан қатъий назар, ишчими, деҳқонми ёки зиёлими, унга кўрсатган илтифоти, эҳтироми одамни оҳанрабодек ўзига тортиши ёрқин ифодаланган. Лениннинг ана шу юксак инсоний фазилати, ўта зийраклиги, одам қалбини, дардини англай олиши кекса инженернинг тушқун кайфиятини ўзгартиради.

Инженер Глаголев, айрим кимсалар Россияда электрлаштиришнинг истиқболи йўқ деб ҳисобламоқдалар, деганда Забелиннинг жаҳли кўзгаб кетганидан кўзлари чақнаб, бутун вужуди ҳаяжонга тўлади. Гарчи Ленин олдида ўзини вазмин ва сипо тутса-да: «Нодоннинг сўзи бу...», деб норозилигини қатъий билдиради. Сал нарида чап қўлини белгига тираб, икки инженернинг қизгин суҳбатини диққат билан кузатиб турган Владимир Ильич Забелиннинг шахсиятига, иззати-га тегмай, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан: «Йўқ, кечирасиз, у баобрў олим... Бир электр компаниясининг ҳиссадори», деб таъкидлайди. Актёр ижросида бу сўзлар шундай маъно касб этадики, улар нуруний олимпнинг профессионал гурурини, ватанпарварлик ҳиссиётини кўзгатади. Ленин ўнг томондаги курсига яқин келади ва электрлаштириш масаласига Забелиннинг диққатини кучайтириш, унда кўпроқ қизиқиш уйғотиш мақсадида ҳурматини ўрнига қўйиб: «Нимага фирибгар дейсиз? Ишот қилинг!» деб секин гап қистиради. Унинг бу ҳаракати Забелинни сўроқ қилиш ёки унга қандайдир тазйиқ ўтказиш эмас, уни асосий мақсадга тезроқ тортиш, бу борада унинг асл фикрини билишга қаратилгани яққол сезилади.

...Стол устида харита. Атрофида Ленин, Дзержинский, Забелин ва Глаголев. Забелин мамлакатимизнинг қаерларида электростанция қуриш мумкинлигини ишчанлик ва завқ билан гапирди. Владимир Ильич бутун вужуди билан берилиб уни тинглайди, ҳар бир сўзига, ҳар бир ҳаракатига диққат қилади. Айтилган фикрларни ўзича йўл-йўлакай таҳлил этаётганини қисқ ўйчан кўзларидан, жиддийлашган чехрасидан билиш мумкин эди. Фақат у ёки бу мулоҳазага аниқлик киритиш ниятида, Забелинга халақит бермаган ҳолда, баъзан савол ташлаб қўяди. Ленин тинглаган ахборотидан гоъят мамнун бўлади. Бу ҳолат кайфиятнинг чоғлиги, кўтаринки руҳидан сезилади. Фурсатни бой бермаслик учун ҳозир эшитганларини атрофлича қоғозга ту-

шириб беришни Забелиндан сўрайди. Бироқ у бош тортади. Владимир Ильич унинг қўққисдан рад этишининг сабабини билолмай, гоҳ Дзержинскийга, гоҳ Глаголевга таажжубланиб назар ташлайди... Дзержинский инженер Забелин бозорда гугурт сотиб юрганини айтади. Бу гап Ленинга жуда қаттиқ ботади. У кулоқларига ишонмай: «Нималар деяпсиз?» деган маънода унга разм солади. Дзержинский «Ҳа...», дегандек бошини қимирлатиб, тасдиқлайди. Ўртага сукут чўкади...

Россияни очлик, зулмат, жаҳолат қоплаган шундай оғир пайтда йирик олимпнинг қилиб юрган бу ишидан В. И. Лениннинг газабланиши табиий эди. Актёр Ҳ. Ортиқов ҳам ана шу мантиқдан келиб чиқиб, Владимир Ильичнинг Забелинга нисбатан зардаси тўлиб-тошганини очиқ-ойдин ифодалайди. Ленин ўзини Забелиндан нарига — пешсаҳна томон олади. Жаҳлланганидан кўзлари чақнаб, улардан газаб ўтлари сачраётгандек туюлади. Унинг Забелинга қарата айтган ачқидк, аёвсиз сўзлари беомон ҳукмдек жаранглайди... Забелин бошини қуйи эгиб индамай ўтиради. У отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмаётган одамни эслатади. Бир оздан сўнг бамайлихотирлик билан социализмга ишонмаслигини айтади. Кекса инженернинг очиқ-ойдин ва дадил эътирофи Ленинни жиддий ўйлатиб қўяди, Забелин қалбига чуқурроқ назар ташлашга ундайди. Эътиборини ундан узмай, диққат билан уни тинглайди, ҳаракатини кузатади, ичидагини билишга интилади. Забелин ўз билимини, ихтисосини татбиқ етолмай, сарсон-саргардонликда юриб гугуртфурушлик билан аламини ичига ютишга мажбур бўлгани ва шу боис Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишдан бош тортаётганининг асл сабаби — социализмга ишончи йўқлигида эканлигини англагач, унга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартиради. Аввалги шаштидан тушади, ҳаракатларидаги кескинлик йўқолади, кўз қарашларида яна меҳр, илтифот пайдо бўлади. Ленин Забелиннинг электрлаштириш масаласига бош қўйиш ёхуд қўшмаслиги унинг хоҳишига эмас, сиёсий эътиқодига боғлиқлигини яхши тушунади ва шунга қараб унга ёндашади. Актёр ҳам ўз қаҳрамонини, унинг ҳаракатини шу мақсадга, яъни Забелинда социалистик эътиқод уйғотишга бўйсундиради. Ленин ундан эътиборини узмай, икки-уч қадам юриб

келади ва донатор қилиб: «Мен бўлсам ишонаман», деб секин уқтиради. Ҳ. Ортиқов бу сўзларни қатъият ва чуқур ишонч туйғулари билан сўзоради. Улар қандайдир ташвиқот ёки ундаш эмас, инонтириш маъносини касб этади. Владимир Ильич фикрини давом эттириб, ўзига хос революцион эътиқод, эҳтирос ва жўшқинлик билан социализм ҳақида гапириб, ўз позициясини холисона содда қилиб Забелинга тушунтиради. Гугуртфурушлиги тўғрисида аччиқ таъналар айтилганда, Забелин ўзини ноқулай сезганидан бошини қуйи солиб ўтирганди, энди эса қоматини ростлаб, фикри-зикрини Владимир Ильичнинг сўзларига қаратиб, уни диққат билан тинглайди... Охирида: «...Бу масалаларга мен яхши тушунмайман...» деб сиёсатдан узоқдалигини очиқ эътироф этади. Ленин билинар-билимас мийғида кулиб қўяди-да, курсига суяниб, у томон сал эгилиб таъна-сиз, киноясиз, гоят самимий ва очиқ кўнгил билан, кекса олимнинг ҳамиятига тегмай, ҳатто бир оз ҳазилсимон йўсинда: «Ўзингиз-ку социализмга яхши тушунмас экансиз, бу ақволда қандай қилиб унга ишонингиз ё ишонмаслигингиз мумкин?...» дейди ва ундан эътиборини олиб: «Кўрдингизми?» дегандек Дзержинскийга қарайди, сўнг чап қўлини шимининг чўнтагига солиб иш столи ёнига келади, унинг устидаги қоғозларини кўздан кечирилади... Забелин нима дейишини билмай ўйчан пастга тикилиб, елкасини қисиб қўяди... Уртага бир зум сукут чўкади...

Глаголевнинг Кржижановский ҳақидаги гапи вазиатни ўзгартиради. Ленин шу ондаёқ Глаголевнинг фикрини илиб олади, яна ўнгдаги курси томон юриб йўл-йўлакай: «У киши (яъни Кржижановский — Ф. Ж.) сизни жуда ўтқир электр мутахассиси, ажойиб лойиҳалар устаси деб мақтаган эди...» дейди. Бу сўзларда Владимир Ильич, Забелин олим сифатида мўтабарлигини, шунингдек унга билдирилаётган ишонччи очиқ-ойдин таъкидлаётганини яққол ҳис этади киши. Бир оздан сўнг Ленин фикрини давом эттириб: «Сиз бўлсангиз гугурт сотиб юрибсиз, қандай келишмаган қилиқ...» деб ичидан астойдил афсусланиб гапиради. Ҳ. Ортиқов бу сўзларга шундай ургу берадики, улар Забелинни камситиш ёки иззатига тегиш эмас, балки жамоатда танилган машҳур олимнинг мавқеи билан «келишмаган қилиги» ўртасидаги тафовутни кўрсатишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Забелиннинг ўзига келиб бирдан гугурт сотмасликка қатъий сўз бериши ана шу мантиқа асосланган. Бир ҳисобда Ленин шу йўл билан уни ҳаётга, ўзи севган ишига қайтаради. Забелин ҳам елкасидан босиб турган харсангни кулатгандек қаддини кўтариб, ўзини эркин ва енгил сезади. Бироқ ишга киришишга ботинмайди. Ўзини янги жамият учун бегона деб билади. «Менга коммунистлар партиясидан ҳеч ким қафил бўлолмади», деб дардини очиқ айтганда, Ленин шу заҳотиёқ, «Мана биз» дегандек Дзержинскийга ишора қилиб: «Фараз қилинг, бўла ола-

ди», деб уни қатъий ишонтиради. Кутилмаган бу жавобдан Забелин тамоман ўзини йўқотиб қўяди. Қулоқларига ишонмай гоҳ Ленинга, гоҳ Дзержинскийга, гоҳ Глаголевга назар ташлайди. Владимир Ильичнинг сахий ва меҳрга тўла нигоҳи, очиқ чехраси унда ишонч туғдиради. У секин ўрнидан туради, таъзим қилиб хайрлашади...

Забелин эшик томон аста-секин қадам ташлаганда Ленин уни диққат билан кузатади ва кўзларини бир нуқтага тикиб: «Ҳали бизда юзлаб, минглаб, миллионлаб одамлар бекор ўтирибди», деб бир оз хаёлга чўмади. Гўё шу топда унинг назаридан Забелин сингари қанчадан-қанча одамларнинг қисмати ўтаётгандек туюлади. Яна Забелинни эслаб эшикка қараб қўяди, сўнг илтифот ва хайрихоҳлик билдириб: «Бу одамни қанақасига қасддан иш қилмай юрган дейиш мумкин! Бекорчиликдан ёввойилашиб, йўлдан адашиб қолган, холос...» дейди. Актёр талқинида бу сўзлар шундай ифодаланадики, гўё Ленин уларни атрофдагиларга эмас, ўз-ўзига қарата айтаётгандек туюлади. Томошабин бу сўзлар замирида Владимир Ильичнинг Забелиндек ўз ватанига содиқ зиёлиларга ишончининг беқислигини чуқур ҳис этади.

Мамлакатни электрлаштириш гоёси Забелинни руҳлантириб юборади. Хурсандлигини, мамнунлигини ичига сиғдириб олади, ёш йигитдек хотини Лидия Ивановнани қўлидан мақкам ушлаб чир айлантиради... «Мен уларнинг гоёсини, бу гоёнинг нечоғлик улуғлигини ўша топда уқмаган эдим, кейин йўлда келаётган уқдим...» дейди Забелин қизи Машага. У Кремлда дохийни кўрганни, у билан суҳбатлашганини ўпкаси тўлиб-тошиб унга ҳижоқ қилади. Актёр М. Бобожонов Забелиннинг Ленин билан дастлаб учрашганидан сўнгги икки кўринишда ўз қаҳрамонини шу йўсинда талқин этадики, томошабин кекса инженер Ленин эътиқодининг қудратига, дохийнинг ўз гоёларига садоқати, социализмнинг барқарорлигига қатъий ишонч билан яшаётганини, электрлаштириш ишига бутун қалби билан берилганини равшан кўради. Забелиндаги ана шу ўзгариш жараёни сўнгги кўринишда, унинг Ленин билан навбатдаги учрашувида ҳам кўзга ташланади. Режиссёр И. Ниёзматов бу сахнани ҳал этишда уни спектаклнинг асосий гоёсини чуқурлаштиришга, яъни инсон эътиқоди, психологиясини қайта қуриш мақсадига бўйсундирган. Бу, хусусан, қуйидаги эпизодда мукамал тасвирланган.

...Забелин Владимир Ильичнинг илтифотига кўра, илгаригидек ўзи ўтирган курсига келиб ўрнашади. У жуда мамнун, ўзини эркин ва бамайлихотир туттади. Стол устидаги ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечириётган Лениннинг чаққон ҳаракатини диққат билан кузатади. Владимир Ильич қўлёмалар орасидан қалин дафтарни олади ва йўл-йўлакай варақлаб: «...Уни қалам билан қизиқ ўқиб чиқдим. Хўп ёзибсиз-да...» деб ўнг томондаги курси ёнига келиб самимий миннатдорчилигини билдиради. За-

белин қўлёмаси бунчалик яхши таассурот қолдиришини кутмаган шекилли, ўзини бир оз ноқулай сезади, кўзларини ерга тикиб, индамай қолади, сўнг секин бошини кўтариб: «Владимир Ильич, бу нарса менга... қариган чоғимда имтиҳондай гап...» дейди. Ленин илиқ кулиб қўяди ва ҳазилнамо оҳангда: «Агар бунини имтиҳон деб билсак, демек, «беш»га топширибсиз», дейди. Сўнг шу ондаёқ ўз фикрининг холислигини тасдиқлаш маъносидан: «Ажойиб ёзилган... зўр иштиёқ билан ёзилган...» деб жиддий гапиради. Владимир Ильичнинг муруввати, саховатли қалби, юксак инсонийлиги Забелиннинг илҳомига илҳом қўшади. У Ленин ҳузурда ўзини аввалгидан ҳам эркинроқ ҳис этади, дохийга янада яқинроқ, самимийроқ бўлишга интилади. Лениндаги демократизм Забелинга ҳадиксирасадан дилидаги гапларни очиқ-ойдин ифодалашга, унинг маслаҳатига диққат билан қулоқ солишга имкон беради, улар ўртасида самимият ва ишонч туйғуларини вужудга келтиради.

Забелин ўзи билан рўпарамарўпара турган Владимир Ильичга шоммасдан фикрларини баён этатириб, гоят эҳтиёткорлик билан: «...Битта жуда ҳам муҳим саволим бор, ижозат берсангиз, сиздан сўраб олсам...» дейди. Ленин жиддий қизиқиш билан: «Сўранг, сўрайверинг...» деб курсига қулайроқ ўрнашиб олади, иягини кафтига тираб, уни тинглашга ҳозирланади. Забелин айтмоқчи бўлган фикри Ленинга оғир ботмаслигини ўйлаб, дилида қандайдир йўллари қидиради шекилли, асл мақсадга бирдан ўтолмайди. Ленин эса, ҳориган ва хаёлчан кўзларини унга тикканича, «қандай савол экан», деган маънода ундан эътиборини узмай, бардош бериб кутади. Забелин гапни бир оз узоқдан бошлайди-да, сўнг ботинар-ботинмас: «...Лекин ҳар қолда бизда бир «лекин» бор-да», дейди. Ленин қизиққанидан бутун вужуди билан унга тикилади. Ниҳоят, Забелин бор иродасини йиғиб: «Гапнинг лўндаси, ҳали эрта эмасмикан?» деб дилидагини тўкиб ташлайди.


Бу савол Владимир Ильичнинг авзоини ўзгартиради. У кўзларини Забелиндан олади. Нигоҳини олисга тикиб, бирпас ўйга чўмади. Гўё берилган савол зулматда ётган мамлакатни унинг хотирасига туширади. Ленин саволнинг маъносини ойдинлаштирган бўлиб: «Электрлаштиришни бошлашга, демоқчисиз-да?» деб, ундан ўсмоқчилаб сўрайди ва ҳамон хаёлларга берилганча туриб қолади. Ташқи кўринишдан бамайлихотир кўринса ҳам, ҳолатининг жиддийлигидан инженерга муносиб савол қидираётганини сезади киши. Забелин Лениннинг вазминлиги ҳамда осойишталигини кўриб, фикрим унга маъқул бўлди, деган хаёлга боради ва гапини давом эттириб: «Очигини айтсам, шу масала мени ёмон қийнади...» деб ундан тасалли кутади. Ленин: «Мени ҳам жуда ёмон қийнади», деб ўрнидан туриб, иш жойи томон ўтади. Инженер бунини эшитиб, енгил тортади, руҳи кў-

тариллади, Владимир Ильич мени қувватлади, деб ўйлайди. Аслида, аксинча. Ленин бу сўзларни бир оз оғриниб айтади, овозида қандайдир армон борлиги сезилади. Ҳ. Ортиқов Владимир Ильичнинг электрлаштириш муаммосини ҳал этиш устида чекаётган изтиробини яширмайди. Унинг қайғусини, дилидаги дардини, борлигида нималар кечаётганини томошабин кўради ва ҳис этади.

...Бир лаҳза ўтар-ўтмас Ленин турган жойидан Забелинга қарата юмшоқ оҳангда, бироқ гоят қатъий ва салобатли қилиб: «...Лекин мени ишнинг бениҳоя секинлик билан силжиётгани қийнайди...» дейди. Актёр ижросида чуқур маъно ва салмоқ билан айтилган бу сўзлар Лениннинг мамлакатни электрлаштириш борасида тутган йўлининг мустақамлиги ва бу масалада мутлақо орқага чекинмаслигини равшан ифодалайди. Владимир Ильич йўл-йўлакай фикрини давом эттириб, Забелин олдига келади. Яқин маслакдошдек унга электрлаштириш масаласини сира кечиктириб бўлмаслигининг сабабларини шоммасдан, бафуржа, ҳеч қандай тазйиқ кўрсатмай, ҳурматини ўрнига қўйиб, эмин-эркин тушунтиради. Шу жараёнда томошабин Ленинни турли ҳолатда кўради. У гоҳ туради, гоҳ юради, гоҳ суҳбатдошига рўпара келади, гоҳ яна узоқлашади, гоҳида табассум билан гапиради, гоҳо ҳазил-мутоиба қилади, хуллас, қандай фикрлашади, ҳаракати ҳам шундай вужудга келади. Забелин Ленинни бутун қалби билан берилиб тинглайди, сўз қистириб ёхуд бош қимирлайтиб, унинг гапларини маъқуллайди. Хусусан, дохийнинг: «Пролетариат диктатураси бўлмаса, электрлаштириш ишларининг биттасини ҳам амалга оширолмаймиз... Бутун ишимиз барбод бўлади», деган гаплари Забелинни жиддий ўйлатиб қўяди...

Бу ерда шуни таъкидлаш зарурки, режиссёр ва актёр мазкур сахнани талқин этишда В. И. Лениннинг инсон эътиқодини, маънавий дунёсини ўзгартириш ва тўғри йўлга солишда, қалбидаги энг нафис ва нозик туйғуларни юзага чиқаришда қандайдир ғайритабиий воситаларни қўллаш ёки фақат қуруқ сиёсатнинг ўзи билан кифояланиш эмас, балки биринчи галда ҳар бир одамнинг ижтимоий манфаати, табиятига қараб инонтириш йўли билан унда социализмга ишонч туғдиргани манзарасини кўрсатишга бутун диққатни сафарбар қилган. Шунинг учун ҳам томошабин воқеалар жараёнида Лениннинг инсонийлиги, сиёсатдонлиги туфайли Забелин онгида тубдан ўзгариш рўй берганига, унинг социализм ишига садоқат билан киришишига ишонч ҳосил қилади. Спектаклнинг ютуғи ҳам, гоёвий ва бадий моҳияти ҳам, ҳозирги замон билан ҳамоҳанглиги ҳам шунда.

Фрунзе ЖУРАЕВ,  
санъатшунослик кандидати





# Инсон-шариф зот



Алишер Навоий роппа-роса беш юз йил аввал ўз ижодининг гултожи бўлган «Хамса»ни яратган эди. Бу беш дostonдан иборат хазинадаги ажойиб гоё ва образлар силсиласи юрак торларини ҳар гал янгича бир мақомда тебратади.

Навоий «Хамса»си юксак мазмундорлиги билан китобхонни мафтун этади. «Хамса» дostonларида Навоий ўз замонаси учун долзарб бўлган масалаларни ўртага қўяди. Уларни ўзининг орзумидлари, юксак идеаллари воситасида ҳал этади. Навоий инсоннинг яхши яшашига, мавжудлигига тўқинлик қилувчи ҳамма нарсаларни танқид қилади. Булар — майпарастлик танқидидан тортиб, амалдорлар, шоҳлар-давлат арбобларининг ножоиз хатти-ҳаракатларигача бўлган кўплаб муаммолардир.

Келинг, Навоийнинг инсонга меҳр-муҳаббатининг асосларини ва унинг инсонпарварлик тараннумида нималарга мурожаат этганлигини кузатайлик.

«Хамса»нинг биринчи дostonи «Ҳайратул аброр»нинг дастлабки саҳифаларидаёқ инсон ҳақида сўз кетади, дунёнинг жамики гавҳардек олий сифат мавжудотлари ичида инсон энг улуги эканлиги айтилади:

Конию ҳайвони агар худ набот,  
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.  
Борчасини гарчи латиф айладинг,  
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Навоий дунёдаги яратилган нарсалар хазинадир, дейди. Бу хазинани оламдаги жами нознеъматлар, гўзал табиат ташкил этади. Ана шу нознеъматлардан мақсад — уларни инсон учун хизмат эттиришдан иборат.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридин гараз инсон эди.

Инсонни кадрлаш унга хос туйғуларни эъозлаш ҳамдир. Уларнинг ичида энг буюги — муҳаббат мадҳига қатта ўрин ажратилади. Лекин қалби ёниб куйлаган қаҳрамонлари — Фарҳод ва Ши-

рин, Лайли ва Мажнуннинг инсоний кадр-қимматлари топталади, муҳаббатлари йўлида улар қурбон бўладилар. Мана, ошиқ Мажнун ва маъшуқа Лайлининг сўнги қисмати:

Бир наъшқа солдилар ул иковни,  
Жонсиз келину ўлук кувни.  
Кирди ики жисм бир кафанга,  
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданга.

Навоий ҳаётдаги шундай ҳолни кўриб фарёд чекади. Дoston сўнгида бу асарини йиғлай-йиғлай тугатганлигини таъкидлайди. «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳод Шириннинг тимсолини ойнада кўргач, уни излаб йўлга чиқади ва Арман юртида тоғ-тошларда канал қазийтган кишиларнинг машаққатли меҳнатини кўради.

Кўруб сизни тутун бошимга ошти,  
Тутун неким, ичимга ўт тутошти, —

дейди Фарҳод. У азобланган кишилар меҳнатини осонлаштириш учун канал қазийшга киришади. Навоий меҳнатни улуглаш билан бирга, инсонни ҳам юксакларга кўтаради.

«Фарҳод ва Ширин»нинг дастлабки қисмларидан бирида Фарҳоднинг отаси унга шоҳлик тахтини таклиф қилади. Аммо Фарҳод рози бўлмайди. Чунки шоҳлар айш-ишрат билан шуғулланиб, иложи борича кўпроқ бойликка эга бўлиш истагида ҳар қандай қабиҳликка тайёр эдилар. Фарҳоддек олий инсон бундай шоҳликдан ҳазар қилади ва рад этади. Шу боб ниҳоясида Навоий шоҳликка муносабатини билдириб дейди:

Қадаҳ шахлиғдан ортуқдур  
кўзумга,  
Қилай зулм, элга қилгунча, ўзумга.

Бундай эҳтиросли байтларни Навоийнинг лирик асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

«Хамса» дostonларида Навоий ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага, табиатга инсонийлик нуқтаи-назардан ёндашади. Буюк шоир табиатнинг ажойиб манзарасини

чизар экан, табиат воситасида инсонни улуглайди.

Гўзаллик манбаи бўлган табиат муттасил униб-ўсишда, ўзгаришда. Лекин табиий ҳодисаларнинг рўй бериши мобайнида инсонга зарар ҳам етказади. Денгиз бўронлари кишиларни ҳалокат ёқасига олиб боради, саратон жазирамаси уқубатларга гирифтор этади.

Навоий йил фаслларининг ажойиб ҳаётий тасвирини чизади. Мана, «Фарҳод ва Ширин»даги қиш фаслининг манзараси: қаттиқ совуқ кечаси, сувлар музлаган, совуқ шу қадар зўрки, ёнаётган ўтнинг тафти билинмайди. Осмондаги ой ва юлдузлар совуқдан худди қотиб қолгандай...

Кафин оғзи била муфлис дам айлаб,  
Ики тиз кўкси ичра маҳкам айлаб.

Яъни, изгиринда камбағал киши қафтларини нафаси билан иситиб, тиззаларини кўкрагига маҳкам босиб ўтирибди.

Навоий ўз гўзаллиги билан мафтун этувчи табиатни муҳофаза қилиш фикрини ҳам илгари суради. Табиат ўз жозибаси билан инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилар, уни моддий жиҳатдан ҳам таъминлар экан, демак, табиатни эъозлаш керак. Эсланг-а, Фарҳод, Мажнунлар жамиятдан зорланиб табиат бағрига чиқиб кетганларида уларни табиат, ҳайвонлар, жисмлар қанчалар эъозлаган эдилар. Ана шу дўстни авайлаш шарт эди. Демак, биз Навоий жамият масалаларидагина эмас, табиатга доир қарашларида ҳам гуманистик позицияда турганлигининг гувоҳи бўламиз. Навоий инсонни кўкларга кўтаради. Унинг буюклигини турли восита ва ҳаётий мисоллар билан исботлайди. Кенг маънодаги табиат — қаҳрамонлар учун ҳаракат майдони. Навоий қаҳрамонлари эса, ўз маслакларига содиқ, улуг ва шариф зотдир.

Афтондил ЭРКИНОВ

## БИЗНИНГ ТАКЛИФ

Совет ва партия ташкилотлари, идоралар ва муассасалар, сустанкашлик билан бўлса-да, сансалорликка барҳам бериб бормоқдалар, қабул қилиш соатлари қаттиий белгиланган тахталалар маъмурий-буйруқбозлик иллатлари сифатида олиб ташланмоқда, меҳнаткашлар раҳбар лавозимдаги кишилар билан ўз ташвиш ва ўй-фикрларини бевосита баҳам кўриш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Пойтахт Тошкентнинг қоқ марказида — Ленинград ва Ленин кўчаларида бири етти қаватли, бири ўн олти қаватли Нашриётимиз бинолари қад кўтарган. Мазкур биноларда ҳаёт қайнайди, қайта қуриш ва ошкоралик жараёни республикамизда қандай кечаётганлиги бу ерда аниқ-равшан сезилиб туради, чунки бу биноларда ўнлаб газеталар ва журналлар тайёрланади юзлаб ва минглаб журналистлар фаолият кўрсатадилар, ҳақиқат овози бу ерлардан турли бурчакларга таралади. Бироқ бошқа жойда ишлайдиган, лекин бурчи ва эътиқоди ила газета ва журнал редакциялари билан чамбарчас боғланган журналистлар ва ёзувчилар, ижодий союзларнинг аъзолари, фан ва маданият арбоблари ҳатто ўз аъзолик ҳужжатлари билан ҳам бу ерга эркин ва бемалол киролмайдилар. Журналист халқи доим ҳам бир жойда ўтиравермаслигини инобатга олсак, қўнғироқ орқали зарур кишисини тополмаганларнинг нохуш ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Фан ва маданиятнинг таниқли арбобларини постда турган милиционер олдида мулзам кўриш нақадар оғир ва хижолатли.

Ҳаётимизда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларга зид бўлган мазкур нохушлик газета ва журналлар бош редакторларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти раҳбарияти билан ўтказилган йиғилишларда ҳам, юқори мутасадди ташкилотлардаги учрашувларда ҳам бир неча бор айтиб ўтилди. Аҳвол эса кеча қандай бўлса, шундайлигича қолмоқда.

Газета ва журнал редакцияларининг эшиклари ҳамма меҳнаткашларга, журналистлар, ёзувчилар, санъаткорлар, фан ва маданият арбобларига доимо очиқ бўлиши керак, зотан, бу даргоҳ уларнинг иккинчи хонадони, остонаданоқ совуққон муносабатга чек қўйиш лозим.



# КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС

## «ҚИШЛОҚДА ЯЙЛОВ БЎЛСА...»НИ ЎҚИБ

Жамиятимизда демократиялаштириш, ошкоралик принциплари қарор топа бошлаганининг аҳамияти каттадир. Бунга ҳар бир совет кишиси яхши тушуниб ва ҳис этиб турибди.

Мен «Гулистон» журналининг барча сонларини қизиқиб ўқиб бораман. Менга айниқса журналдан ўрин олган «Гулистон» почтаси — қайта қуриш: хат ва ҳаёт» рубрикаси остида берилган мақолалар жуда ёқди. Чунки бу рубрика остида муҳим масалалар ёритилмоқда.

Журналининг июнь 1988 йил сонинда ховослик Абдуғаффор Абдуқундузов томонидан ёзилган «Қишлоқда яйлов бўлса...» номли мақоласи ҳам энг муҳим масалалардан биридир. Мақолада республикамиз қишлоқларида мавжуд бўлган биринчи галдаги муаммо ошкора ақс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда қишлоқларимизда оиласи билан колхозда ишлаб ойликка қараб, ҳафтасида бир килограмм гўштнинг имконини қила олмайдиган оилалар йўқ эмас. Ваҳоланки, ўша колхозчи жамияти миз учун моддий неъматлар ишлаб чиқаришда иштирок этапти. Эртадан тонггача меҳнат қилади. Вақт билан ҳисоблашмайди. Экай деса томорқаси йўқ, мол боқай деса яйлови. Пахтакорлиги учун тўланаётган мойна эса ниҳоятда кам. Шу ўринда пахтанинг харид нархини ҳам ошириш керак, деган фикрдаман. Бу, биринчидан, меҳнаткашларнинг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилайти, иккинчидан, унинг фаровон турмушини таъминлайди.

Мақолада илгари сурилганидек, қишлоқларимизда яйлов бўлса, деҳқонларимиз чорва молларини сақлаш имкониятига эга бўладилар. Айниқса, бу чорва маҳсулотларининг ўз вақтида кўпайишига олиб келади. Қишлоқ аҳолиси гўшт, сут маҳсулотларини харид қилиш учун шаҳар кезмайди. Балки шундай бўлса, шаҳар аҳолиси учун ҳам етказиб бера олишади. Бунинг учун фақат қишлоқда яйлов бўлса кифоя. Бу халқимизнинг партиямиз илгари сурган Озиқ-овқат программасига қўйган ҳиссаси бўларди, албатта.

Тошмурад ДУЛАБОВ

Самарқанд

Мен «Гулистон» журналининг 6-сонинда босилган «Янгамга ўйланмайман» мақоласини ўқиб чиқиб, Ҳайдар аканинг ота-онасидан жуда хафа бўлиб кетдим. Бир ўйлаб кўринглар-чи? Қандай қилиб Ҳайдар ака ўз жиянларига ота бўла олади ва болалар ўз амакиларини ота деб айтишига тиллари борадими? Йўқ, албатта. Бу ҳаёлга келмайдиган гаплар-ку, ахир. Ҳайдар ака янғасини ишга жойлаштирибди, уй-рўзгорларига қарашиб турибди экан. Бундан ортиқ нима қилиши керак. Ҳайдар аканинг янғаси ҳали ўз турмушини изга солиб олади. Балки қайнисининг олижаноблигидан бир умр миннатдор ҳам бўлар. Ҳайдар акадай курашчан одамларга бахт тилаймөн.

Гулнур ОЛИМЖОНОВА  
Гулистон

## ГАП ЎЗИМИЗДА ҚОЛДИ...

Мен Қашқадарё областининг Деҳқонобод районидаги 62-автокорхонасида хизмат қиламан. Аниқроғи, қоровулман. Ёшим 61 да. Кўп йиллардан буюн хасталигим сабабли II группа инвалидиман. Мен бир сўзни таъкидламоқчиман. Балх тутти, шотутларнинг меваси, талқони, шиннисини юрак хасталиги ва бошқа аъзоларга даво эканлигини тажрибамда билдим. Афсуски, юртдошларимиз хўжаликларда, ҳар бир хонадонда мевали тутни етиштиришга қизиқмайдилар. Олма пиш, оғзимга туш, деб лоқайдлик қиладилар. Ё бўлмаса, юқоридан кўрсатма кутиб ўтиришаверади.

Мен журнал орқали ерни, деҳқончиликни севган ёшларга, тенгдошларимга мурожаат қилардимки, хонадонларига 2 тупгача тут эксалар, ё бўлмаса маъмурий йўл билан уларга 3 тупдан 5 тупгача пайванди тутлар сотилса. Маълумки, тут 500 йилгача умр кўради. Авлодларимизга тутларнинг йўқолиб кетаётган шифобахш навларини етказган бўлар эдик. Бунинг учун бизни ҳеч ким таъқиб қилмайди. Аксинча, олқишлашади. «Гулистон» журналининг шу йилги 5-сонинда шифобахш тут ҳақида ўқиб, журналхонлар билан фикримни ўртоқлашмоқчи бўлдим. Журнал ана шу масалани кўтариб жуда тўғри қилган. Мана, куз яқинлашапти. Энди гап журналхонларда қолди.

Хуррам НОРМАТОВ

Қашқадарё

## ЧҲПОННИНГ НОМИ

Областимиз чорвадорлари деҳқонободлик чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Мамат Абдумуродовнинг номини ҳурмат билан эслайдилар. М. Абдумуродов «Деҳқонобод» совхозининг Бешбулоқ қишлоғида чорвадор оиласида туғилган. Узоқ йиллар бош чўпон бўлиб ишлаган эди. У бор-йўғи 50 йил умр кўрди. Қисқа вақт оралиғида жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб улгурди. У коммунист сифатида ўзини кўрсатди. Ёш чорвадорлар учун мураббий, ғажжўр, тиниб-тинчимас инсон халқнинг чексиз меҳри, ҳурмати, ишончига сазовор бўлган эди. Тадбиркор чўпон депутат сифатида ҳам халқ манфаатларини ҳимоя қиларди. Меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари учун 1958 йили СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Район комсомоллари яқинда қаҳрамон чўпон хотирасига яна бир эзгу иш қилдилар. ВЛКСМнинг 70 йиллиги шарафига шанбаликлар уюштирдилар. 45 кун ичида 700 ўринли кинотеатрни бунёд этдилар. Яқинда ана шу санъат масканининг очилиш маросими бўлди. Кинотеатрга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Мамат Абдумуродовнинг номи берилди. Бу район меҳнаткашларининг дилидаги иш бўлди. Ёшлар қаҳрамон чўпоннинг меҳнатсеварлик, инсонийлик хислатларидан ибрат олиб ишлайдилар ва яшайдилар.

Норқобил АЛИҚУЛОВ

Деҳқонобод

## МУВОЗАНАТ ТАРОЗУСИ

Халқимизда ажойиб бир нақл бор. Тарози-барози — абадулабад ундан уриб қолганнинг қорни тўймайди. Фақат шу бугунни ўйлайдиган нодон: «Нега уриб қолганнинг қорни тўймас экан, аксинча, қорни қаппаяди», деб эътироз билдириши мумкин. Ким нимага ўч бўлса, ўша нарса ундан барибир ўч олади, деган экан бир донишманд. Кам меҳнат қилиб, кўп овқат ейиш, ўз-ўзидан оқиб

келадиган текин даромад асли ҳаракат ва меҳнат туфайли дунёга келган одамзотни ҳам жисмонан, ҳам руҳан заиф қилиб қўяди.

Она табиатнинг мувозанат тарозуси — одиллик. Мана, оддий арифметик мисол: дарё ёқасидаги дов-дарахтларни кесиб ташлангиз, сув кўп буғланади ва камайиб кетади. Иккинчидан, қушлар ҳам инларини баланд дарахт шохларига эмас, ўт-ўланлар орасига қўяди ва зурёдлари хавфхатар гирдобидида қолади. Демак, қушлар камайиб кетади. Қушлар камайди, ҳашорат кўпаяди. Ҳашоратлар эса инсон ризқига чанг солади. Табиат фарзандлари орасида инсондан бошқа ҳамма жонзот мувозанат тарозусига қаттиқ риоя этади. Инсонгина унинг гоҳ у палласига, гоҳ бу палласига ортиқча тош қўйиб, тенгликни бузиб туради ва оқибат энг кўп зиённи ҳам ўзи тортади. Эътибор беринг: Урозқул Шохдор Она Бугу авлодидан бўлса ҳам ўзининг сўнги биродари бўлганича пичоқ тортиб лаззатланади. Еки шoir А. Орипов айтганидек:

Ажаб қизиқ экан дунёнинг иши  
Ким ҳам бунга ўйлаб кўрибди.  
Ҳайвотот боғида бир телба одам.  
Маймунни масҳара қилиб турибди.

Она Ўзбекистоннинг сийнаси-дан сув ўрнига обиҳаёт оқадиган Аму ва Сир ўз эрки бўйича сувини Оролга қўйиб тура қанийди? Денгиз сувининг камайиши одамлар ризқининг камайиши деган гап-ку! Айрим ишонувчан одамлар касалликка энг яхши даво узлуксиз ҳаракат эканлигини ҳисобга олмай, ҳар кимнинг гапига кириб, кирпининг, илоннинг гўштини тановул қилишга одатланмоқдалар. Қаранг-а, бир-бирини таъқиб этиб яшайдиган бу икки жонзотнинг ривожланишига ҳам одамзот ўз тазйиқини ўтказмоқда. Яқинда Чироқчи район далаларида ишлатиш мутлақо таъқиқланган ДДТ солиб мўлкўл пизз етиштираётган нопок гектарчиларнинг кирдикорлари фош этилди. Улар кўра-била туриб ҳам заминнинг, ҳам одамларнинг ҳаётига тажовуз қилганлар. Энг ёмони, айрим манфаатдор кишилар ўша «мўл-кўлчилик соҳибларини» ёқлаб ҳам чиқдилар. Мана шуларни кўриб, эшитиб туриб, одамлар ҳушёр бўлинг, биз ахир бу оламда ҳамма жонзот орасида яккаю ягона мушоҳада соҳиби, онг эгасимиз. Табиатнинг мувозанат тарозуси бузилмасин. Тарози бузилган жойдан қут-баракка қочилишини, қут-баракка кўтаришган жойда эса тириклик дарахти яшил япроқлари сўлишини унутмаслигимиз керак.

Ғози РАҲМОН

Чироқчи

# ЭЪТИРОФ

Мана, марказий «Учительская газета»нинг шу йил 9 январь сони қўлимизда. Унинг биринчи саҳифасида аниқ фанлар бўйича дарсликларга эълон қилинган Бутуниттифоқ конкурси якуналари берилган. Иттифоқ миқёсидаги ғолиблар сафида Қарши Давлат педагогика институти профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Даврон Шодиев ҳам бор. Конкурс натижаларига кўра, Н. М. Шахмаев, С. Н. Шахмаев ва Д. Шодиевнинг ҳамкорликда яратган VIII—X синфларнинг физика дарсликлари ғолиб деб топилди. Физика фани бўйича эълон қилинган дарсликлар конкурсига жами 45 та дарслик (қўлёзма ҳолида) тақдим этилди.

Иттифоқимизнинг чекка областларидан биридаги педагогика институтида педагог олимнинг бошқа ҳамкасблари билан биргаликдаги ижод маҳсули бўлган мазкур дарслик Иттифоқ конкурсига иккинчи ўринни эгаллади ва у мамлакатимиз мактаблари учун асосий дарслик сифатида нашр этилди.

Дарҳақиқат, мактаб таълимини қайта қуриш бўйича маъсулиятли кураш кетаётган ҳозирги даврда бундай дарсликларнинг майдонга келиши қувончли ҳолдир.

Қашқадарёлик оддий деҳқон фарзанди бўлган Даврон Шодиев бу муваффақиятга, албатта, осонликча эришмади.

Бу воқеага кўп бўлди. Ушанда, нуфузли йиғилишда олимлар билан мактаб ўқитувчилари фикри бир жойдан чиқмай қолди. Мунозарага адабиёт муаллимнинг дарсларни кўргазмалари ва техник воситалар асосида ташкил этиш хусусидаги чиқиши сабаб бўлди. У минбарга бир қучоқ суратлар кўтариб чиқди. Ўқитувчи шу тахлит мисрама-мисра шеър ўқир, ҳар сатрни ўқиб бўлиб, мазмунга монанд келадиган расм кўрсатар эди.

Шубҳа бошқа нарсдан туғилди. Бу қандай дарс ўзи? Адабиёт дарсими ённки табиётшунослик? Саволлар ёғилди. Тасвирий санъат дарслари ҳам бундай ўтмаса керак? Шеърнинг гоёси, ижтимоий таъсир кучи қаёқда қолди? Таниқли ўқитувчи гангиб қолган, савол бераётганлар орасида олимлар ҳам, мактаб ўқитувчилари ҳам бор эди.

60-йилларда умумтаълим мактабларида дарсларни беистисно кўргазмалари ва техник воситалар асосида ўтиш қизғин тарғиб этилаётган пайтдаги бу усул совет маорифининг энг сўнгги ва бемисл илғор методи, деб талқин қилинаётганди.

Даврон Шодиев энди яхши билади. Ушанда кўргазмалар ва техник воситалар ҳақида бонг урганлар мактабларимиз бунга тайёрми, ўқитишнинг моддий-техника базаси қандай аҳволда эканлигини сира ўйлаб кўрмаганлар. Адабиёт ўқитувчисининг кучи расмга етгани ҳам энди унга маълум. У ноилжликдан шундай қилган бўлса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам ёш олим ўша йиғилишдан ўйлар гирдобига тушиб қайтган эди.

Синовлар, техник воситалар, фан назарияси... Эҳ-ҳе, мактаб деганимизда, таълим системасида муаммолар қалашиб ётганди. «Амалиёт ўқитишнинг асосий йўналиши, муҳим шаклларида бири,— дея чуқур мулоҳаза юритарди олим.— Адабиёт ўқитувчисининг кўргазмаларига ҳақидаги маърузасидан маълум бўлдики, дарсда ясама қуроолларга зўр берилса, меъёр бузилар, дарснинг сифати тушиб кетар экан».

Хўш, умумий таълим мактабларида ўқитишнинг қайси усули кўпроқ самара беради? 1958 йилги ислохотнинг ижобий томонларидан кўра салбий хусусиятлари йил ўтган сари манамен, деб кўзга ташлана борди. Мактабла-

римизда шаклан ўзгаришлар рўй берди-ю, сифат бобида асло ўйлаб кўрилмади. Мана, оқибат. Амалиётга зўр бера бошлади-у, ўқувчи нима олаётир, билими пухтами — бу ҳақда қайғурмадик.

Олимга шу хил муаммолар ором бермасди. У, бундай тахлил қилиб кўрса, мактабларимизда аниқ бир ўқитиш йўналиши йўқ экан. Ҳаммаси қоришиб кетган. Ҳатто, 30-40 йил ўқитувчилик қилган муаллимдан: «Сиз қайси метод билан дарс бераётирсиз?» деб сўрасангиз, жўяли жавоб беролмасди.

У ўйларди. Уша йиғилишдан сўнг Даврон Шодиевнинг фикри ёдини ўқитиш муаммоси чулғаб олди. Мавжуд, амалда қўлланиб келинаётган ўқитиш усули эскириб қолганига, янги, оптимал усулни қидириб топиш кераклиги хусусида у борган сари жиддий бош қотирарди. Ўқитишда назария ва амалиётнинг ўзаро мутаносиблиги ҳақида олим узоқ йиллар изланди, катта устозларнинг бу борадаги йўналишларини синчиклаб ўрганди. Уша тинимсиз интилишлар самараси ўлароқ «Ўқув жараёнида билишнинг назарий ва эмпирик даража-

си методологияси муаммолари», «Илмий ва амалий билишда мантикий тажрибалар», «Физикани ўқитишда назария ва эксперимент», «Урта мактабда физика ўқитишда назария ва амалиётнинг ўзаро муносабати» каби монография ва дарсликлари юзага келди.

Совринга сазовор бўлган янги дарсликнинг аҳамиятли томони шундаки, унда мавзуларни баён этишда назарий ва амалий томонлари мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бунда меъёрдан бир жиҳатлама четга чиқиш ўтилаётган машғулот савиясига салбий таъсир этиши инobatга олинган.

Унинг «Совет мактабларида табиий фан асосларини ўқитишда назария ва тажрибанинг ўзаро мутаносиблиги» мавзудаги докторлик диссертацияси ҳам ҳозирги замон педагогика фанини бойитишга муайян ҳисса бўлди.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида мактаб таълимини қайта қуриш жараёнида олим тадқиқ этган методлар ўқитувчи-педагоглар учун кўмакчи бўлиб хизмат қилаётир.

Поён РАВШАНОВ



## ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР



Қароқчилар ва уларнинг одам оёғи камдан-кам етadиган узоқ оролларга кўмган казиналари ҳақидаги мафтункор, ҳатто баъзан жуда ваҳимали туюладиган ҳикоялар бутун дунёдаги миллионлаб болаларнинг фикру хаёлини банд қилиши табиий. Сандиққа жойлаб ерга кўмилган тилла тангалар, қимматбаҳо тошлар ва марваридлар хусусидаги воқеалар болалик ёшидан ўтган, мол-мулкка ўчроқ анча-мунча кишиларнинг ҳам тинчлигини бузиши турган гап. Бир умр қароқчилик билан кун кечирган Оливье Ле Вассёр ёзиб қолдирган ривоятларга асосланиб Маэ деб аталадиган Сейшель оролларидаги бирига кўмилган дафинани излашга қайтадан киришилди.

«Қидирув» раҳбари Жон Круз-Уилкинс «бошлан-

ган ишни тугатиш» учун Ҳинд океанида жойлашган орол давлати маҳкамаси бошлиқларидан рухсатнома олди. Шуниси борки, худди шу тахлитдаги ишни бир маҳаллар унинг отаси олиб борган эди. Ота Уилкинс 1977 йили ўз ўлими олдида ўтмишда денгиз қароқчилиги билан умр кечирган Маэнинг Маэ оролида (орол унинг номи билан аталганлиги эҳтимолдан холи эмас) яширинча кўмган казинани у ёки бу даражада аниқроқ белгилашга эришганлигини айтиб кетган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Африка қитъаси қирғоқларидан шарққа қараб чўзилган ороллар саргузашт ишқибозларини ва қароқчилар томонидан кўмилган катта мол-мулкка эга бўлиб олишни хаёл қилиб юрган казина изловчиларни қадимдан ўзига ром этиб кела-

ди. Худди шу сабадан Мадагаскар, Маврикия, Реюньон ва Сейшель оролларида кўплаб тонна тупроғини турли йилларда казиналарнинг сохта «меросхўрлари» элақдан ўтказганлар.

Юқорида тилга олинган, яъни Маэ оролларида қазув ишлари олиб бораётган казина изловчилар бу ердан ўзларининг дублон ва пиастр тангалари топишларига ишончлари комил. Аммо уларга бахт қулиб боқадими, йўқми, мабодо, қулиб боққанда ҳам ўша воқеа қачон юз беради — бунисини айтиш қийин. Фақат бир нарса маълум: мазкур ороллар XVIII асрнинг ярмигача ўзлаштирилмай келарди, қароқчилар эса, Сейшель кўрфазларида тез-тез лангар ташлаб, елканли кемаларини тўхтатардилар-да, оролларга тушиб, ўтин ва сув ғамлаб чиқардилар.


## МИКРОСКРИПКА

Ғарбий Германиянинг Бунденрот шаҳри моҳир скрипкачилари билан машҳур Шаҳар жаҳондаги скрипкаларнинг қирқ фоизини етказиб беради. Кўпгина скрипкалар фақат бир донадан яратилган. Шунинг учун шаҳар музейида уларнинг бошқа нусхалари сақланади.

Яқинда музей ўзига ҳос микроскрипкани экспонат тарзида қабул қилиб олди. Унинг узунлиги уч сантиметр, эни — ярим сантиметр. Шундай бўлишига қарамадан у барча оддий скрипкаларга қўйиладиган талабларга ҳар жиҳатдан тўқис жавоб беради. Фақат уни чалиш учун худди эртақлардаги каби бошмалдоқдай бола керак!



# ЁТОҚХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК



САРГУЗАШТ ХИКМА

**О**ШАҲРИ ИЗҚУВАРЛАРИ бундай ғалати жиноят билан ҳали рўпарў келишмаганди. Қотил маҳорат билан иш тутиб, ўзидан заррача из қолдирмаган эди. Макснинг илк марта умидсизликка тушиши эди. Шу боис у дастлаб йўл бошида каловланиб қолди.

Бизни иккилантирган жиноятлар қуйидагилар эди:

**Биринчи жиноят.** 21 июль кунини, чамаси, соат учлар атрофида геология-қидирув факультети омборининг қоровули укол билан ухлатилган. Уколда заҳар миқдори кўплиги сабабли қоровул ҳалок бўлган. Экспертларнинг маълумотига кўра, қоровул спиртли ичимлик истеъмол қилган.

Омбордан уч дона динамит ўғирланган...

**Иккинчи жиноят.** 21 июль кеч соат ўнлар чамаси, «Ф» кўчасида жойлашган «Э» институти ётоқхонасида қотиллик рўй берган. Ётоқхонанинг 63-хонасида яшовчи чет эллик тўртинчи курс талабаси Л. Сонна ўлдирилган. Зарб жабрланувчининг юрагига берилган. Пичоқ дастасидаги бармоқ излари марҳуманинг ўзиники...

**Учинчи жиноят.** 21 июль кеч соат ўн иккилар чамаси «В» кўчасидаги 42-уйда кучли портлаш содир бўлди. Портлаш натижасида уй эгаси, «Э» институтининг тўртинчи курс студенти Сергей Родионов ҳалок бўлди. Портлаган уй ичида нима сақлангани номаълум.

Бир кунда, аммо турли жойларда содир бўлган бу уч жиноятнинг бир-бирига ўхшашлиги калаванинг учини чигаллаштириб қўйган эди. Ишга киришиш ва уни поёнига етказиш хийла вақт талаб қиларди. Бироқ юқоридан юборилган хат вақтни ҳам чегаралаб қўйганди. Унда «К» штати миллионери, истеъфодаги генерал жаноб Торренинг совет идораларидан: «Қизнинг қотили тезда топилиб, суд ҳукмига топширилиши лозимлиги» ҳақидаги талаби баён этилган.

Хуллас, нечоғлик мушкул бўлмасин, ишга киришиш лозим эди. Макс сахарда кабинетидан қўнғироқ қилиб, етиб боришимни сўради. Мен ўша ондаёқ йўлга чиқдим.

— Ишни нимадан бошлаш кер-

рак, қандай фикрдасан? — деб сўради у саломлашганимиздан кейин.

— Айтарлик фикрим йўқ. Лекин...

— Хўш?

— Тахмин қилиш мумкин, — дедим.

— Яъни?

— Назаримда, иккала жойдаги жиноятнинг қотили бир киши.

— Аниқроғи?

— Бинони портлатган марҳума Л. Соннанинг худди ўзи.

— Сабаб?

— Тахминимча, номаълум чет эллик жосус Соннани қотилликка ёллаган. Чунки чет эл талабасининг аянчли тақдир орқали совет мамлакатига нисбатан норози кайфият тугдириш — ҳазилакам иш эмас. Сонна топшириқни бажаргач, жосус уни ўз жонига ўзи қасд қилишга мажбур этган.

— Мутлақо асоссиз, — Макс қўлини орқасига қилиб, стол ёнида ғоз қотганча менга тикилиб қолди. — Хўп, сен ҳақсан ҳам дейлик. Унда нега Сергей яшайдиган уй эмас, айнан шу кичик бино портлатилган? Қолаверса, машҳур академикнинг студент ўғли жосуслар учун қандай муҳим тўғаноқ бўлиши мумкинки, унга атай хуруж қилсалар? Ва учинчидан, Соннанинг бинони портлатганлигини исботловчи ҳеч қанақа далил йўқ бизда. Қўшимча қилиб айтишим мумкинки, нима учун бирор ҳарбий шовшувли объект эмас, қандайдир шахсий уйнинг анжомхонаси портлатилди?

Хонага жимлик чўкди. Макс ҳақ эди. Соннани қотил ҳисоблайдиган бўлсак, унда қиз нега ўзини ўлдирган? Мабодо жосус мажбур этганда ҳам қиз ўз жонига бу тахлитда суиқасд қилмаслиги табиий ҳол. Аммо тасаввурдан воз кечиб, реалликка яқинлашиш ҳам фикрлар инкорига учрарди. Ётоқхонадаги қотиллик кеч соат ўнларда содир этилган. Портлаш эса кеч соат ўн иккида рўй берган. Фожиа арафасида Сергей Родионов портлаган бино ичида бўлган. Демак, Сонна динамитни хонага Сергей йўқ вақтда қўйган. Шундай бўлган тақдирда ҳам, соат ўн иккигача хонада ўтирган Сергей уни пайқашни турган гап эди. Чунки динамит ўз-ўзидан портламайди. У бирор электр тармоғига ёки вақт белгиси билан ёнувчан модага ёхуд аппаратга уланиши керак. Бу далиллар ҳам рад этилса, у ҳолда савол туғилади: Сергейни соат ўн иккигача анжомхонада ўтиришга нима мажбур этди? Айтилик, Сергей шахсий иши билан машғул бўлган. Унда Сергейни йўқотиш Сонна ёки жосусга нима учун зарур бўлиб қолди? Сергейнинг айнан шу кеч соат ўн иккигача анжомхонада ўтириши-

ни қандай билишди? Бу тахминми ёки атай уюштирилган режамми? Хуллас, биз ҳали фараздан бошқа ҳеч қандай далилга эга эмасдик.

— Яхшиси, — деди Макс тахминдан воз кечиб. — Жиноят содир бўлган жойни яна бир кўрайлик. Қотил яширинган ғорга йўл очилса, ажаб эмас.

Кўчага чиқдик. Осмон юзини сийрак қўнғир булут қоплаган, аммо эрталабдан буён на ёмғир, на қордан дарак бор эди. Гоҳо-гоҳо булутлар орасидан қуёш йилтиллаб қолади. Баданни жунжиктирувчи муздек шамол асабларимизни баттар таранглаштиради. Макс ҳам, мен ҳам то манзилгача бир оғиз сўз қотмадик. «В» кўчаси охирига етганимизда Макс тўхтаб, «етиб келдик», деди.

Рўпарамиздаги эшик пештоқи-га қизил рангда «42» рақами ёзилган эди. Эшикни очиб, ичкарига кирдик. Ҳовли озода, бор қисми мафтункор эди. Кичкина йўлакдан ҳовли тўрига қараб юрдик. Йўлак портлаб кетган бино ёнига бориб тугарди. Саҳни 16 квадрат метрлар чамаси бинонинг ўнг томон девори қуламай қолган эди. Атрофда ғишт, кул ва аллақандай майда темир бўлаклари сочилиб ётарди. Макс қўшни уй бекасини қақирди.

— Кечирасиз, мумкин бўлса, сизга бир-икки саволим бор эди, — деди у аёл яқин келгач. — Бемалол.

— Уша тунда содир бўлган воқеани батафсил гапириб берсангиз.

— Яхши, — деди аёл бош силкиб. — Уша кеч алламаҳалда уйимиз тўсатдан зириллаб кетди. «Ер қамирлади», деб ўйладим. Болаларни ва эримни уйғотдим. Барчамиз жон ҳовучлаб, уйдан гуриб чиқдик. Ловиллаётган оловдан кўзларим қамашди. Сергейларнинг ҳовлисидаги бино яна бир марта кучли портлади. Ҳу, анави жойга (аёл қўли билан ўз ҳовлисини — биродан чамаси йигирма метр нарини кўрсатди) борганда қоқилиб кетдим. Жасадга кўзим тушиб чинқирганимни биламан, қолгани менга номаълум. Бу Сергейнинг жасади эди. У икки оёғи, бир қўли йўқ, юзи қип-қизил гўштга айланган ҳолда чалқанча ётарди.

Макс ўйга толди ва қўққисдан сўз қотди:

— Сергейнинг сизлар билан қўшничилик муносабати яхшимиди?

Аёл бир оз ўнғайсизланди, сўнг тутилиб гапирди:

— Бечора, олдин онасидан, кейин отасидан жудо бўлди. Мен унинг кирларига, баъзида овқатига ҳам қарашиб турардим. Умуман, у бизнинг оилага, биз эса унга ўрганиб қолган эдик.

— Унинг энг кўп келадиган та-

нишларидан бирортасини эслолмайсизми?

— Биламан, бу ерга бир қиз тез-тез келиб турарди. Отиям нимамайди, ҳалиги... Соннамиди-ей... Сергей қиз билан жуда иноқ эди. Уша кунни эрталаб келганди, лекин...

— Кейин-чи? — Макснинг кўзлари бекага қандайдир умид билан тикилди.

— Биласизми, қиз шу ердан йиғлаб чиқиб кетди. Сергейни чақириб: «Тинчликми?» деб сўраган эдим, у: «Тинчлик» деди. Аммо унинг ҳам авзойида ўзгариш бор эди.

Макс бошқа савол бермади. Иш аксига олиб, тобора чигаллашаётганди.

— Беканинг сўзига эътибор қилдингми? — сўради Макс орта қайтаётганимизда.

— Назаримда, аёл янглишди. Уша қиз Сонна эмас, бутунлай бошқа бўлиши ҳам мумкин.

— Йўқ, аёл янглишгани йўқ. Мабодо янглишган тақдирда ҳам, асосан гап бунда эмас. Биласанми, бино ичида қандайдир бир сир борга ўхшайди. Бизни чалкаштираётган нарса ҳам — шу.

**У**ўлнинг қолган қисмида гаплашмадик. Қотиллик содир бўлган ётоқхонага келдик. Иккинчи қаватга кўтариларканмиз, бу ердан бирон тайинли гап чиқишига умидим йўқ эди. Хонани комендант очди. Барча буюмлар жой-жойида, фақат кираверишдаги каравот ўрнидан бироз силжитилган. Каравотдан бир қадам берида, полда қотиб қолган қон излари кўзга ташланиб турарди. Макс хонани обдон кўздан кечирди. Сўнг маъноли бош чайқаб, хонадан чиқди. У бирпас ўйга толгач, комендантдан сўради:

— Лена Цой қайси хонада яшайди? — Бу қиз Л. Соннанинг курсдош дугонаси эди.

— Олтмиш тўртинчида.

— Дарвоқе, у институтда бўлса керак?

— Лена ўз хонасида. Касал бўлиб ётипти.

Комендантга рухсат бериб, хона эшигини тақиллатдик. Эшикни сарвқомат, кўзлари кичкина, хушбичим қиз очди. У бизнинг кимлигимизни дарров пайқади чоғи, ўтиришга жой кўрсатди. Қизнинг юзидан, ҳаракатларидан унинг бетоблиги сезилиб турарди.

— Лена, ёзган кўрсатмангизни батафсил сўзлаб берсангиз? — сўради Макс саломдан сўнг. Қиз билинар-билинмас бош тебратиб, бир зум сукутга толди. Сўнг яна бош ирғаб секин гапирди:

— Шу кунни Сонна ётоқхонага



О. ВОСИХОНОВ чизган расм

соат бешларга яқин келди. Уни кўриб ҳайрон қолдим. Соннанинг қовоғи шишиб, кўзлари қизариб кетган эди. Кўп йиғлагани шундоқ кўриниб турарди. Нима гап-лигини сўраб, қанчалик қистамай, барибир айтмади. Мен ҳам ҳоли-жонига қўймадим. Шунда у ўрнидан сапчиб турди-да, қўлини эшик томонга бигиз қилганча: «Илтимос, эшикни орқасидан ёпиб қўй!» — деди. Тўрт йил мобайнида сирдош дўст бўлиб, унинг бу қадар кўрслигини биринчи бор кўришим эди. Ноилож, чиқиб кетдим. Аммо хавотирда дамба-дам эшик тирқишидан қараб, хабар олиб турдим. Соат саккиз яримда Сонна қўлида нимадир солинган катта сумка кўтариб, кўчага чиқиб кетди. Қаерга боргани менга қоронғи. У соат ўнда қайтиб келди. Бу пайтда биз хонамизга келган меҳмон шарафига зиёфат қилаётган эдик. Соннани чақирмоқчи бўлиб, хонани тақиллатдим. У жавоб бермади. Кирмоқчи бўлган эдим, эшик ичкаридан қулфланган экан. Қайтиб пиёз тўграш учун ошхонага кирдим. Ҳайрон бўлдим, боягина қўйиб кетган пичоғим жойида йўқ эди. Қидирмаган жойим қолмади, барибир топилмади. Ноилож, қўшнилardan пичоқ сўраб олиб, ошхонага кирдим. Шу маҳал бировнинг қаттиқ чинқиргани эшитилди. Овоз Соннанинг хонасидан чиққан эди. Қанчалик зўр бермай, эшикни очолмадим. Бутун ётоқхона остин-устин бўлиб кетди. Вирпасда ҳамма студентлар шу ерга йиғилди. Эшикни синдириб очдик. Сонна полда жонсиз қўзилиб ётарди. Ошхонадан йўқолган пичоқ унинг кўксидан санчилиб турарди...

Макс қизга синчков тикиларкан, охишта сўради:

— Лена, шу кўрсатмангизда бирор нарса ёдингиздан чиқмади-ми?

Орага жимлик чўкди. Бир лаҳзадан сўнг Лена чамадонини очиб, ундан альбом чиқарди. Альбом орасидан аллақандай қоғоз олиб, Максга узатди. Қоғоз альбом орасига қўйилган бўлса-да, гижимланганлиги шундоқ билиниб турарди. Макс қороздаги ёзувни бир неча бор қайта ўқигач, Ленага ғалати тикилиб сўради:

— Нега бунини олдинроқ маълум қилмадингиз?

— Фойдасиз эди.

— Нега?

— Сергей ўша кечадаёқ ҳалок бўлган эди. Шундай бўлгач...

— Дастхатни қаердан олган эдингиз?

— Соннанинг қўлидан. У қорозни чап қўлида ушлаб жон берган эди.

— Сонна Сергей билан қандай муносабатда эди?

— Улар бир-бирларини ниҳоятда яхши кўришарди.

Макс хўрсиниб, ўйга чўмди. Дастхатга айқаш-уйқаш қилиб куйидагилар ёзилган эди: «Ким-лигимни ҳеч ким билишини истамайман. Улимимдан сўнг қотилни кидиришади. Уни топишолмайди, бироқ Сергейдан гумонсирашлари турган гап. Сергейда айб йўқ». Бу дастхат бизнинг тахминларимизни бутунлай чиппақка чиқариб қўйди.

— Лена, дугонангизнинг бирорта суратини бизга инъом этолмайсизми? — деб сўради Макс.

— Ҳозир, — Лена альбомидан Соннанинг ўртача катталикдаги суратини узатди. Биз кутилмаган янги жумбоққа дуч келдик. Суратдан Соннанинг инглиз миллатига ёт қизи эканлиги аниқ ва равшан кўриниб турарди. Ҳақиқатда эса Соннанинг ота-онаси соф инглиз миллатидан эди.

Қўшимча саволга ўрин қолмади. Лена билан хайрлашиб, ишхонага қайтдик.

— Нима дейсан, қизнинг сурати билан миллати ўртасидаги тафовут сенда шубҳа уйғотмаётими? — сўради Макс стулга ўтириб туриб.

— Албатта уйғотади. Лекин бу ерда қандайдир чалкашлик бор. Макс сигарета тутатди.

— Тўғри, таажжубли жумбоқ, — деди у бош силкиб. — Бирок оддий ашени четга улоқтириб, ҳавойи тахминга учмаслигимиз лозим. Бутун фикрни, менимча, қизни жиноят қилишга мажбур этган сабабни топишга йўналтириш лозим. Лекин бир нарсага имоним комил.

— Нимага?

— Назаримда, портлаган хона ичида қандайдир аппарат ёки бирор техника машина бўлган. Чун-

ки бино ўрнидаги куллар орасида анча-мунча темир бўлаклари бор.

— Шунда ҳам, — эътироз билдирдим унга, — Соннани ушбу аппарат жиноятга чорлаган дейиш кулгили ҳол.

— Бу фараз. Аммо эҳтимоллар тугуни худди шу нарсага тақалади. Ғалати...

— Нимаси ғалати?.. — сўрадим таажжубимни яширмай. Макс керишди-да, столни чертди.

— Ҳазим, шундай, — деди у мулойим оҳангда. — Биласанми, менга тинчлик бермаётган жумбоқ бошқа томонда. Агар янглишмасам, воқеалар тугуни ўша ерда ечилади. Агар янглишмасам... Ҳозир институтга боришимиз зарур. Қотилдан баъзи маълумотларни аниқламоғимиз керак.

— Қанақа қотилдан? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен. — Ҳали у номаълум-ку?

Макс кулди:

— Тўғри, номаълум. Лекин биз уни топишга ҳаракат қиламиз. Эътибор қил. Қоровул дастлаб спирт истеъмол қилган. Ким билан? Турган гапки, бегона одам билан ичмайди. Демак, шишадоши — ўша ерда ишловчи ходимлардан бири. Иккинчидан, ғирт маст қоровулга уколни ҳам ўша «улфат» қилган.

— Бундан чиқди, «улфат» медицинадан хабардор одам. Қолаверса, спирт ҳам бунга далил бўла олади. Ҳинчидан, уч донна динамитни ўғирлаган ҳам «улфат». Фаҳмимча, у кимнингдир илтимосини бажарган.

— Албатта, текингамас. Агар жосус ёки бошқа ниятли одам бўлганида, у бу вариантни танламаган бўларди. Чунки динамит ўғирлаб бирор жойни очикчасига портлатиш ўзининг бўйинга ўзи сиртмоқ солиш билан баробар. Энди хулоса қилиб айтиш мумкинки, «улфат» ёш, тажрибасиз. Бу нарса укол нормасини яхши билмаслигидан ҳам маълум. Ўзи маишатга ўч йигит. Институтга қарашли медицина ходимларини бир-бир «кўрик»дан ўтказсак, «улфат» билан учрашиб қолишимизга имоним комил.

Макснинг тутган бу йўли менда эътироз уйғотди. Ваҳоланки, қоровул ва «улфат» спирт истеъмол қилган идишлар лабораторияда эди. Шундай экан, бармоқ излари орқали ёхуд сўроқлар воситасида қоровулнинг қотилини топишга имкон бор эди. Аммо Макс бундан воз кечди. Азалий услубга мурожаат қилди. Одат, «оддийликдан сакраб мураккабликка мурожаат қилмаслик» эди.

Шу куниек кечқурун Макснинг сўровига биноан институтга қарашли поликлиникага 84 нафар ёш врач ва фельдшер тўпланди. Кўрикда Макс жюри раиси, мен ва поликлиниканинг уч врачлари аъзо бўлиб иштирок этдик.

Урта кенгликдаги хонада стол устига «марҳум» ётқизирилиб, оқ чойшаб билан бекитилди. Ясама марҳумнинг фақат бир қўли чойшабдан чиқариб қўйилди. Макс кўрикка кирган мутахассисларга бир хил савол билан мурожаат қиларди. Шубҳадан холи мутахассис овоз қилинар, унга кўрган-эшитганларини оғиздан чиқармаслик қаттиқ тайинланар

эди. Макснинг тўқима «ўйини» худди сохта спектаклга ўхшарди. Лекин навбат ўн еттинчи кишига келганда, ўқ аниқ мўлжалга тегди. Хонага узун бўйли, озгин йигит кирди. Макс ҳар галгидек уни ҳам марҳум ёнига таклиф қилди.

— Фамилиянгиз? — сўради Макс.

— Мақсудов.

— Уртоқ Мақсудов, — мурожаат қилди Макс, — мана, рўпарангизда бемор. У ухлашга муртож. Ана, стол устида асбоб ва дори. Сиздан шу беморга нормал миқдорда укол қилиш сўралади.

Йигит осойишталик билан дори тайёрлаб, «бемор» ёнига келди. Шу пайт Макс йигитга қўққисдан сўз қотди:

— Мақсудов, фақат эҳтиёт бўлинг. Ишни аниқ ва пухта бажаринг. Чунки у тирик бемор. Қолаверса, у геология-қидирув факультети омбор қоровули Аҳмедов, ҳали у бизга керак бўлади.

Кутилмаганда, йигит Максга ялт этиб қаради ва бақрайганча тикилиб қолди. У ўзини қўлга олишга уринди-ю, бироқ Макснинг ўткир нигоҳига бардош беролмади. Қўллари қалтираб, шприцни тушириб юборди.

— Яхши, — деди Макс хотиржамлик билан, — ўртоқ Мақсудов, вақтида укол қилган кишингиздан нега энди ҳайиқаянсиз?

Йигит эсанкираганча қотиб турарди.

— Виламан, бу ишни атай қилмагансиз, — давом этди Макс, — фақат ухлатмоқчи бўлгансиз, холос. Аммо шомша-шошарлигингиз кўнгилсизликка олиб келган. Энди биз билан очик гаплашишга эътироз билдирмасиз?

Йигитнинг боши қуйи эгилди. Макснинг имоси билан уч врач чиқиб кетди. Макс йигитни ўтиришга таклиф этди.

— Айтинг-чи, Мақсудов, динамит сизга нима учун керак бўлиб қолди?

Йигит пешонасини асабий ишқаб, дудукланиб гапирди:

— Вир танишим сўровди.

— Ким ўша танишингиз?

— Студент.

— Қизми, йигит?

— Қиз.

— Исми нима?

— Менга Ирина деган, аслини билмайман.

— Яхши. Нима учун у айнан сиздан сўради?

— Вир-икки бор поликлиникага келганида танишиб қолган эдик.

— Сиз дарров кўна қолдингизми?

— Йўқ, у ҳоли-жонимга қўймади. Мен ҳам гап орасида: «Омбор қоровулининг ўғли ўртоғим бўлади», деб гуллаб қўйдим. Кейин у: «Бир тажриба ўтказишимиз керак, шунга зарур», деб туриб олди. Қўярда қўймай чўнтагимга юз етмиш сўм пул солди. Сўнг яна «бир-икки нарса» ваъда қилди.

— Нима?

— Ҳалиги.. ўзимизга тегишли. Учрашув...

— Хўп. Бизга шуниси етарли. Сиз бўлса, ўртоқ Мақсудов, ўзингиз ички ишлар бўлимига бора-сиз. Хайр.

(Давами келгуси сонда)

# МАҚСУД ШАЙХЗОДА

ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Мақсуд Шайхзода қардош Озарбайжоннинг Оқтош қишлоғида (1908 йил) туғилиб ўсди ва ўзбек юртини (1928 йил) иккинчи она тупроғим деб атади. Бугунги кунда уни шоир, адабиётшуноснигина эмас, балки чуқур мушоҳадали файласуф, ўткир мунаққид, мохир таржимон ва педагог сифатида ҳам хотирлашади. Адиб бу номга тинмай изланиш туфайли, бадий ижоднинг мураккаб ва машаққатли йўлларидаги ҳақиқий меҳнати билан эришди.

Унинг ижодий фаолияти 20-йиллардан бошланди. 1921 йил 12 декабрда «Қизил аскар қўшиғи» деган биринчи шеъри «Коммунист» газетасида (Бокуда, озарбайжон тилида) эълон қилинди.

Адиб сал кам эллик йиллик ижодий фаолиятида 25 га яқин шеърий тўплам, 250 дан ортиқ турли мавзуларда илмий публицистик ва адабий танқидий мақолалар яратиб, ўзбек совет эстетик тафаккури ривожига муносиб ҳисса қўшди. Ўзбек эстетика маданиятининг атоқли намояндаси М. Шайхзода башариёт бадий тараққиётининг фалсафий, эстетик меросидан баракали фойдаланиб ижод қилди ва ўзига хос бой маданий мерос қолдирди. Жанговар новатор санъаткор М. Шайхзода 1957 йилнинг октябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон интеллигенциясининг I съезида сўзлаган нутқида: «Биз тез ва жадал юксалиш бобида яхши традиция орттирганмиз, энди шу традицияни бойитишимиз лозим», деган эди. Дарҳақиқат, адиб бу талабни аввало ўз ижодий фаолиятида қўллади.

Адиб ижоди учун ленинча партиявийлик, революцион халқчиллик, пролетарча синфийлик назарий компас бўлди. У қатор асарларида ҳозирги даврнинг асосий тенденциялари ва зиддиятларини тўғри ифодалашга муваффақ бўлди. Масалан, у:

Икки дунё курашмоқда  
Ҳар кимнинг миясида, —

деб айтар экан, коммунистик идеология халқчил идеология эканлигини партиявий позицияда туриб ифода этади. Унинг асарларида партиявийлик, синфийлик, халқчиллик диалектик бирликда амал қилади.

Шайхзода ижодида ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг жамиятдаги муайян ўрни, уларнинг олий мақсад ва вазифаларининг муштараклиги, мустақкам иттифоқи, ўзаро ҳамкорлиги ҳамда пролетар интернационализи куйланади. Масалан, унинг «Тошкентнома» достони, «Жавобгарлик», «Прогрессив кишиликнинг улуг виждони», «Интеллигенция ва замонамиз» мақолалари, «Русия қасидаси»,



«Ҳар сонияда», «Қаҳ-қаҳамиз маъноси» каби шеърлари бу фикрнинг яққол мисолидир.

Адиб ўз ижодини меҳнаткаш халқ ҳаёти, унинг маънавий эҳтиёжлари, интилишлари, психологияси ва дунёқараши билан боғлар экан, у ҳеч иккиланмай: «Халқдан олиб, халққа бергум мақолу масал», дея ватанимиз халқлари турмуш тарзини ўз асарларида акс эттирди.

Бадий фаолиятнинг бош мезони «элга: мен сеники, — дея олишдир», деб билган адибнинг халққа бўлган муносабати тасодифий эмас, у меҳнаткаш халққа, унинг орзу гоёларига, унинг ҳаёти ва интилишларига яқин турган ҳолда халқ руҳидаги энг нозик туйғуларни сезар, севар, ардоқлар эди. У халқнинг севинчларидан, ютуқларидан қувонди, оғир кунларида унга қайғудош бўлди. «Совет ёзувчиси, — дейди у, — умуман олганда, қа-

миша ўз меҳнати учун халқ олдида масъулият сезиб келган ижодкордир... Совет халқининг ва совет кишининг шаъни, шавкати ва омонлиги учун ўзимизни жавобгар деб ҳис этишимиз лозим».

Шайхзода қатор тарихий асарлар муаллифидир. Бу тарихий асарларнинг ўзига хос бадий мантиқи бўлиб, бунда адибнинг эстетик позицияси ифодасини топган. Унинг «Лениннома», «Тошкентнома» достонлари, «Ғазал мулкининг султони» мақолалар тўплами, «Мирзо Улуғбек», «Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий фожиавий драмалари фикримизнинг далилидир. Адиб бу асарларни яратишда тарихий ва мантиқий принципи, уларнинг бир бутунлигига амал қилиш билан биргаликда, мантиқий усулнинг афзалликларидан изчил фойдаланди. Масалан, драматург «Мирзо Улуғбек» номли асарида

қахрамонни камолотга етиб, ҳаёти ва ижодидаги муҳим воқеалар, зиддиятлар тўлалигича яққол намён бўлган нуқтасида олиб қарайди.

Ёзувчининг тарихий асарлари орасида ўзбек классик адабиётининг улуг сиймоси Алишер Навоий ижодий фаолиятига бағишлаб ёзган «Ғазал мулкининг султони» номли мақолалар мажмуаси ўзига хос ўрин тутди.

Адиб ўтмиш маданий меросига ленинча принцип асосида ёндошади, унинг жамият тараққиётида тутган муҳим аҳамиятини ҳисобга олиш билан биргаликда, унга танқидий нуқтаи назардан муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақида шундай дейди: «Бизнинг меросга бўлган муносабатимиз шу билан белгиланадики, бу ҳар бир адибнинг, унинг фаолиятидаги прогрессив элементлар нуқтаи назардан қабартириб олиш, шу билан бирга унинг ўз даври фарзанди, ўз шароити мероси эканлигини унутмаслик демакдир».

Адиб қатор асарларида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин образларини фахр билан яратди. Уларнинг улугвор сиймоси, ўлмас таълимоти «Ҳайкал олдида», «Янги одамлар», «Ленин кишиликнинг севимли устози», «Башар дилбанди», «Лениннома», «Уртоқ», «Улуғларнинг улугвори» каби шеър, достон ва мақолалар мундарижасини ташкил этади.

М. Шайхзода поэзияси сермахсулдир. У барча ватанпарвар совет граждандари қатори Улуғ Ватан уруши йиллари сафарбарлик frontiда бўлди. Унинг «Кураш нечун?», «Берлинда суд бўлгуси», «Она қузатаркан», «Ота», «Уртоқ Ленинград», «Москва-нинг овози» каби қатор шеърларида она Ватан ва унга садоқат, душманга чексиз нафрат, ғалабага ишонч туйғулари акс этган. У ёвуз душман устидан ғалаба қозонишнинг асосий мезони бирдамлик, қардош совет халқларининг мустақкам ҳамжиҳатлиги, ҳамғоялигидадир, деб билади. Шайхзода ижодидаги новаторлик мазмун билан шаклнинг диалектикаси ва ўзаро ички зиддияти мохирлик билан акс эттирилганлигидадир.

Том маъноси билан айтганда, М. Шайхзода илмий жиҳатдан чуқур, юксак гоёвий ва бадий асарлари билан ўзбек совет адабиёти хазинасига ва эстетик тафаккур тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Муборак АҲМЕДОВА,  
Урта Осиё Медицина педиатрия институтининг илмий коммунизм кафедраси ўқитувчиси



# БИР ҒАРОЙИБ ДЎСТИМ БОР

ИККИНЧИ ҲАНГОМА

**Б**у ҳикояни Асроржон айтиб берди. — Мени-ку ғаройиб одамлар сирасига киритибсизлар, бунга қарши ҳеч нима дея олмайман. — Асроржон бир пиёла чой устида шундай сўз бошлади-да, гапини давом эттирди. — Лекин мендан ҳам ғаройиб одамлар бор экан бу оламда. Уларнинг ғаройиблигини кўрсангиз ёки эшитсангиз, ҳам куласиз, ҳам мулоҳазага бериласиз, ўйланиб қоласиз. Уларнинг афандинамо анойилигини ҳам, донишмандлигини ҳам билолмайсиз.

Бир яқшанба кун денг, кўча айланиб юрүвдим, қандайдир енгил машина йўл четдаги йўлга ёндошиб келиб тўхтади-да, устма-уст сигнал берди. «Наҳотки, мени чақираётган бўлса», деган хаёлда эҳтиётдан бурилиб қарадим. Рулдаги одам тилла тишларини йилтиратиб кулиб ўтирарди. Машина ичкарисидалиги учунми, дабдурустдан таниёлмадим, гарангисангидек қараб туравердим. «Жигули»нинг эшиги очилиб, рулдаги одам ташқарига чиқди. Қаҳқорали деган тенгқуримиз экан, мен ҳам у томонга интилиб бордим. Биз тенгқурлар уни кўпинча ҳазил-ҳузил билан «Қаҳқорий» деб атаёмиз. Ўзи савдо ташкилотда ишлайди, гапини очиги, бели бақувватроқ йигит.

— Сизни учратганим кўп яхши бўлди-да, — деди Қаҳқорий сўрашиб бўлганимиздан кейин. — Вақт масаласи қалай?

— Нима эди? — саволга савол билан жавоб бердим мен.

— Неъматулла ака касалхонада экан, ўшани кўргани кетаётгудим.

— Қайси Неъматулла ака?

— Неъматулла Рихситиллаев — мактаб директори... Шу бугун кўриб чиқмасак, кейин вақт топишимиз қийин. Икковимиз кириб, аҳволини сўраб қўйсак, ёмон бўлмасди.

— Мен ҳам дарҳол рози бўлдим:

— Бўпти, шолнинг орқасидан курмак сув ичганидек, сизнинг баҳонангизда у кишини кўриб чиқсак, айни муддао-да.

Неъматулла Рихситиллаев — бегубор, ҳалол одам. Нафсамбирини айтганда, муаллимлик — энг ноёб касблардан бири. Худди шу касбни қадрлаб келаётган Неъматулла акани мен кўпдан бери биламан. Одамгарчилиги ҳам жойида. Қисқаси, унга бўлган ҳурматим ёмон эмас. Имкони бор пайтда шундай одамнинг кўнглини олишдан ҳам савобли иш борми?

Қаҳқорийнинг машинасига ўтирдим.

— Энди бозорга тушамиз-да, озгина харид қилиб, битта пакетчада Неъматулла акага олиб кирамиз, — деди ҳамроҳим менга бурилиб, кўз қирини ташлаб қўяр экан. — Бемор одамнинг ёнига қуруқ қўл билан кириб борсак яхшимас-да. Тўғрими?

— Тўғри айтасиз, — дедим унга жавобан, — ҳозир мен сизга шуни эслатмоқчи эдим.

Қаҳқорий иккаламиз бозор расталарини бирга айландик. Ҳамроҳим тушмагур, ўзининг «бели бақувват»лигини намойиш қилмоқчи бўлдими, менга бир тийин ҳам харажат қилдирмади. «Сизни йўлда ўзимга ҳамроҳ қилиб олиб, пул сарфлатсам уят бўлади-да», деди. Устига устак, унинг ўзи айтганидай, «озгина» эмас, каттагина харид қилдик: икки кило анор, икки кило нок, икки кило олма, икки кило анжир, саккизта лимон, битта пиширилган товуқ, эллик тийинлик — думбали сомсадан йигирмата ва

тўртта ширмойи патир... Ўз-ўзидан маълумки, шунча нарса, Қаҳқорий таъбиридаги «битта пакетча»га сизмасди — иккаламиз тиқин бўлиб кетган учта росмана қоғоз халтани кўтариб бориб, машинага чўкдик. Мен, иссиқ кунда иккита пакет кўтарганим учун терлай бошлагандим...

«Жигули»нинг орқа ўриндиғида ноз-неъмат тўла қоғоз халталарни бир қўлим билан ҳимо қилиб борарканман, ўзимча мулоҳазага берилдим. «Қаҳқорий ошнамиз шунча харажатни беғаразлик билан қилди-микин ўзи? Тахминий ҳисобга кўра, қирқ сўмдан ошиб, эллик сўмни қоралаб қолди мана бу халталардаги нарсалар. Бундоқ олиб қараганда, Қаҳқорийнинг Неъматулла ака билан қуда-андачилик жиҳати ҳам йўқ. Эҳтимол, Қаҳқорийнинг ўғил-қизлари Неъматулла аканинг мактабида ўқишар. Эҳтимол...»

Бир маҳал Қаҳқорийнинг ўзи гап очиб, мен ўйлаётган «эҳтимол»ни ечиб бергандек бўлди.

— Бундан бир ҳафтача аввал ҳам кўриб чиқувдим Неъматулла акани. Хурсанд бўлди у киши. Ушанда ҳам у кишининг ёнига тўлиб-тошиб кирувдим...

Рулда ўтирган ҳамроҳимнинг кўзлари рўпарамиздаги ойнадан менга қараб турарди — чамаси, мендан қандайдир маъқуллаш ёки мақтов кутарди. Мен эса, бошимни хиёл қимирлатиб қўйдим, бирор сўз айтмадим. Қаҳқорий гапини давом эттирди:

— Ҳар қалай, керакли одам-да...

Индамай ўтиравериш ноқулай туюлди-да, мен ҳам гап қўшдим:

— Неъматулла аканинг суҳбатларини хуш кўраман. Ҳар хил ривоятлардан келтириб, шундай сўзлайдиларки...

— Ривоятлари майлию, умуман, у киши керакли одам-да, — деди Қаҳқорий.

Мен индамадим. Бир муддат жим кетдик. Яна Қаҳқорийнинг ўзи сўз бошлади:

— Тўнғич ўғлим бу йил мактабни битиради...

— Қаранг-а, шунақа катта йигит бўлиб қолдими-а? Йиллар ўтиб кетаверар экан-да, фарзанд кўрганингизни табриклаганимиз худди кечагидек эсимда.

— Ҳа, худди ўша чақалоқ бу йил ўннинчини битиради.

«Ҳа, гап бу ёқда экан-да, — деган гап хаёлимдан кечди. — Балки ўғлига олтин медаль олиб бермоқчидир...»

Қаҳқорий гапини давом эттирди:

— Фарзандни институтга киритиш ташвиши бу йил бизнинг бошимизда ҳам бор. Ҳамроҳим мамнунлик билан кулиб қўйди. Мен ҳам жилмайдим-да:

— Яхши ташвиш — ташвиш эканми? — дедим. — Ўғлингиз медалга илинадими ўзи? Ахир, Неъматулла ака...

— Э, қаёқда дейсиз, ошна, — деди Қаҳқорий жиддий тарзда. — Қизиталоқ жуда ўйинқароқ бола бўлди-да ўзи. Эрқароқ бўлиб ўсди чамаси. Ҳамма баҳолари уч бўлиб кетмасин, дейман-да, институтларда аттестатга ҳам қарармиш... Ўзи ҳозирги ўғил болалар ҳаммаси ёмон ўқишади.

— Жудаям ҳаммаси эмас-ку-я...

— Ҳаммаси бўлмасаям, аксарияти шунақа-да...

Шу тариқа у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб, касалхонага кириб бордик. Неъматулла ака область миқёсидаги совет-партия фаоллари шифохонасида даволанаётган экан. Холи-

сона айтганда, бунга унинг тўла ҳуқуқи бор. Чунки, Неъматулла ака — кўп йиллик маориф ходими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Каттагина хонада бор-йўғи икки киши жойлашган экану, унинг хонадош шериги икки кундан бери йўқ — аллақайқа кетган экан.

— Э, келинлар, келинлар, — дея хушмуомалалик билан кутиб олди мактаб директори. Биз ноз-неъмат тўла қоғоз халталарни беморнинг тумбочкасига, каравотига суяб қўйдик. Барваста қоматли, шу билан бирга анчагина қорин қўйган Неъматулла ака, назаримда, хиёл юкини енгиллаштиргандек эди. Ўзи ҳам биз билан сўрашиб бўлганидан кейин: «Мана, кўринглар, бироз ориқлаямиз», деган маънода бўлса керак, қорнининг устини силаб қўйди. Биз меҳмонлар мезбоннинг ишорасига кўра, деворга тираб қўйилган стол ёнидаги курсиларга ўтирдик.

Неъматулла ака электр чойнакни тўлдириб, токка улади. Сўнгра стол устига оқ қоғоз ёзиб, қўшни хонадаги холодильникдан нон, олма, ликобчада озгина товуқ гўшти келтирди. Чой қайнагунча нон ушатиб, икки-учта олмани артди-да, бошқа ликобчага пайрахлаб тўғради. Чой дамлаб келиб: «Олинлар, олинлар», деб манзират қилди... Шу тариқа бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Сихат-саломатликнинг қадр-қимматидан, шифокорларнинг муомалаю муолажасидан, халқаро аҳволдан сўзлашдик.

Суҳбатимиз асносида ўн уч-ўн тўрт яшар бир ўспирин хонага одоб билан кириб, ҳаммамиз билан сўрашиб чиқди.

— Ҳа, келдингми, тойчоқ, — деди Неъматулла ака унга. Бола билинар-билимас бош қимирлатиб қўйди. Мезбон уни бизга таништирди. — Катта ўғлим — Самандарнинг тўнғичи.

— Дуруст, дуруст, катта йигит бўлиб қолди, — дедик биз.

Ўспирин бир муддат тик туриб қолди. — Ўтиргин, биз билан чой ичгин, — деди Неъматулла ака неварасига.

— Анақа... келувдим, — деди бола ниладандир тортинаётгандек. — Холмат амаким... ўз жойларида эканлар.

— Э, шундайми.. яхши, яхши, — деди Неъматулла ака унга жавобан. — Пастга тушиб, ўн минутгина айланиб келгин, ўғлим. Кейин гаплашамиз.

Ўспирин хонадан чиқиб кетди. Бироздан сўнг биз ҳам ўрнимиздан туриб, бемор билан хайр-хўшлашдик. Шифохона дарвозасидан чиқиб, машинага ўтирар эканмиз:

— Оббо Неъматулла ака-ей, — деди Қаҳқорий, — биз олиб борган пакетларни бундоқ очиб қарамадиям-а!..

Мен ҳамроҳимга қандай жавоб беришимни билмай:

— Ҳа, энди... — деб қўя қолдим.

\* \* \*

Асроржон сўзлашдан тўхтаб, бироз жим қолди. Шу билан гўё унинг ҳикояси ҳам тугагандек эди.

— Сиз уларнинг қайсисини ғаройиб одам деяпсиз — Қаҳқорийни ёки Неъматулла аканими? — деб сўрадим.

— Э, шошманг-да, ҳали гапимнинг охирига етганим йўқ, — деди Асроржон. — Орадани ўн беш-йигирма кун ўтганидан кейин Неъматулла ака билан бекатда учрашиб қолдим. Шифохонадан чиққанига

# СИЗ СЕВГАН ХОНАНДА

Ўзбекистон ҳамда қардош Тожикистондаги қўшиқ шинавандаларининг севимли хонандаси Жўрабек Набиевнинг ҳаёти уруш йиллари дунёга келган болаларникидек оғир кечди. У 1941 йилда Ленинобод областининг Пролетар районидаги Ғўлакандоз қишлоғида туғилди. Отадан эрта етим қолди. Онаси Ниёзби опа яккаю ягона ўғлини ардоқлаб ўстирди. Бироқ замон оғир эди. Уруш, урушдан кейинги йилларда бир бурда нон топишнинг ўзи бўлмасди. 1948 йилда Ғўлакандоздаги мактабга ўқишга кирди. У дарслардан бўшади дегунча далага чиқиб онасига ёрдамлашарди. Қайтишда ўт ўриб келарди, мол-ҳолларга қарашарди. Баъзан узоқ-узоқ ўйга толарди. Онасининг: «Эҳтиёт бўл, болам, болалардан ажралма», деганига қарамай, подани ёлғиз ўзи боқишни, адирда бир ўзи овозини борича қўшиқ айтишни хуш кўрарди. Жўрабекнинг дастлабки қўшиқлари ўша пайтларда туғилган:

Шодлигимнинг чеки йўқ,  
Онажоним, Сиз билан.  
Куйлайман жўшиб қўшиқ,  
Жонажоним, Сиз билан.

1958 йилда ўрта мактабни тугатаётганда, у нафақат Ғўлакандозга, балки қатор қўшни қишлоқларга ҳам хушовоз ашулачи сифатида танилиб қолганди. Табиат билан болалиқдан ошнолик Жўрабекни ёниб куйлашга ўргатди. Ўрта мактабни тугатгач, Ленинобод Давлат педагогика институтининг табиатшунослик факультетига ўқишга кирди. Студентлик йиллари унинг тақдирида ҳал қилувчи давр бўлди, десак хато бўлмайди. Унинг олдида табиатшунослик ўқитувчиси ёки хонанда бўлишдек икки йўл ту-

рарди. Биринчи мустақил қўшиқларини ижро этаркан, мухлислари кун сайин кўпая борди. Институтнинг тўртинчи курс студенти эканлигидаёқ олдидаги ана шу икки йўлдан бирини танлади. А. С. Пушкин номидаги Ленинобод область музыкали драма театрининг хонандаси сифатида элга хизмат қила бошлади.

1961 йилнинг ёзида театрда биринчи марта мустақил концерт берди. «Муножот»ни айтди. Терга пишди. Томоғи қақраб кетаётгандай туюлди. Ашуладан кейин залда гулдурос қарсақлар янгради. Наҳотки! Тушимми бу ё ўнгимми? Бу ишончни келгусида оқлай олармиканман? Бу саволлар шундан бери Жўрабекни тарк этмайди. Ҳамқишлоғи — кекса мусиқачи Отабобо ақанинг насиҳатларидан бирини доим ёдга олади: «Олқишлар қониқиш ҳисси учун эмас, зиммангдаги вазифани ҳалол бажарганинг учундир. Бошқача бўлмайди». Шу боис Жўрабек шоям шилмади. «Чоргоҳ», «Феруз» каби катта ашуларни ойлаб ўрганди:

Умрим юзингнинг нури билан  
доимо баҳор,  
Кел, кел, юзингсиз ўлди хазон  
ушбу лолазор.

«Чоргоҳ» мақомининг юқоридаги сатрларини Жўрабек ижросида ўнлаб марта эшитганмиз. Аммо ҳар сафар ашулада қандайдир янгилик сезасиз, ҳар сафар интиқлик билан қулоқ тутасиз. Юрагингиздаги армонлар тошгандай бўлади. Балки бу хонанданинг ўзидаги санъатни тўла ишга сола билганлигидандир. Бироқ қандай бўлмасин, Жўрабек ижросидаги ҳар бир қўшиқ ўзига хос услубда куйланади, булоқ суви каби юрагидан отилиб чиқиб,

қалбларга эркин оқиб киради.

Жўрабекнинг ўзи ютуқлари ҳақида деярли гапирмайди. Сухбатлашсангиз кўпроқ режаларини айтади. У Ўзбекистон ва Туркменистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов билан кўп марта учрашган.

— Халқни алдаб бўлмайди, Жўрабек. Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан қўшиқпарвар. Сал маромига етказмадингми, қўлини ювиб қўлтиққа уради. Халқимиз юз йиллар давомида ардоқлаб келаётган классик қўшиқларни қандай айтсанг, янги яратилган қўшиққа ҳам ана шундай талабчанлик билан ёндаш, — деган эди устоз санъаткор сухбатларининг бирида унга. — Ана шунда ҳар бир қўшиғинг ўз тингловчисини топади.

Шунингдек, у таниқли хонандалар, халқимизнинг севган санъаткорлари Ортиқ Отажонов, Камолитдин Раҳимов, Хайрулла Лутфуллаев, Шерали Жўраев, ака-ука Ваҳобовлар билан мустақам ҳамкорликда иш олиб боради.

Жўрабекка классик қўшиқларни ижро этиш айниқса шухрат келтирди. Огаҳийнинг «Феруз», Навоийнинг «Ироқи Бухоро» каби ғазаллари билан айтиладиган ашулалар Жўрабек ижросида ўзгача сеҳр кашф этади.

Жўрабек Иттифоқимиз халқларининг ўнлаб тилларидаги қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этади. Унинг қўшиқчилик фаолиятида ўзбек ва тожик тилидаги қўшиқлар етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ва Тожикистонда бўладиган катта тўю томошалар, халқ сайиллари Жўрабексиз ўтмайдиган бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. У

Ўзбекистонлик шоир ва композиторлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб туради. Қатор Европа, Осиё мамлакатларига қилган гастроллари муваффақиятли ўтган. Ўзининг чорак асрлик фаолиятида 150 дан ортиқ шеърга куй басталаб, қўшиқ яратди. Улар эндиликда Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалиб, қўшиқ шинавандаларининг мулкига айланиб кетган.

— Ўзбек ва тожик халқлари азалдан қон-қариндош, қуанда, қадрдон, — дейди Жўрабек. — Шу боис Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Рафур Ғулом, Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий улуғлаган, тамал тошини қўйган буюк дўстликни куйлаш — менга бахт. Бир вақтлар уруш давридаги қийинчиликларни, Катта Фарғона канали қурилишидаги муаммоларни бартараф этишда елкама-елка бўлиб ишлаган халқларимиз бугунги кунда ҳам бундай ҳамкорликни қизгин давом эттирмақдалар.

Халқимизда эл улуғлаган кам бўлмайди, дейилади. Ҳақ гап. Жўрабек 1971 йилда Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, 1980 йилда Тожикистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистонда унинг ўнлаб пластинкалари сотувга чиқарилган. Санъаткорни тожик ва ўзбек халқларининг севимли хонандаси, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Жўрабекнинг ўзи жўшиб куйлаганидай:

Қўлда торим сен учун,  
дилда борим сен учун,  
Қайда бўлсам талпинурман,  
Ўзбекистоним сенга!

Акмал ҚАЛАНДАРОВ,  
Одина АЗИМОВ

Ленинобод шаҳри

бирор ҳафтала бўлган экан. Бемор ётганида кўнгли сўраб шифохонага кирганим учун мионатдорчилик билдирди. Унинг бир гапига қойил қолдим: ўша куни харажатнинг ҳаммаси Қаҳҳорий ҳисобидан бўлганини, менинг бир тийин ҳам сарфламанганини кўнгли билан сезган экан у киши. Мен бироз уялдим. Неъматулла ака ўша захоти:

— Йўқ, сиз уялманг, ука, жуда тўғри қилгансиз, — деди. — Аслида касал кўришга ҳеч нимасиз ҳам кирилаверса бўлади. Менга қолса, инсонлар ўртасидаги ҳурматизат ейимлик-ичимлик билан ўлчанмаслиги керак. Мана, сиз беғаразлик билан шундоқликча кириб чиқдингиз — мен сиздан беҳад хурсандман. Сиз билан бирга келган одам эса, беғараз келгани йўқ — харажат тортиб келгани эвазига мендан ниманидир илтимос қилади...

Неъматулла ака гапирётган маҳали негадир менинг кўз олдимда унинг невараси — ўн уч-ўн тўрт ёшли ўспирин гавдаланди. Бобо билан невара ўртасида қандайдир сир бордек эди. Шунинг учун ўсмоқчилагандек гап ташладим:

— Неварангиз йигитча бўлиб қолибди, Неъматулла ака... Ўша куни, Холмат амаким, дедими-ей? Қайси Холматни айтди?

— Ҳа, ўзингиз ҳам жуда қувсиз-да, ҳамма нарсани билиб олгингиз келавереди, — деб кулди Неъматулла ака ва менинг учун сир бўлган гапни айтиб берақолди. — Холмат деганимиз анови оқсоқ-да... Тожмиробнинг ўғли. Область шифохонаси олдида пистаю гирди бало сотиб ўтиради, ўзингиз ҳам кўргандирсиз... Ўзим шифохонага тушган куним уни ёнимга қақиртирдим-да, кўнглимдаги гапимни айтдим. «Энди, Холмат оғайни, гап бундай, — дедим унга. — Ер-биродарлар менга нима келтирса, сенга юборавераман, сен эса, бозор баҳосида сотиб, пулини алоҳида қўяверасан. Тузалиб чиққанымдан кейин ҳисоб-китоб қиламиз». Холмат ҳам бу гапимга бажонидил кўнди. Ўша — сиз кўрганингиз тўнғич неварам ҳар куни Холмат билан менинг ўртамда қатнаб турди... Тўғри қилибманми? Ахир, менинг неча қорним бор? Шифохонанинг ўзида бериладиган овқат ҳам етиб ортади-ку менга. Бир тарафи врачлар, ориқлашингиз ке-

рак, ортиқча юкни ташлашингиз керак, деб туришса... Тўғри қилибманми, ука?

— Албатта, тўғри қилгансиз, — дедим мен ҳайрату ҳаяжон билан. — Холмат ака билан ҳисоб-китоб қилдингизми?


— Оббо, шунисини ҳам билмоқчимисиз! Ҳа, майли... Холмат кечагинда тўрт юзу етмиш уч сўм келтириб берди. Ўзи олибсотар бўлса ҳам ҳалол одам у — бировнинг кўри-ниб турган ҳақиға хиёнат қилмайди. «Юбортирган нарсаларингизнинг пули», деди. Санаб кўрдим-да, хизмат ҳақиға эллик сўм бердим. Қолгани ўзимда... Аслида, ука, бу ишни мен очқўзликдан ёки хасисликдан қилганим йўқ. Ўзим азалдан исрофгарчиликни ёмон кўраман. Яна бошқа тарафи ҳам бор. Вақти келиб, бирор киши ўзининг ҳимматини юзингизга соладиган бўлса, ўша «ҳиммат»нинг пулини шартта қўлига тутқизаверасиз. Ахир, инсонларнинг бордикелдисида, муомаласида ҳар хил вазият бўлиб қолиши мумкин-да. Тўғрим, ука?

— Тўғри, Неъматулла ака, сиз чиндан ҳам ғаройиб одамсиз, — дедим мен.

## Замондошларимиз



Тоҷикистон ССР халқ артисти  
Жўрабек Набиев.



И. ҲАЙДАРОВ. ШОИР РАУФ ПАРФИ ПОРТРЕТИ



Бухоро зардўзлик фабрикаси чевари  
Мавжуда Турсунова.

В. Казанцев фотоси  
(ЎзТАГ)



Сурхондарёдаги Узун ўрмон хўжалиги 143 минг гектардан кўпроқ жойни эгаллайди... Бу ерда ҳар турли дарахтлар, ўт-ўланлар ўсади. Доривор ўсимликлар йиғилади. Ун йилдан ошдики, айни хўжалик ўз сарфини ўзи кўтаради.

Суратда: ўрмон хўжалиги ходимлари:  
Уроқ Мирзақулов ва Тоҳир Аймаев.

Г. Еқубов фотоси

Ҳамза Ҳакимзода Ниё-  
зийнинг 100 йиллик юби-  
лейи олдида



СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, РАССОМ БА-  
ҲОДИР ЖАЛОЛОВНИНГ ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ  
НОМИДАГИ ҚУҚОН МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ДЕВО-  
РИГА ИШЛАГАН РАСМЛАРИДАН ПАРЧАЛАР.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТЕАТРИНИНГ ТАРАҚҚИЕТИ ТАРИХИ





Рассом ва замон






Куз. Бозор...

А. Ванштейн,

В. Мосин фотолари



# СЎЗ — ОШКОР ЖАҲОНИМ...

**Т**УЛЛАР ифори-атри билан сўзлайди, куйлайди, ранглар қатимига яширинган гўзаллик маъноларини намоён қилади. Шунга монанд айтиш мумкинки, ҳар бир сўзнинг ҳам бийрон тили бўлади; ҳар бир сўз замиридаги маънолар орқали ўзлигини ошкор қилади. Сўзлар — йиғлаганида, сўзлар — хандон отиб кулганида, сўзлар — бўзлаганида, сўзлар — ўйчан сукутга чўмганида, ташвишга ботганида қатим-қатимларидаги маънолар кўнглимизга оқиб киргандек, қалбимиздан акс-садо топгандек бўлади. Сўзлар ана шу аснодан бошлаб бепарво ва бедард ҳаётини тарк этади. Биз билан, бизнинг муайян мақсадлар сари интилган умримизга, кунларимизга шерик бўлади; энди сўзлар биз билан бирга яшай бошлайди; бизнинг дардимизга, ташвишимизга, қувончимизга айланади.

Она-табиат ҳодисаларига бир қур разм солайлик-а. Қудратли чакмоқларнинг бир-бирига урилиб шиддатли чақин қақшини, момақалдиروқнинг гулдирашини мусича: «...ана, осмон чапак чалапти», деб тушунтирар экан. Баногоҳ шаррос уриб жала қуя бошлайди. «Бу — юраги тўлиб кетган булутнинг ёмғир шаклига кириб тўкилаётган туйғулари», деркан қалдирғоч. Кўринадики, табиатдаги, шу жумладан, ҳар ким ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг ўзи яхши кўра олган ва англаган, фикрий савияси ва ҳиссий идрокига яқин томонларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Шу маънода, сўзлар зиммасига маълум вазифа юкланади, муайян мазмун касб этади.

Маъруф Жалилнинг кейинги йиллардаги изланишларига назар ташласак, ҳиссий-кечинмали мушоҳадакорликка мойилликнинг кучайганлигини кузатиш мумкин. Бу — шоирнинг поэтик фикрлаш тарзида, фалсафий ўйчанликнинг кенгайишида содир бўлган ижобий ҳодисадир. Хусусан, шоирнинг «Дарахт», «Қисмат», «Соғинч» сингари шеърлари ва умуман, 80-йиллар лирикасининг ғоявий-бадий мундарижаси ана шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Чунончи, М. Жалилнинг «Дарахт» шеърига эътибор берайлик.

Дарахт танасига болта тушади,  
Учқундай сочилар ҳар ён пайраҳа...  
Аччиқ инградю бирдан қулади,  
Узининг ҳолига уриб қаққаҳа.  
Бирдан ниҳоллари кўтарди фарёд,  
Инградю суяги қотмаган шохлар.  
Сўнда умид билан барқ урган ҳаёт,  
Оҳ уриб юборди олисда тоғлар...

Аслида, дарахтлар ҳам фикрлайди; дарахтларнинг ҳам қаноти бўлади. Улар сершоҳ туйғуларидан, гуллаган ҳиссиётидан қанот боғлаб учадилар. Ҳудудсиз осмон узра тўлқин урган оппоқ-оппоқ булутлар дарахтларнинг залварли хотирасидир аслида. Улар зангори сарҳадларда қанот боғлаб учиб бораркан, одамлар кўзидан олган ёруғ нурларни, танасидаги болталар зарби-захрини, майсаларнинг кўм-кўк мусаффолигини бағрида сақлаб юради; «Ҳой, одамлар, тупроққа, дов-дарахтларга, майсалар кипригига ёлғиз ёруғлик, мусаффолик уруғини сочинг, улар ҳаётнинг боқий гўзаллиги бўлиб барг ёзсин, яшнаб-гуркираб турсин. Оламнинг қоронғу бурчакларини, одамлар кўнглининг ҳали ҳеч ким кўролмаган кўчаларини эзгулик, покларини нурлари билан, дарахтлардан, гуллардан таралган шаффофлик билан ёритайлик», дегандек бўладилар. Кейин, кейин... оппоқ ниятлари ижобат топмагач, дарахтларнинг хотиралари ёмғир шаклида ерга тўкилиб тушаркан...

Маъруф Жалил изланишларида сўзнинг тимсолли маъно қирраларини топиш ва тушунтириш кўпроқ кўзга ташланаётир. Хусусан, дарахт шеъридаги бадий мазмунни ифодада бир восита; яъни, у тимсолли маънони англагиш учун поэтик деталга айланттирилган. Гарчанд, хотимада дарахт қулаган, ёвузлик учун хизмат қилаётган эса-да, бу нарса ҳаётимиздаги ёвузлик кўри-нишларининг, ёвуз кучларнинг тантанасини англадимми? Уқувчи бу ҳолдан маънос ва дилгир кечинмаларга чўммайди, тушқун ўйларга берилмайди, йўқ. Аксинча, шеър яшашга, яхшилик билан ёмонликнинг моҳиятини баҳолай билишга даъват этаётгандек туюлади.

Лекин М. Жалилнинг барча шеърларини ҳам шу хилдаги муваффақиятли дейиш қийин. «Табиат ва инсон», «Тонгда», «Армон», «Қирғоқ ва денгиз» сингари баъзи шеърларида маъно саёзлиги учрайди. Чунончи, «Табиат ва инсон» шеърида айтилишича, инсон интеллектуал жиҳатдан камол топа боргани сари табиатга муносабати таҳликали, совуқ ҳазиллар тусини ола борди; инсоннинг барча кашфиётлари учун қодир табиат беминнат хизмат қилди. Бироқ эвазига юрагида «ётар ўтли армонлар».

Табиатнинг йўриғи бўлак.  
Ўз кунини кўрар инсонсиз.  
Аммо инсон бўлади ҳалок,  
Табиатни этаркан жонсиз.

Сатрларда фикр бор, лекин

шеър йўқ. Хўш, нега шундай? Ахир, шоир хато ёки ёлғон гап айтаётгани йўқ-ку. Чиндан ҳам, бугунги кунда табиатни асраш-авайлаш, экология энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Ҳаво, сув, тупроқ ифлосланиб, заҳарланиб борапти: Орол қурияти; мевазор боғ-роғлар, сархил мева навлари йўқолиб кетаяпти; табиат бойликлари шафқатсизларча талон-торож қилинапти. Буларнинг ҳаммаси XX асрнинг 70—80-йилларида содир бўлапти. Шундай экан, «табиатни жонсиз қилсак, инсоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлади», дея силлиқ чақирқ ва юмшоқ огоҳлантиришнинг қанчалик нафи бор?! Бу хилдаги даъват, чақирқлар охири XX асрнинг истеъмолчилари учун қор қилмай қўйди. Демак, шеър ўз вазифасини бажара олмаган. У туйғуларимизга таъсир кўрсатмаса, фикр уйғотмаса, на ачиниш ва на ғазаб ҳиссини қўзғатмаса — бу хилдаги шеърларнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтириш ўринли бўлармикан?

Сўнги йиллар лирикамизда, Уильям Фолькнер таъбири билан айтганда, инсон қалбидаги муаммоларни поэтик ўрганиш майли кучайди. Халқаро Нобель мукофотини қабул қилиб олиш чоғида сўзлаган нутқида У. Фолькнер, ёзувчилар инсон шахсиятидаги маънавий-психологик муаммоларга кам эътибор беришяпти, дея афсус билдирган эди. «Бугунги кунда адилларимиз инсоннинг кўнглидаги муаммолардан (қийноқлардан) юз ўгирмоқда; ваҳоланки, айнан шу зиддият энг яхши адабиётни юзага келтиради; зеро, оғриқлардан бўлак ҳеч бир нарса тасвирга нолойик». Бу йўналишдаги изланишлар фалсафий мушоҳадаларнинг психологик кечинмалар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлишини таъминламоқда. Шоирларимиз шахс табиатидаги мураккабликни, зиддиятли ҳолат ва кечинмалар суратини чизиш йўлидан боришмоқда. Бу — ҳозирги шеърятимиздаги фалсафий психологизмнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида зуҳур топаётир. Ва у кечинмаларнинг чуқур маъноли фикрларга айланган ҳолатлари, ўй-мушоҳадаларнинг эса туйғуларга йўғрилган ҳиссий манзараларидир. Рауф Парфининг «Синиқ осмон», «Бир юлдуз мудрар», «Сунбула», «Қачон», «Бу қуш нимадандир сайрар безовта», «Ёлғиз бошни», Муҳаммад Солиҳнинг «Табиат муҳофазаси ҳақида», «Саҳарда», «Дехқон қўлари», «Ойдинга», Хуршид Давроннинг «Уйғон, қишнинг хира тонгида», «Бехзод», «Ватан»,

Шавкат Раҳмоннинг «Дақиқалик манзара», «Еш тоғлар», «Уммон», «Манови қора тош» ва ҳоказо ўнлаб шоирларимиз шеърларида мазкур хусусиятлар устивор.

Усмон Азимовнинг «Бир дарахтнинг сўнги кўшиғи», «Кўзларини очиб-юмар», «Учолмасдан қолди жону тан», «Оҳиста-оҳиста ёғади ёмғир», «Безовта тун» сингари қатор шеърларида манзаралар мушоҳадаларга чўмади; ранглар қатимига яширинган рамзли маънолар куйлаётгандек туюлади. Мазкур белгилар шеърятимизнинг бугунги тараққиётида тасвирий санъатнинг таъсири самарали ва салмоқли эканлигидан далолат беради. Маълумки, тасвирий санъат — бу туйғулар санъатидир; у фалсафий мушоҳадакорликни намоён этишига кўра алоҳида йўналишга айланади. Бунда Усмон Азимов шеърларининг ўрни ва аҳамияти айрича. Чунончи, биргина «Бир дарахтнинг сўнги кўшиғи» шеърини олиб кўрайлик.

Мен шундай яралдим: сумбатим  
эгри,  
Гулларим қалбларга солмас  
ҳаяжон.  
Мевамга ҳеч кимнинг тушмаган  
меҳри,  
Баргим — чумолига бўлмас соябон.  
Алидо! Мен энди мақсадга етдим,  
Богдошлар, сўнг йўлга кузатинг,  
қани...  
Мен ўтин бўлгани узлатга кетдим,  
Мен кетдим, дўстларим, олов  
бўлгани!

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, Р. Парфининг «Сабр дарахти» асаридан кейин шеърятимизда дарахт билан боғлиқ шеърлар шунчалик кўп яратилдики, агар уларни жамласак, катта бир китоб бўлади. Дарахтнинг маъно қирралари шунчалик сермиқёски, у ёлғиз бадий детал ёки поэтик образ вазифаси билан чекланиб қолмасдан, символга айланди. Ҳозирги лирикамиз ривожига дарахт образи бадий талқинидаги рамзий маънолар ғоят теран.

Хўш, шоирларимиз, хусусан Усмон Азимов талқинида унинг қандай янги маъноларини ўқиймиз? Дарахт — табиатнинг бир унсури; у шахс табиатини ўрганиш ва намоён этишнинг бир омили бўлиб қолди. Яъни, табиатдаги дарахтлар шеърга, санъатга кўчиб ўтгач, лирик қаҳрамоннинг муайян психологик ҳолати ва кайфиятини, у ёки бу давр одамларининг идеалини, қизиқиш ва интилишларини акс эттириши билан эътиборли.

Усмон Азимов шеърида дарахт воситасида айтилаётган ижтимоий-фалсафий мазмун ўзгача. Унда устоз шоирлар шеърятинида-

ги гўзалликни тушуниш ва тушунтиришдаги ворисийликни кўрамай. Ҳўш, нега дарахт гуллари лирик қаҳрамонларимизни энди ҳаяжонга солмай қўйди; мева-си — одамлар меҳрини тортмай қўйганига, барги эса битта чумолига ҳам соябон бўлолмаганига сабаб нимада? Дарахтнинг сўнги кунлари мунчалик «қақшаган»? Маълумки, ўтин ёнганда дарахтнинг қуёшдан олган қувватини қайтаради. Яъни, дарахтнинг табиат юзага келтирган эди, яна табиатнинг ўзига сингиб кетаяпти. Шоир табиатнинг ана шу қонуниятидан фойдаланиб, ибратли фикр айтаётир. Умрни эзгулик, гўзаллик учун бағишлашдек кутлуг даъват бор унда. Дарахтнинг олов бўлиб ёнишдек, одамларга ҳарорат бағишлашдек инон-ихтиёридан биз ибратли маъно ўқиймиз. Бу умрни муқаддас ишга (олов-ёруғлик ва ҳарорат манбаи) бағишлаш эвазига ҳаётни янада гўзаллаштириш ниятидир.

Усмон Азимовнинг «Шеърят», «Туш», «Маяковский билан суҳбат», «Иигирманчи йиллар балладаси», «Подполковник Фатеев», «Отим қолар демагин», «Сенингча осонми гулга айланмоқ» ҳамда «Бахшиёна» туркумидаги ўнлаб шеърларида янгича бадиий талқинларни, сўзнинг янги ифода имкониятларини, ижтимоий маъно чуқурлигини кўрамай, қувонамиз. Лекин шоирнинг «Ленин майдонида ёзилган шеър», «Баёнот», «Бешафқат баллада», «Бу ерга келтирди мени тасодиф» сингари қатор шеърларида кўпсўзлик, меъридан ортиқча публицистика, тавсифийлик шоир излашларига соя ташлайди. Биргина «Ленин майдонида ёзилган

шеър»ини олиб кўрайлик. Очигини айтганда, бадиий жиҳатдан жуда бўш. Қолаверса, «қуш каби эркин сўз учун курашиб» шоир бошқа сўзларни ниҳоятда исроф қилиб юборади. Натижада шеърдаги бош ғоя-мақсад («Ленинни ҳаминша қўриқламоқ шарт — йўлини, ишини васиятини...») сўзлар тўзони орасида кўмилиб кетади. «Ленинни қўриқламоқ шарт» деган таъкид олти марта такрорланади; бир шеър учун бу кўплик қилмайдими? «Баёнот» шеъри эса аксинча:

Фақат одамларни алдаманг.  
Менга ҳеч нарса керакмас, —

деган икки сатрдан иборат. У бирон-бир шеърнинг бошими ёки охирими, англаш қийин. Шоирнинг айтмоқчи бўлган афористик фикри ҳам кўринмайди. «Менга ҳеч нарса керакмас, фақат одамларни алдаманг», деган билан шеър туғилмайти; ростгўйликнинг ўзи бадиийликни таъминлай олмас экан-да.

Шахснинг муайян психологик ҳолатини, кайфиятини чизиш, суратлантириш тимсолнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон шеърятини бу борада фикр юритиш учун бой материал беради. Зеро, мазкур тасвирлар яланғоч ва ҳиссиз эмас. Балки, шоирнинг муҳим ижтимоий-фалсафий фикрлари бўёқларга, рангларга сингдириб юборилади. Бу — тасвирий санъатнинг шеърятга таъсири, шеърга кўчиб ўтган ранглар фалсафасидир. М. Солиҳнинг «Мен бугун ой чехрасин кўрдим», «Куз», «Тонгги куй», «Хотира», «Тўлғониш», «От ҳақида қў-

шиқ», «Чумчуқлар» ва ҳоказо шеърларида ҳолат ва кечинмалар тасвири чуқур мушоҳадаларга ундайди; тасвир тимсолга, ранглар тафаккурга айланади. Хусусан, «От ҳақида қўшиқ» шеъри шу маънода характерли. Унда икки ўт ўртасида қолган — оловга ёниб ўлган отнинг ҳолати тасвирланади.

Бошқа тилда ёнади от,  
Бошқа тилда от кишнар,  
Енган тилни на одамзод  
На бирор қуш тушунар.

Тулпорнинг куткудаги кишнашлари маъносини, типирчилашлари сабабини мурдасига яқинлашгач англашилади.

Тушундик биз, тушундик-ку,  
Отнинг сўнги сўзини.  
Тушов томон нигоҳ эмас,  
Оқизганда кўзини.

Шарх, чамаси, ортиқча. Эркинликка интилган орзунинг ўлими бу; ҳурликка интилган отнинг фожиали қисмати бу. У одамларни чуқур мушоҳадалар юритишга, фақат ўй суриб қолмасликка, ҳаёлларга ботмасликка ундайди.

Энди Муҳаммад Раҳмоннинг «Пантомима учун сюжет» номли шеърини олиб кўрайлик. Шеърда психологик жиҳатдан мураккаб ва қийин вазият чизилади. Яъни, гўзал бир қизни севиб қолган гунг кишининг кечинмаларини ифода-лашга интилиш бор. «Тилим менинг — шу икки қўлим, улар йиғлар, улар кулади», дейди унинг ўзи ҳам. Лекин қўлларнинг имо-ишораларига юкланган фикрда саёзлик бор. Ана шу хатти-ҳаракатлар орқали шоир нима демоқчи, ўқувчига қандай маъноли гап айтмоқчи? Жавоб тополмаймиз.

Ўз «тилимдан» қилмасин жудо —  
Сўнги имо-ишора учун  
Қўлларимга куч берсин худо:  
Мана, бундай унинг юзлари,  
Мана, бундай унинг кўзлари,  
Мана, бундай унинг лаблари, —

дея яқунланади шеър. Ўқувчининг «қандай», «қанақа» деган саволлари муаллақ қолади. Шеър ошиқ гунгнинг туйғулари талқини эмас, балки имо-ишораларининг иллюстрациясидир. Буни бош сабаби, шеърда шоирнинг айтмоқчи бўлган катта ҳақиқати йўқ, ижтимоий фикр, маъно йўқ.

Қадимги ривоятларда, шоирлар наслига «сувдек сероб бўлгин», дея дуо кетган дейишади. Бунга айрим шоирлар фикрга, теран маънога эмас, сўзга нисбатан қабул қилишган кўринади. Юқорида кузатганимиздек, сўзга масъулиятсизлик, сўзни сувдек сероб қўллаб юборишни шеър табиати асло кўтармас экан. Бу нарса мазмунни қуюлтиришга эмас, фикрни суюлтиришга олиб келаяпти. Шу маънода устодларнинг сўз қадрини ғоят баланд тутиши ўқувчида катта ҳавас ва меҳр уйғотади. Уларнинг аксарият шеърларида сўзларнинг поэтик маъно касб этишдаги қўлланишигина эмас, танланиш ва товганиши ҳам ўта ҳассосликдан, заргарона маҳоратдан дарак беради. Демак, етуқ шеърый маҳорат мактаби шундоққина кўзимизнинг ўнгида. Ундан ҳар қанча ўрганиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, олдимиздан оққан сув асло қадрини йўқотмайди.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,  
филология фанлари кандидати

## ЭҲТИЁЖ ВА ЭЪТИҚОД

**Б**ЎСЎНГИ ўзбек шеърятини инсон проблемаси социал ва маънавий моҳиятига кўра поэтик тадқиқ этилмоқда. Оламни шахснинг «мен»и орқали акс этириш кучаймоқда. Шунчаки шахсни, оддий иккичикирлар теварагида яшаётган одамни эмас, ижтимоий шахс қиёфасини ёритишга эришилмоқда. Гап лирик қаҳрамон масаласига келиб тақалганда, яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 80-йиллар ўзбек шеърятинида кўзга ташланувчи образлар даврнинг долзарб муаммоларини ўз қиёфасида гавдалантириб қолмай, ҳаёт зиддиятларини инсон дунёсининг мураккаб ҳолатларига боғлаб, ичдан ёритади. Бундай лирик қаҳрамон замондошимиз номидан, унинг қалбидан гапиради:

...Ҳалиям кеч эмас,  
ҳали бор фурсат,  
ахир, вужуддамас, қалбадир қувват.  
Лаҳзада ўзингни ўзинга кўрсат,  
эҳтимол, бўлмайдими эртага бу вақт.

Инсоннинг ўзлигини англаши шоир Шавкат Раҳмон шеърларида юрак амрига кўра юз бериши лирик қаҳрамон кечинмалари орқали ёритилган. Бир муддат фурсат бўлса ҳам инсон ўзлигини танишга сарфлаши лозимлиги ҳаққоний очиб берилган. Изтироблар исқанжасидаги лирик қаҳрамон инсондан «хўрланган ҳаёлнинг бурдаларидай» хотира қолишини истамайди, одамлар умрларини эзгуликка фидо этишларини дил-дилидан истайди, инсон номини хўрламасликка, ҳаётда ўз ўрнини топишдан кечикмасликка ундайди.

Шавкат Раҳмон оламни табиий рангларини кўришга интилади, инсонни баркамол кўриш тилагида қалам тебратаяди. Шу сабабли унинг шеърларида гавдаланувчи лирик қаҳрамон нопокликлардан, тубан иллатлардан даҳшатга тушади, инсон жисмига ўрнашиб олган хоинлик, қўрқув ҳисларини юрак қотили ҳисоблайди:

Нопоклар покларга қилганда тухмат,  
Титрамай айтдингми кескир сўзинг-  
ни.

Болангнинг ёдига не қилдинг тухфа,  
Асраб қололдингми ўзинг-ўзингни?!..

Еш шоир Сирожиддин Саидов шеърлари китобхонни ўйлатади, фикрлатади. Атроф-муҳит, табиатдаги ўзгаришлар билан инсон дунёсидаги мураккаб ҳолатлар моҳиятини узвийликда тадқиқ этиш, табиатдаги ўзгаришлар билан инсон ҳолатидаги ўхшаш, мутаносиб жиҳатларни қиёслаб, ичдан ёритиш орқали поэтик умумлашмалар келтириб чиқариш — шоир шеърларига хос хусусиятлардан асосийлари. Унинг шеърлари сермаъно образлари, оригинал ўхшатишлар, ташбеҳлар, қофия тартиби жиҳатидан фарқ қилса-да, тасвирда умумий бир хусусиятни ташийдими: тасвирланаётган предметлар, ҳодисалар инсон кечинмаларининг бетиним характерини гўё ўзига сингдиргандай туюлади. Ҳолатларнинг алмашинуви, фавқулодда ўхшатишлар, қиёслар, табиатдаги жараёнларни инсон руҳиятидаги ички жараёнларга боғлаб ёритиш орқали поэтик фикрни хилма-хил ранг ва оҳангларга уйғунлаш

кўпгина шеърларнинг маъно салмоғини таъминлаган. Шоирнинг «Юлдузлар чангига» шеърига эътибор қаратилса, унда автор умумий ҳолатни юзага келтириш ёрдамида ранг-баранг маъноларни ифода этган. Сокинлик тасвирини сингдирган бундай маънолар яхлит ҳолда шоир нуқтаназарини ифода этади:

Юлдузлар чангига ўралган олам  
Жимжит.  
Газеталар сотиб бўлинган,  
Воқеалар, янгиликларни  
Сотиб олган одамлар ухлар...

Шу тариқа шоир тун сукунати-нинг ташқи тасвирини — умумий сукут ҳолатини чизади, сўнгра уни ичдан ёритишга киришади. Ташқи жиҳатдан ўхшаш ҳолатлар ичига яширинган мазмунни очиб бериб, диққатимизни уйқудаги одамларга, уйлар ва ҳайкалларга қаратади. Ҳар бирининг сукутдаги ҳолати кўз ўнгимизда гавдаланади, айни пайтда, бизга ҳаракатсиздай туюлаётган жисмлар ички мазмун ҳаракатини давом эттираётганини ҳис этаемиз. Шеър ғояси шу нуқтада қал-



қиб чиқади: уйқу ҳолатидаги одамлар сиртдан қараганда ҳаракатсиздай туюлсалар-да, ҳар бирининг юрак зарбига монанд мазмун ҳаракати жисмида давом этмоқда, улардан ҳар бирининг ўзлиги тунда ҳам фаолият кўрсатади. Сукутдаги уйлар, бинолар, кўчалар ҳам сиртдан қараганда бўм-бўш, сокин, ҳаракатсиздай. Аммо улар ҳам кечаги, бугунги ва эртанги курашлар руҳини, мазмунини ўзига сингдирган. Ҳатто сукутдаги ҳайкаллар ҳам ички мазмун моҳиятига эга: улар тарих сабоқларини ўз тимсолида мангу ҳаракатлантириб туради. Фақат бедард, бемақсад одамларгина хамиша сукутда, маънавий жиҳатдан ўлик, уйқуда ҳаёт кечирадилар. Эл-юрти, халқи ташвишларидан йироқдаги одамларгина ўзларининг майда ташвишлари қобиғида, гафлат уйқусида умр кечирадилар. Катта мақсад йўлида ўзлигини фидо этган одамларгина ҳаловат нима-лигини билмай, тун-кун, йиллар ва асрлар оша уйқусиз яшайдилар, бир умрга уйқоқ, руҳан тирик, ҳаракатдадирлар. Туннинг сукут ҳолатини С.Саидов ана шундай тафсилотлар билан боийтган, ўзига хос бадиий умумлашмалар яратган.

«Учоқлар» шеърида ҳам бунга ҳамоҳанг туйғулар ифодаланган. Она кўлларининг тафтини сингдиргандай ўчоқлар ўз тафти билан ризк-рўзимизни бағрида иситади. Шоир таъсирчан тасвир орқали ўчоқлар тимсолида эзгу мақсадни вужудига жойлаб, қалб кўрига айлантган одамларни тасаввур этади, олов мисол ёниб яшовчи мардона, курашчан инсонларга қарата: «Учмангиз! Оловлар, ўчманг!» — дея хитоб қилади. Фидойи инсонларни тирик ўчоқларга қиёслайди.

«Достонлар тилими», «Дарё бўйларида», «Сукутдан ҳам сокин», «Тарих наматининг устида» каби шеърлари фалсафий мушоҳадасининг чуқурлиги жиҳатидан ажралиб туради. Шоир нигоҳи она диёр кенгликларига, тоғу адирлар ва шаршараларга қадалади, уни йилларнинг ўтиши, умрларнинг қисқариши, авлодларнинг янгиланиши ўйлатади, камайиб бораётган табиийликдан сесканади, шоирлар сатрига битилган эзгуликнинг йўқолиб бораётганидан даҳшатга тушади:

Менинги йўқлигимда фасллар  
Авлодларни алмаштирар, Мен  
сесканаман! —  
Тирик тарихлардай ерга кетмоқда.  
Камайиб бормоқда Ваҳоб  
шоирларнинг  
Сатрларин ёддан билган кампирлар,  
чоллар...

Шоир ифодалаганидай, инсонликнинг моҳиятини аввало она диёр, она халқ, она тилини улуглаш, асраб-авайлаш туйғуси ташкил қилади. Шу муқаддас туйғу даъватига кўра яшаш — юксак эътиқоддан дарак беради. Маслак бутунлиги, эътиқод юксаклиги эса ўзликнинг юксаклигини аён этади.

Кўринадики, С.Саидов яратаётган кўплаб шеърлар китобхон қалбига етиб боради, илгари сурилган поэтик фикр, эхтиросли гоёлар ўйламаганларимиз тўғрисида ўйлатади, сезмаганларимизни сездиради, ҳаёт ҳақиқати-

нинг янги қирраларини ёритишга хизмат қилади. Уларда ҳаёт ҳодисалари ва замондошимиз кечинмаларини ўз юрак зарби билан ҳис этган шоир вужудининг ҳарорати қалқиб тургандай.

Шоир Рауф Парфи шеърлари ҳам кечинмалар, туйғуларнинг шиддатлиги, поэтик фикрнинг чуқурлиги, эхтирослилиги билан ажралиб туради. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон ўзлигини англаган, қалб эҳтиёжига кўра курашиб, ўз эътиқодини ҳимоя қилаётган инсон тарзида гавдаланади. Маслак сиз одамларни заиф, маънавий бўм-бўш одамлар деб билувчи лирик қаҳрамон кескин тарзда куйдагиларни баён этади:

Уйғон! Тушундингми  
Бас қил йигирма бир йилга  
Чўзилган  
Босириқ тушларингни.

Бундай даъват шоирнинг «Битик тош», «Карло Каладзе диёрида», «Ленин мақбарасига гулчамбар», «Пабло Неруда ўлимига», «Виктор Харанинг сўнги кўшиғи» каби шеърларида чуқур ифодаланган. Хилма-хил поэтик образлар ёрдамида шоир ўз кечинмаларини дунё халқларининг ўқинч ва орзу-армонларига йўғириб, дардли оҳангларда куйлайди. Шеър компонентлари фикрни зарбли оҳангларга мослашга хизмат қилган. Мана бир мисол:

...Етар бас марсия  
Эй сиз гафлат супрасида биқисиб  
тўйганлар

Эй сиз қурбонликка  
Куёшни сўйганлар  
Уни ўликлар ўлдирдилар  
Ўлдирдилар шоирни Инсонни  
Ҳайқир ҳайқир ҳайқир осмон  
Пабло Неруданинг сўнгисиз осмони.

Мазкур мисралар шуни англа-тадики, инсон ўзлигини юксалтириш орқали замонасининг жонсарақ, фаол гражданига айланиши мумкин. Шундай инсонгина кура-миз жароҳатларини ҳис этади, эл-юрти тақдири учун кураш халқлар келажаги учун курашга боғлиб кетишини тушунади. Ўзлигини ана шундай улкан курашлар йўлига фидо этади.

Рауф Парфининг «Карло Каладзе диёрида» номли шеърида ҳам Ватанини жондан севувчи инсон — лирик қаҳрамон кўз ўнгимизда гавдаланади. У олам кенгликларини кузатар экан, бутун вужуди билан ўз эрки, қадр-қиммати учун курашаётган халқлар овозини тинглагандай бўлади, ўзини дунё халқларига сафдош деб билади:

Қутлуг тупроғингга қадамин босдим,  
Қутлуг тупроғингни куйларман  
қониб.

Йўқ, мен Гуржистонни сева олмасдим,  
Бағримда турмаса Ўзбекистоним.  
Учар, тўрғай учар, мозийдан сўйлар,  
Мен уни тинглайман, кўзларимда ёш..

«Виктор Харанинг сўнги кўшиғи» шеърида эса, ҳақиқат кўшиғини тик туриб куйлаётган халқ қаҳрамонлари, чинакам ватанпарварлар образи Виктор Харан тимсолида умумлаштирилган. Ер юзида адолат учун курашувчилар бор экан, ҳақиқат кўшиғи янграр экан, эзгулик галабаси муқаррардир, деган гоё шеърда жанговарлик туйғуларига йўғрилиб ифодаланган:

Оҳ сўнги кўшиқни куйламак оғир  
кўп оғир

Қотилларнинг осий юзларида ажал  
ниқоби

Беш минг бизлар  
Беш минг ҳозир майдонда  
Бизлар беш минг, Бизлар беш минг  
холос

Йўқ! Биз миллионлармиз ахир.

Давримизга хос курашчанлик, жанговарлик туйғуси шоир Усмон Азимов шеърларида ҳам лирик қаҳрамон кечинмалари орқали ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Шоир инсонлик бугунги кунда катта социал ва маънавий маънолардан таркиб топганлигини ёритишга интилади. Қалб эҳтиёжи ўзликни танишга, инсонлик моҳиятини тушуниб яшашга йўллаётганлигини, юрак эҳтиёжига кўра маънавий баркамолликка интилаётган замондошларимизни, ўзлигига хиёнат қилган одам билан ўзлигини танишга уринаётган, муайян мақсад йўлида яшашга талпинаётган кишилар ҳолати ва кечинмаларини Усмон Азимов мураккаблиги билан ҳаққоний ёритишга эришган. Шоирнинг «Дарс» тўпламига кирган бир қатор шеърларида маънавият масалалари инсонийлик мезони билан ўлчанган. Муҳим поэтик умумлашмалар яратилган: шоир талқинига кўра нафратланишни билиш, изтиробни бошдан кечириш, юракдан севиш ё севилиш, қувона олиш — маънавий тириклик белгилари. Ўз мақсад ва тилагини ўзиники бўлган овозда айтиш — ўзлик мавжудлигининг аломати. Ўзликнинг мавжудлиги эса маслак мавжудлигини, эътиқодлиликни билдиради. Эътиқодга эғалик — ақл, юрак ва вужуд бирлигидан дарак беради.

Мени севиш,  
Мендан нафратланиш —  
Бошқасига руҳсат бермайман.  
Мен сизни севаман  
Ва нафратланаман,  
Майда туйғуларни кўрмайман раво.

Севиш, севилиш, қувонч ё нафрат туйғулари уйқоқ қалбдагина ҳаракат қилишини шоир У.Азимов ўзига хос тарзда ёритишга эришганлиги кўриниб турибди. Унинг шеърларида гавдаланувчи лирик қаҳрамон мақсад ва интилишларида қатъийлиги, кескир сўзи билан ажралиб туради. Ўзлигини излаш жараёнида хилма-хил кечинмаларни бошдан кечиради. Аммо ниҳоятда мушкул вазиятларда ҳам ўз эътиқодидан юз ўгирмайди, танлаган йўлидан қайрилмайди, чунки:

Эгри чизикларга боқкин,  
Улар айланаверар.  
Лаҳза ўтмай йўлларидан  
Жим-жит қайрилаверар.  
Ел кўзгоса, қалтирашар,  
Сокин паноҳ излашар,  
Чақмоқ чакса, чекинишар,  
Оловларда музлашар...

Кўринадики, шоир ҳаёт ҳақиқатини — ёлғоннинг умри қисқалигини, кўрқоқнинг Ватани йўқлигини ниҳоятда ҳаққоний, таъсирчан ифодалаган. Маънавий ожиз кимсалар — ўз маслагига, муайян мақсадига эга бўлмаган кишилар эканлиги очиб берилган.

Усмон Азимовнинг «Вуюмлар ҳақида баллада» шеърида замонавий мешчанлик иллатлари фош этилади. Эътиқодсизлик майда туйғуларга берилиш, ўзлигини майда икир-чикирларга кўрбон қилиш оқибатида юз беришини,

натижада одам маънавий бўм-бўш кимсага айланиб қолишини алам билан, дард билан ифодалайди:

— Ишла! — Нима учун? —  
— Югур! — Нимага?  
— Телевизор керак! — Машина! —  
Вуюм...  
Бир йилки, боқмадим тўйиб дунёга,  
Севгилим, унутдим майсалар бўйин...


Табиийликдан чекиниш, олам ранглари кўришдан, табиат гўзаллигини ҳис этишдан айрилиш — фожиа! Аммо, нима сабабдан инсон баъзан била туриб ана шундай фожиага юз тутмоқда, нима сабабдан ўзлигини буюмларга қурбон этмоқда, онг тафаккури қудратини эзгулик йўлига эмас, ёвузликка, тубанликка маҳкум этмоқда? Нега??

Кўпчиликни ўйлатаётган бу саволга шоир инсон шахсини поэтик таҳлил этиш орқали жавоб ахтаради. «Дарс» тўпламига кирган шеърлари ахлит ҳолда ҳаёт сабоқларини бугунги китобхон ёдига солишга, ҳаётнинг азалий қонунлари, исботланган ҳақиқатлари тўғрисида ўйлашга ундайди.

Барча одамлар коммунистик эътиқод тантанаси учун яқдил кураш олиб борсалар, ҳар қандай иллатлар тугатилиши мумкин, шунда инсон жисмига ўрнашиб олган тубан туйғуларнинг емирилиши тезлашади, жамиятимиз ҳаётида маънавий баркамоллик тантана қилади. Ана шу ҳақиқатга ишонч туйғуси бугунги ўзбек шеърлятида ҳар қачонгидан кучлироқ, шиддатлироқ тарзда ифодаланмоқда. Ўзбек шоирлари замондошларимизни қалб эҳтиёжига кўра яшашга, юксак эътиқодни эғаллашга, коммунистик дунёқараш тантанаси учун курашга дават этмоқдалар.

Демак, шеърят бугунги ёруғ кунларимизда инсоният бадиий тафаккурининг ўзига хос садоси бўлмиш азалий вазифасини ўтамоқда, янги даврга мос оҳанг касб этиб, ўзининг мазмуни ва шаклини янгилаб, бойитиб келмоқда, замонага хизмат қилмоқда.

Марғуба МИРҚОСИМОВА,  
филология фанлари кандидати



Энг ёш расом

Боқулик энг ёш расом қиз — Кабира Алиева энди-гина олтига кирди. Шунга қарамасдан бу қиз уч йилдан бери расм чизади. Дастлаб Кабирани онаси тасвирий санъат студиясига олиб келганида, унга унча аҳамият бермадилар. Шунда студия ўқитувчиси Катана Ғозий қизча билан шахсан шуғулланиш истагини билдирди. Мана, ниҳоят, орадан уч йил ўтиб, расмлар галереясида Кабиранинг шахсий кўргазмаси очилди ва у катта муваффақият қозонди. Ёш расомнинг расмлари яқин орада АҚШда намоиш этилади.

# ИНСОНИЙЛИК КҮЙЧИСИ

Сайдулла МИРЗАЕВ,

филология фанлари доктори,  
профессор



Чин инсонийликни улуғлаш, одам кадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, замонамизни завқ-шавқ билан куйлаш таниқли адиб Раҳмат Файзий ижодининг лейтмотивини ташкил этади. Шуниси муҳимки, бу лейтмотив ёзувчи асарларида қуруқ баён этилмайди, балки образларнинг фаолиятдан, асарларининг умумий руҳидан табиий ҳолда келтириб чиқарилади. Раҳмат Файзийнинг моҳир прозаик сифатида китобхонлар қалбидан жой олганлигининг боиси ҳам аввало ана шунда.

Раҳмат Файзий ўз ижодини 40-йилларда бошлаган, дастлаб кичик прозада муваффақият қозонди, 50-йилларга келиб носир сифатида тан олинди. Ёзувчи ҳаётни синчковлик билан кузатиш, ўз асарлари устидан қунт билан ишлаш оркали йил сайин ижодий такомилга эриша борди.

Раҳмат Файзийнинг «Ёдгор», «Эл меҳри», «Шоҳи дарпарда», «Чаноққа томган қон», «Кузатиш», «Она», «Тошойна» сингари асарлари ўзбек совет ҳикоячилигининг ютуғидир. Бу ҳикояларда воқелигимизнинг турли қирраларидаги ҳаёт ҳақиқати, янгилик билан эскилик ўртасидаги конфликт таъсирли ва образли қилиб очиб берилган.

Ёзувчининг очерк жанридаги изланишлари ҳам самаралидир. Унинг «Улғайиш», «Сафаринг бехатар бўлсин», «Москвалик қиз», «Соҳибкор», «Полвон ота», «Дўрмонлик йигит», «Раис», «Сувчи», «Валли, она қизим», «Камолот» сингари асарлари бадий очеркнинг типик намуналари бўлиб, уларда адиб воқеа-ҳодисаларнинг аниқлигига, конкретлигига катта эътибор беради. У олди-қочди воқеалар кетидан қувмайди, факт ва рақамларга ўралашиб қолмайди, аксинча, воқеа, факт ва рақамни саралаб, ўрни-ўрнида ишлатади. Очеркдаги барча компонентларни қаҳрамонлар характерини очишга, образ яратишга хизмат қилдиради. Шу сабабли, адиб ҳикояларида

кўринганидек, очеркларида ҳам жонли характерлар, ҳаётини қаҳрамонлар биринчи планда намоён бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Раҳмат Файзий очеркчилиги билан ҳикоячилиги ўртасида диалектик бирлик мавжуд. Улар ички мантиқ жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлиб, мавзу, гоёвий мазмун ва образлар состави эътибори билан бир-бирини тўлдирди. Ёзувчининг очеркчилигида ҳам, ҳикоячилигида ҳам социалистик ҳаётимизнинг афзалликларини кўрсатишга, турмушдаги ўсиш, ўзгариш ва янгиликларни тарғиб этишга алоҳида эътибор берилди. Оддий ишчилар, оддий колхозчилар, меҳрибон ота-оналар образи зўр муҳаббат билан тасвирланади.

Адиб сермазмун ҳикоялар ва очерклар ёзиб, кичик прозада бой тажриба ва малака ҳосил этгач, катта прозага ҳам қўл урди. «Чўлга баҳор келди» (1972), «Ҳазрати инсон» (1968) асарларини яратди.

У 1951 йилда замонавий мавзуда «Чўлга баҳор келди» повестини ёзди. Автор кейинча бу қиссани қайтадан жиддий ишлади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, гап жанрда ёки ҳажмда эмас, балки ҳаётини материални, муҳим фикрларни мукаммал, гўзал шаклда китобхонга еткази билишдир. Бу қийин ва мураккаб ишни ёзувчи ўз асарида удалай олган. Шунга кўра, повестда учровчи схематизм, юзакчилик сингари айрим нуқсонлар романда кўринмайди. Бундан ташқари, романда тасвирланган воқеаларнинг кўлами ва доираси повестдагига нисбатан кенг, тасвир теран, сюжетнинг ўсиш динамикаси кучли, ёзувчининг образ ва характер яратиш санъати юқори савияда. Романда Муҳиддин, Юлдузхон, Исмоил Акрамов, Тошпўлатов каби асосий образлар фаолияти кучайтирилиб, улар характери мукаммал очиб берилган. Роман образлар характерини, асар гоёсини очишга, унинг бадийлигини оширишга бевосита хизмат қилувчи янги воқеа ва эпизодлар билан бойитилган. Асосий образларнинг меҳнати, эскилик сарқитларига қарши кураш, орзу-истакларни кенг ва ёрқин акс эттирилган. Романда ёрқин лирик ва психологик тасвирлар бор. Ешларнинг, айниқса, Муҳиддин билан Юлдузхоннинг ҳалол меҳнати, пок севгиси, эзгу ниятлари тасвирланган ўринларда бу хусусият очик кўринади.

Раҳмат Файзийнинг катта асари шубҳасиз, «Ҳазрати инсон» романидир. У ёзувчининг узоқ йиллар давомида олиб борган ижодий изланишлари ва катта меҳнатининг ажойиб самарасидир. Маълумки, Раҳмат Файзий ўз устози Ғафур Ғулом анъана-

ларини ижодий давом эттириб, етим болалар ва уларнинг тарбияси ҳақида «Сен етим эмассан» (1964) кино қиссасини ёзган ва шу қисса асосида мазмундор кинофильм яратилган эди. Ёзувчи кейинча бу мавзуга яна қайта мурожаат этиб, уни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ қилди. Натижада, етим болалар ва уларнинг тарбияси билан боғлиқ бўлган интернационал дўстлик мавзуда социалистик реализм методи асосида маҳорат билан ёзилган «Ҳазрати инсон» романи юзага келди.

Машҳур совет ёзувчиси Г. Марков «Ҳазрати инсон» романига юқори баҳо берди: «Бу — талант, муваффақиятли чиққан китоб, бу — кўпмиллатли Бутуниттифоқ совет адабиётимиз қўлга киритган улкан ютуқдир. Раҳмат Файзий ҳаққоний китоб ёзган, ҳаёт оқимининг нақ ўзидан ҳаётини материални тутиб олиш унга муяссар бўлган ва бу улкан материални у қалб қўри билан иситган».

Романда республикамизнинг Улуғ Ватан уруши давридаги ҳаёти мисолида халқимизга хос бўлган энг юксак ҳислат — инсонпарварлик (хусусан, болапарварлик) — гуманизм мавзуи тугал ҳаётини сюжет воситасида кўп қиррали аспектда таъсирли қилиб ёритилган. Асар сюжетига уруш оқибатида етим қолган ўн тўрт ёш гўдакни (турли миллат фарзандларини) ўз тарбиясига олган, инсонпарварликнинг бекиёс намунасини кўрсатган тошкентлик Шоаҳмад, Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри хола ҳаёти асос қилиб олинган. Бошқача қилиб айтганда, роман конкрет ҳаётини воқеа ва тарихий фактлар асосида ёзилган. Асардаги бош қаҳрамонлар темирчи Маҳкам Аҳмедов ва унинг хотини Меҳринисо опа аниқ прототип асосида яратилган. Шунга қарамай, бу роман воқеаси ва ундаги асосий образлар жуда катта умумлашма характерга эга. Ёзувчи романда факт ва ҳужжатлардан ижодий фойдаланиб, ҳаёт ҳақиқатига мос бўлган катта умумлашма яратади, типик ва ёрқин образлар чизади. Бу ҳақда ёзувчи Раҳмат Файзийнинг ўзи: «Бу романим фақат ҳужжатли асар эмас, унинг тасвир доираси бир оила тарихига нисбатан анча кенг. Унинг қаҳрамонлари мен урушнинг машаққатли йилларида яқиндан билган ва жондан севган оддий кишилар. Мен «Ҳазрати инсон» романида урушнинг оғир машаққатларини бошидан кечирган, аммо ҳамма қийинчиликларни енгиб, душман устидан ғалабани яқинлаштириш учун мардонавор меҳнат қилган совет кишиларини тасвирлашга интилдим», деб ёзган эди.

Адиб романда Маҳкам ака ва Меҳринисо опанинг етим бола-

ларга кўрсатган меҳрибонликларини муҳаббат билан тасвирлар экан, совет инсонпарварлигининг туб моҳиятини ва унинг асосий манбаларини ҳам образли равишда реал очиб беради. Инсонпарварлик гоёларини фронт билан мамлакат ичкарисининг узвий бирлиги фонида, ватанпарварлик, интернационал дўстлик, минглаб норасида гўдакларни етим қолдирган урушга нафрат мотивлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ёритади.

«Ҳазрати инсон» романида уруш даврида ўз инсоний бурчини шараф билан бажарган Маҳкам ака, Меҳринисо опа, Ориф ота, Тожиҳон, Ботир, Салтанат каби бадий тўқима образлар билан бирга, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев сингари тарихий шахс образлари ҳам тасвирланган. Ёзувчи ҳар бир образнинг ўзига хос характерини ва портретини аниқ кўрсатган.

Роман тили бой. Автор жонли халқ тили бойликларидан унумли фойдаланган. Романда берилган лирик ва юмористик тасвирлар асарнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, роман гоёвий мазмунининг очирилишига кўмаклашган.

«Ҳазрати инсон» романи ўзбек прозасининг шуҳратига шуҳрат, обрўсига обрў қўшди. Асар рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, латин, шунингдек, немис, инглиз, француз, араб, форс, чех, поляк, болгар, испан, япон, вьетнам, жами 20 дан ортиқ тилларга таржима қилинган ва ҳамма жойда китобхонларга манзур бўлган.

Раҳмат Файзий ҳозирги кунда жамаиятни қайта қуриш даври талабларини чуқур ҳис этган ҳолда «Ҳазрати инсон» романининг иккинчи китобини яратиш устида қизгин ижод қилмоқда. Шу билан бирга, у таниқли жамоат арбоби сифатида ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. У турли йилларда газета ва журнал редакцияларида, «Ўзбекфильм» киностудиясида, Ўзбекистон Ёзувчилар союзида, Авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика ташкилотига масъул лавозимларда хизмат қилди.

Раҳмат Файзийнинг самарали хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ёзувчи Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари, медаллар ва фахрий ёрликлар билан мукофотланган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвонларини олишга сазовор бўлган.

Адабиёт казинасига ҳисса қўшган ёзувчи Раҳмат Файзийдан халқимизнинг умиди катта. Адибимиз янги-янги етук асарлар яратиб, ўқувчилар оммасини хурсанд қилиши аниқ.

Самарқанд

Бемаза қовуннинг  
уруғи мунча кўп?  
Бу ёруғ дунёда ёмоннинг  
йўриғи мунча кўп?  
Қоши қаро, кўзи қаро  
юришлари какликдек  
бирор жонон  
пули қарчиғайлар соясида,  
йил-ўн икки ой гаштини суриб,  
кеча демай, кундуз демай  
қумлар устига  
дунё тургунча турар  
«муҳаббат иморатларин» қуриб,  
ой қўтонласа  
ойда ёгарин билдими,  
кун қўтонласа,  
кунда ёгарин билдими,  
тонг отгунча кун ботган

кечаларда

кўкартирган меҳригиёсини  
«ҳароми» деб,  
эсар шамолларнинг йўлига  
қурбон қилдимми...  
Аяган кўзга чўп тушмаса,  
биёбонда бола на қилур?  
Хайтовур,  
еру кўкни бузгудек бўлиб,  
гўдак йигиси келур...  
Бедор қилди кўпларни —  
даррандалар,  
паррандалар сидирға тунин  
чақмоқдек ёритган  
бу нола,  
ўзи етиб борган тешик қулоққа  
сирлар торларини  
тақиб ўтган  
бу нола.

«Одам еганини  
хўкиз еса,  
ёрилиб ўлади, — деди  
ороми бузилиб, жойидан

қўзғолиб

тўқайда тўнгиз. —  
Одам қилганини  
шайтон қилса,  
уялиб ўлади».  
«Тўкилмаган ким бор, — деди  
бедана, —  
сўкилмаган ким бор...»  
Тулки дер:  
«Бозордаги ботмон қуйруқ,  
тарозига тортган қуйруқ,  
бир балоси бўлмаса,  
нега шудгорда ётган қуйруқ?!»  
Сувсар дер:  
«Сувни кўрмай,  
этик ечмам...»  
Бўри дер:  
«Айби шуки,  
қорним тўқ эди...»  
Хавотир тортиб,  
боласини  
бағрига босар қаттиқроқ  
типратикон:  
«Гиргиттонинг бўлай,  
юмшоғим...»

## II

Юксак чўққиларда  
мўмиё ялаб турган Оху  
(овчи таъқибидан қочаркан,  
синган эди оёғи)  
бола фарёдини эшитдию,  
кўкрагига сизмай, тошди юраги...

## У

оқсоқланиб, ҳақкалаб — ҳушида  
йўқ

чопар эди беихтиёр  
оҳанрабо сари...  
Ийглаётган гўдакнинг  
илтижоси  
тармашар  
«онамнинг бўйним» деб  
шамолларга,  
майсаларга,  
кундузларга  
кечаларга,  
дилларга...

Бу нидо  
милдир-милдир эритгудек  
тошни ҳам  
ёз чилласин офтоби каби.  
Бу нидо  
қулоғига чалиниб,  
ингранди  
оёғига чормих урилса,  
иҳ демаган отлар,  
кўкка қараб улиди бесабр  
ахтарганин топмай овора  
итлар...  
Қурукнинг ўтига  
ҳўл куяр, албат.

Оху  
ўзин ўқдек отиб борар,  
ширин жонин сочиб борар  
синган оёғига раҳми йўқ,  
ошёнида қолган қуралай кўзли  
меҳригиёҳ эртасига ваҳми йўқ...

Олам — кўҳна олам...  
Унинг томирларин тўлдириб  
оққан —  
қонни яшартирар севги, зурриёт.  
Бу олам кўзига ою кун боққан,  
Бу олам кўзига телмуради ёд.

## Муҳаммадали Қўшмоқов



...Кўзига қоронғу ойнинг ўн беши,  
Меҳри созлангандир дутор

торича,  
Бағрига кўчмаса бола болқиши  
Оху чопаверар умри борича.  
Оху талпинади,  
Оху оқсайди,  
Туёғидан гард-гард сачрайди ёҳу.  
Қутқазмаса, ўзин ич-этин ейди.  
Қутқазмаса, сути бўлади оғу.  
«Тикилса, қуриру дарёнинг гуми,  
Оҳ урса, қулару қалъанинг

тими» —

Билмас: туяқорин сингари уни  
Саргардон этмоқда фириб

тилсими.

## III

Бўри  
қўшнисига ёмон соғинмас.  
Очлик эса бўридан ёмон.  
Неча кунки,  
арлони бўри  
ичи яланар,  
ови  
бароридан келмай,  
ўзини қўйгани жой тополмас,  
кечалари гингшийд  
ғужанак бўлиб,  
кучала еган итдан ҳам баттар.

Пичоғинг ёр устида бўлса ҳам,  
кесмайди  
ёгга  
пичоқни босмасанг...  
Қилкўприқдан ўтмасанг,  
сенга қаёқда жаннат...  
Шоқол  
сиртига чиқармасу  
ичидаги қувончни,  
ҳаяжондан  
тизлари титрар:  
келди  
унга ҳам  
ой бўлиб болқадиган вақт,  
ҳукмдорнинг кўзига  
вафо ёшлари ила  
қалқадиган вақт,  
келди  
унга ҳам  
кўзга кўринар пайти...

## У

оч арлони бўри  
пойига бош уриб,  
дедики:  
— Азиз тишларингиз ҳиммати  
не жонивор кўксин тоғ этмиш,  
айрилиқнинг қалин чиммати  
улар кўз ўнгини беркитмиш...  
— «Худой», «худой», деб,  
абдирайберма, —

деди арлони бўри, —  
«берди»сини ҳам айт...  
— Хўп, хўжайин, —  
деди шоқол икки букилиб, —  
аввал оху келсинми,  
ёки эшак келсинми  
ҳузури олиийнгизга  
ўз оёғи билан  
ризқ-рўз бўлгали...

— Тушлигимга  
оху  
ўз оёғи билан чопиб келса,  
манглайингни силардим сенинг,  
ўнг қўлим, деб билардим сени...  
— Бир илтимос, —  
деди шоқол жилпанглаб, —  
шамол йўлидан бери силжиб,  
манов панада олсангиз ҳордиқ...  
Шундай дедию  
увлай бошлади у,  
бола йигисига ўхшар эди  
улаши...

## IV

Оху  
чопиб ўтган йўлларда  
ундию меҳригиёҳ,  
унинг бўйларини  
олам бўйлаб таратди  
Шамол...  
Чақасини илон еб,  
кўксин захга бериб  
ётган какликлар  
додлаб кўкка кўтарилди  
чарх уриб,  
Оху изидан...  
Меҳр қанот ёйди олам устида.  
Меҳр тафтани туюб,  
офтоб каби кулиб чиқди  
куртаклар



дарахт ичидаги  
зимистондан.  
Гул бўлиб сочилиб  
эргашдилар улар ҳам  
Оху изидан.  
Меҳр қанот ёйди олам устида.  
Меҳр тафтани сезиб елкасида  
йўлларини илкис буриб,  
югурди Сувлар  
Оху изидан.

Оху изидан...  
Оху изидан...

Нечун бирдан дармон кетди  
унинг тизидан...

...Тортган азоблари жони  
ичида —

елиб бораётган  
Оху  
тўхтади сирғалиб бориб:  
энг аввал...  
юрагини еди  
арлони бўри  
унинг кўксини ёриб...  
Четга чикдию шоқол,  
тинди бир-икки бор увлаб —  
бола кулгусига ўхшар эди  
кулгуси...

## V

Айланган ерини ёндириб:  
«Ўв, фириб... —  
деди Шамол. — Али қиличин  
излаб келибмиди бўйнига?  
Илон бўлиб чиқди  
тасбеҳ деб солгани  
қўйнига...

Нега осмон келиб ерга қапишмас  
бу риёни кўриб... риёни кўриб?  
Нега замин кўкка бориб  
ёпишмас  
Она кўнглидаги зиёни кўриб...»

«Ўв, фириб... —  
деди Сувлар. — Олам  
кўзининг ўнгида  
бедодлик қилмоқ шунчалар...

Қорин тўяр, шармандалик  
қолади.

## VI

Қорин тўяр, шармандалик  
қолади.

Қолади  
Оху  
чақнаб ўтганида  
ҳаётининг кўзи бўлиб,  
кўйида ёқачок —  
очилган гунчалар...  
Умид йўлларида сочилган  
кунчалар...

<sup>1</sup> Бу шеър шоир Мухтор Худойқуловнинг бир масалидаги шоқолнинг бола йигисига ўхшатиб улаши тасвиридан илҳомланиб ёзилди — муаллиф.

# ЗАМИНДА ОСМОН

Машҳур рус олими Владимир Бартольд «Улуғбек ва унинг даври» китобида қуйидагича ҳикоя қилади: «Мадраса биниси битай деб қолганда, у ердаги одамлар Улуғбекдан: «Мадрасага кимни мударрис қилиб тайинламоқчисиз?» деб сўраганда, Улуғбек: «Барча фанлардан хабардор бўлган бирон одамни қидириб топаман», деб жавоб берган. Шу ерда ғиштар орасида иш кийимида ўтирган Мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг бу гапини эшитиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб: «Бу вазифага мен лойиқман», деган. Шундан сўнг Улуғбек уни имтиҳон қилган ва Мавлоно Муҳаммаднинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил этган ва: «Уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтиринглар», деб буйруқ берган. Мадрасанинг очилиш кунда Мавлоно Муҳаммад қилган маърузани Улуғбек ва Қозизода Румий тўқсонга яқин илм аҳли билан тинглаганлар. Риёзиётдан баҳс этган бу маърузани Улуғбек билан Румийгина тушуниб етганлар».

Ҳа, Улуғбек илм-фанни, олимларни эъзозлаган буюк аллома бўлган. У 1394 йили Ҳиротда туғилади. Тўрт ёшидан бошлаб унинг тарбияси билан бувиси Сароймулк хоним ва бобоси Амир Темур шуғулланадилар. Ҳатто Темур севимли неварасини сафарларда, юришларда ҳам бирга олиб юрган. Хусусий муаллимларга ўқитган. Улуғбек ёшлигида ноқ диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллайди. Амир Темур 1405 йили Утрорда фавқуллодда касалга чалиниб вафот этади. Тўрт йил мобайнида Темур ўғиллари орасида тахт-тож учун давом этган жангда Шохрух ғалаба қозонади. У ҳозирги Урта Осиё ерларини бирлаштириб, пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр давлатини тузади ва 15 яшар ўғли Улуғбекни унга ҳоким этиб тайинлайди. Пойтахти Ҳирот бўлган Хурсон давлатини эса ўзи бошқаради.

Бошқа ҳукмронлар сингари Улуғбек кучи, ақл-заковатини жангу жадалларга, юрт олиш, бойлик ортиришга эмас, адолат билан

ҳукм суриш, мамлакатни обод қилиш, адабиётни, илм-фанни ривожлантиришга сарфлади. Улуғбек атрофига «ўз даврининг Афлотуни» деб ном қозонган машҳур математик, астроном Қозизода Румий, Улуғбек ва Қозизодаларнинг шогирди, «ўз замонасининг Птоломейи», таниқли математик ва мунажжим Али Қушчи, шунингдек, математик ва астрономлар Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Виржандий, Мирам Чалабий, 1416 йили астрономик асбоблар ҳақида рисола ёзган Ғиёсиддин Жамшид, Муҳаммад ибни Умар Чағминий каби олимлар жамланган эди.

Улуғбек ана шу олимлар маслаҳати, кенгаши, ҳамкорлигида математика, астрономия, геометрия каби фанларга доир тадқиқотлар олиб борди. Самарқанд шаҳри атрофидаги Обираҳмат сойи ёқасида расадхона қурдиради. Расадхона атрофида муҳташам бинолар, гўзал боғу роғлар барпо этилди. Уч қаватдан иборат бу расадхонанинг ба-

## ЭЛФОНШИШНИНГ ИЗЗА ҚУЛИШИ

Кунлардан бир кун бир киши Улуғбек Мирзо ҳузурига келиб, таъзим-тавозедан сўнг шундай арз қилибди:

— Эй, шоҳим! Менинг бошимга бир мушкул иш тушди. Уни ҳал қилиш менингина эмас, барча донишмандларнинг ҳам қўлидан келмапти. Мен Хуросон карвонига ҳамроҳ бўлиб, Ироқдан Самарқанд томон келмоқда эдим. Карвон Жайхун лабига етгач, мен бир чеккага бориб либосларимни ечдим. Менда бир парча лаъл бўлиб, уни бир чарм халтачага тикиб, билагимга боғлаб олиб юрдим. Ўша лаъл халтачани ҳам билагимдан ечиб, кийимларимни устига қўйдим-да, ювиниш учун сувга тушиб кетдим. Сувдан чиқсам, ҳалиги лаъл қўйган жойимда йўқ. Ўша атрофда бегона одам йўқ эди. Шунинг учун йўқолган нарсамни ўртоқларимдан сўраб-суриштиришга уялдим. Лаъл қандай ғойиб бўлиши мумкин?

— Бу жумбоқни ечиш учун бир йил сабр қилишинга тўғри келади. Шу орада ўша молинг топилса, яхши. Мабодо топилмай қолса, унинг қимматини мен тўлайман, — дебди Улуғбек Мирзо.

Ҳалиги киши шукрона бажо келтириб кетибди. Шундан сўнг подшоҳ девон бошлигини чақи-

риб, ўзига қарашли юрт аҳолисининг ўша йили подшоликка қанча тўлов ва солиқ топширганини ном-баном ёзиб беришни буюрибди. Девон бошлиғи шоҳ фармонини бажарибди.

Улуғбек Мирзо рўйхатни бирма-бир кўздан кечириб чиқиб, ўзида сақлабди. Янги йил кириши билан шоҳ девон бошлигини чақириб, шоҳлик даромади ҳақида ўтган йилгидек ҳисоб-китоб топширишни сўрабди. Шоҳ солиштириб кўраркан, Қорақўлдан ўтган йили давлатга эллик танга солиқ тўлаган бир кишининг бу йил подшолик хазинасига 500 танга кириш топширганини кўриб қолибди. Улуғбек Мирзо ўша кишини топиб келиб, хилватда ўз ҳузурига киритишларини буюрибди.

Подшоҳ фармонига кўра ҳалиги кишини топиб келтиришибди. Улуғбек Мирзо у билан суҳбатлашиб сўрабди:

— Сенинг солиқ тўлашингда икки йил орасида қатта фарқ содир бўлибди. Бундан чиқди сен бу йил ё ота меросингдан ёки бошқа бирон йўл билан қатта бойликка эга бўлибсан. Ростини айт, шунча бойликни қаердан топдинг?

— Мен тўқувчиман, Қорақўлда яшайман, — дебди ҳалиги ки-

ши. — Кунлардан бир кун ўз ишим билан банд бўлиб ўтирсам, бир қарга учиб келиб рўпарамдаги дарахт шохига қўнди. Унинг тумшугида гўштга ўхшаш бир нарса бор эди. Ўша нарса қарга оғзидан тушиб кетди. Олиб қарасам, туморга ўхшатиб тикилган чарм экан. Очсам, ичидан офтоби оламдек ярқираб турган лаъл чиқди. Уни худонинг садақаси деб билдим-да, Самарқандга элтиб, бир гавҳаршуносга кўрсатдим. Уни кўриши билан гавҳаршуноснинг ранг-рўйи лаълдек чарақлаб кетди ва мендан сўради:

— Буни қаердан топиб келтирддинг?

Мен бу нарсанинг қимматбаҳо тош эканлигини энди тушундим-да, жавоб бердим:

— Қаердан келтирганимни сўраб-суриштириб нима қиласан. Истасанг, нархини келишиб, ол. Бўлмаса, молимни қайтариб бер.

— Неча пулга сотмоқчисан? — сўради у.

— Икки минг олтин тангага со-  
таман, — дедим мен.

Узоқ талашиб-тортишиб, 1500 тангага сотдим. Пулни олиб, тўғри бозорга бордим: бир қул, бир канизак ва бошқа қимматбаҳо нарсалар сотиб олдим; бир отни эгар-жабдуғи билан олиб, тўғри Қорақўлга бордим. Ўз тирикчилигимни, уй-рўзгор анжомларимни бадавлатларникига ўхшатиб яхшилаб олдим. Қамбағалликдан кутулиб, мол-дунёли бўлганимни кўрган қўшнилар мендан сўрашди:

— Бунча мол-дунёни қаердан топдинг?

— Самарқанд шаҳрида бир бадавлат қариндошим бўларди. Иттифоқо у вафот этиб, давлати менга мерос қолди, — деб жавоб бердим мен.

Мирзо Улуғбекнинг буйруғи билан ўша гавҳаршуносни келтирибдилар. У гавҳарни сотиб олганига иқрор бўлибди ва яшириб қўйган жойидан келтириб кўрсатибди. Подшо уни олиб эгасига берибди. Гавҳаршуносни эса инсофсизлик қилиб ўша лаълнинг баҳосини паст ургани учун жазолабди.

## ХАМБАҒАЛ ВА ҚОЗИ

Кунлардан бир кун бир киши Улуғбек Мирзо ҳузурига арзга келиб дебди:

— Мен Рум сафарига тайёргарлик кўраётганимда, беш минг тилла ортиқча маблағим бор эди. Мен ана шу пулларни бирон бир диёнатли кишига топшириб, сафардан қайтгач, олмоқчи бўлдим. Қанча ўйласам ҳам замона қозисидан кўра диёнатли кишини то-

па олмадим ва ўша олтинларимни бир офтобага солиб қозига омонат топширдим. Сафардан қайтгач, ўша омонатимни қозидан талаб қилувдим, у:

— Жинни бўлиб қолибсан шекилли, нега менга тухмат қиласан? Мен сени кўрмаганман ва танимайман ҳам. Бундан кейин менинг олдимга келиб, бунақа номаъқул гапларни гашириб, тух-





ландлиги 50 метр бўлган. Унда Гиёсиддин Жамшид ясаган асбоблар ёрдамида осмоний жисмлар кузатишган, 1018 та юлдузнинг мувозанати аниқланган. Расадхонада олиб борилган кузатишлар натижасида Улуғбек «Зичи Курагоний» астрономик календарини тузган. Асар назарий қисм ҳамда расадхонада олиб борилган тадқиқотлар якуни — Улуғбек календаридан иборат.

Улуғбек илмий кузатишлар олиб бориш ва мадрасада астрономиядан дарс ўқиш билан бирга маданий ишларга ҳам жиддий эътибор берди, кўплаб мадраса, хонақоҳ, мачит, карвонсаройлар қурдирди; олдинроқ қурила бошланган Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир мақбараси қурилишлари тугатилди, Шохизинда бинолари ансамбли битказилди. Шохшоҳрух Ҳиротда ашаддий руҳонийлар қуршовада шарият ва динни мустақамлаш учун курашаётган бир вақтда Улуғбек маърифатни, илмни ривожлантириш учун интилди, адабиёт, илм-фан аҳллари эъзоз-

лади. Буюк олим Улуғбек зиё душманлари руҳонийлар фатвоси, ўғли Абдулатифнинг бевосита розилиги билан 1449 йили ёлланган қотил Аббос томонидан ўлдирилди.

Улуғ кишилар, даҳолар жисман ўлсаларда, лекин уларнинг номи мангу қолади, улар ёққан маърифат чироғи, илм зиёси халқ йўлини ёритиб боради; авлоддан авлодга ўтиб, тараққийпарвар инсониятга хизмат қилаверади. Шунинг учун ҳам кўпгина ўтмиш мутафаккирлари Улуғбекни адолатли султон, донишманд мураббий, аниқ фанлар устози сифатида тилга оладилар, мадҳ этадилар; халқ эса ўзининг ардоқли фарзанди ҳақида ҳикоятлар, ривоятлар тўқиган. Машҳур туркигўй шоир Сақокий Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзди. Бу шеърлар лаганбардорлик мадҳияси бўлмай, адолатпеша олимга берилган ҳаққоний таъриф эди. Улуғ бобомиз Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улуғбек мадҳияси» деган махсус боб мавжуд. Унда шоир Улуғбекни заминда

осмон яратган олим, деб таърифлайди:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондир.

Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Курагоний».

Қиёматга деганча аҳли айём,  
Езарлар анинг аҳқомидин аҳқом.

Ўша замон тарихчиларининг ҳамда ёзувчиларининг асарларида ҳам ана шундай таърифларни кўп учратамиз. Чунончи, «Бобурнома»да, Сайфиддин Али Сафийнинг «Турли тойифалар ҳақидаги латифалар», Восифийнинг «Ажойиб воқеалар» сингари китобларида биз Улуғбек ҳақидаги кўплаб ҳаётий ҳикоялар ва ривоятларни учратамиз. Қуйида Восифий тўплаган ҳикоялардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,  
филология фанлари кандидати

мат қилсанг, одамларимга буюраман, уриб тишларингни синдиришади, тилингни суғуриб олишади, — деб дўқ урибди...

— Нима қилишимни билмайман, шоҳим. Сиз менга йўл кўрсатинг, ёрдам беринг, — дебди шикоятчи.

— Мен эртага қозининг уйига бораман. Мен у ердан чиқиб, отга миниб кетмоқчи бўлаётганимда етиб келиб, шу арзингни айт, — дебди Улуғбек.

У киши кетибди. Улуғбек қозини чақиртириб дебди:

— Менинг бойлигим ва жавоҳирларим шу даражада кўпайиб кетдики, хазинага сирмай қолди. Мен ана шу мол-дунёни ҳеч ким билмайдиган бирон жойга яшироқчиман. Тоқим вафотимдан сўнг фарзандларим олиб харж этсинлар. Хазинада турса, мен ўлгандан сўнг талон-тороғ бўлиб кетади. Лекин мен бу масалада ҳеч кимга ишонмайман. Кимгаки ишонсам, у ўлимимдан сўнг, албатта, тонади. Шунинг учун бу шаҳарда сиздан кўра ҳалол, ростгўй одам йўқ, деб билдим. Зероки, сиз пайғамбарнинг ўринбосарисиз, омонатга диёнат билан қарашда ҳеч ким сизга тенг кела олмайди. Ўша молларни сизнинг уйингизга қўйишга қарор қилдим, тоқим ўлимимдан сўнг авлодларим кунига ярасин. Бу сирни сиз билингу мен билайин. Бошқа ҳеч ким хабар топмасин.

Бу гапларни эшитган қози хурсандлигидан ёрилиб ўлай дебди — зўрға ўзини тутиб олибди. Ва бармоқларини кўзларига қўйиб, шоҳ илтимосини қабул этибди.

Шундан сўнг Улуғбек унга дебди:

— Мен эртага сизнинг уйингизга бораман. Икковлашиб хазинани қўйиш учун жой белгилаймиз. Шундан сўнг молларни яширишга тушиб, ўша ерга беркитамиз.

Эртаси кун Улуғбек қозининг уйига борибди. Қози ҳовлисининг тўрт томонини диққат билан кўздан кечирибди. Ва ниҳоят хазина учун бир жойни тайинлабди.

Улуғбек қозининг уйдан чиқиб, отига минган чоғида ҳалиги одам келиб ерга тиз чўкиб, арз қила бошлабди:

— Жаҳонпаноҳ! Мен қозининг уйига омонат қолдириб эдим.


Бу сўзларни эшитган ва даъвогарни кўрган қози саросимага тушиб қолибди ва: «Агар инкор этсам, Улуғбек менга шубҳа билан қарайди, мендан ранжиб, ўз хазинасини менинг уйимга қўймаслиги мумкин», деб ўйлаб:

— Сен қанақа одамсан ўзи? Жинни-пинни эмасмисан? Шу гапни подшога арз қилиш шартмиди? Сен қачон омонатингни сўрадингу мен бермадим, — дебди.

Шундан сўнг қози хизматқорига қараб:

— Бор, фалон жойдаги боғичли обдастани келтир, — дебди.

Хизматқор ичи тўла олтин обдастани келтирибди. Қози уни ўша ерга — подшоҳ ҳузурига эгасига топшириб, ўзининг «тўғрилигию ҳалоллиги»ни исботлабди.



## Улуғбек ва Сайёх

Кунлардан бир кун бир киши Улуғбек Мирзо ҳузурига келиб арз қилибди:

— Эй, подшоҳи олам! Мен Самарқанддан Бухорога сафарга чиққанимда, ҳамён-халтамда минг танга пулим бор эди. Шаҳардан чиқиб, икки фарсах (16 километр) йўл юргач, бир дарахт соясига — сув бўйига дам олгани ўтирдим. Мен энди овқатланаётган эдим, шаҳарга кетаётган бир дўстим пайдо бўлиб қолди. Уни дастурхонга таклиф этдим. Бирга овқатландик. Ҳамённи ўзим билан элтишни лозим кўрмадим-да, уни ҳалиги дўстимга бериб, шаҳарга боргач, уйга элтиб беришни илтимос қилдим. Сафардан қайтиб келгач, билсам, ўша дўстим ҳамённи уйимга элтиб бермабди. Унинг олдига бориб, омонатимни сўрадим.

— Жинни бўлдингми?! Мен сени ҳам, ҳеч қанақа дарахт-парахтни ҳам кўрган эмасман, — жавоб берди у.

Улуғбек Мирзо ўша одамни чақириб келтирибди ва икки дўст шоҳ ҳузурига рўбарў бўлишибди. Ўша одам: «Мен у дарахтни ҳам, бу одамни ҳам кўрмаганман», деб сўзида қатъий туриб олибди.

Улуғбек Мирзо даъвогарга: «Ўша дарахтдан уч-тўрт барг келтиргин, мен унинг воситасида ҳақиқатни аниқлайман», дебди. Даъвогар йўлга тушиши билан шоҳ унинг шеригига бир ҳикоятни айта бошлабди. Воқеанинг энг қизиқ жойига борганда шоҳ:

Зайниддин ВОСИФИЙ

— Даъвогар ўша дарахтнинг олдига етиб бордимикан? — деб савол ташлабди.

Ҳикоятни завқ билан тинглаётиб, гафлатда қолган ҳалиги киши бехосдан:

— У дарахт шаҳардан анча узокда, ҳали етиб бормаган бўлиши керак, — дебди.

Улуғбек Мирзо кулиб юборибди ва:

— Ахир сен: «Мен бу одамни ҳам, дарахтни ҳам кўрмаганман», демабмидинг, қандай қилиб дўстингнинг у ерга етиб бормаганини билдинг? Яхшиси, ёлгон гапирмай, омонатини эгасига топшир, — дебди.

У киши айбига иқроп бўлибди ва пулни эгасига қайтариб берибди.

Форс-тожик тилидан

Ҳ. ҲОМИДОВ  
таржимаси



# ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ



Озарбайжон совет тилшунос-лик фанининг асосчиларидан бири Холид Саид Хўжаевдир. Ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида номи тилга олинмаган ёхуд тилга олинганда ҳам шунчаки эслаб ўтилган бу ажойиб тилшунос 37-йилнинг қурбонларидандир.

Ўзбек миллатига мансуб бўлган Холид Саид ўз умрини озарбайжон тили, адабиёти, ёзма ёдгорликларини ўрганишга бағишлаган, номи Озарбайжон маданияти тарихидан мангу жой олган сиймодир. Дарҳақиқат, Холид Саид Хўжаев туркологияда Мирза Козимбойдан сўнгра энг мукамал қиёсий грамматиканинг яратувчиси, Озарбайжон тилшунослигида илк услубият дарслигининг муаллифларидан бири, шунингдек, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарининг жаҳондаги биринчи таржимони, олий ўқув юртларидаги кўпгина тилшунослик курсларининг асосчиси ва шу курсларга оид дарсликларнинг муаллифидир.

Х. С. Хўжаев 1888 йилда Тошкент шаҳри яқинидаги Қўшқўрғон қишлоғида туғилган. Илк таҳсилни қишлоқ мактабида олган Холид Саид кейинчалик Тошкентдаги мадрасада 6 йил ўқиди. У олий маълумотни Туркияда олди. 1917 йилда Истамбул дорилфунунининг тарих-филология факультетини тугатди.

1918 йилда Туркистонга қайтган Холид Саид Озарбайжонга сафар қилади. Бироқ йўл кесилиб қолганлиги туфайли Туркистонга қайта олмайди, вақтинча Озарбайжонда қолиб, Ганжа гимназиясида муаллимлик қила бошлади. Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейингина Х. Саид ўз она юрти — Тошкентга қайтиш имконига эга бўлди.

1920 йилда Тошкент шаҳрида илмий-педагогика фаолиятини давом эттирган Холид Саид 1922

йилгача дорилмуаллимин (олий педагогик мактаб)да мудир, муаллим вазибаларида ишлади. Лекин Тошкентнинг иқлими унинг саломатлигига ёмон таъсир қилганлиги боис у 1922 йилда тагин Бокуга қайтиб, ўз тақдирини бир умр Озарбайжон билан боғлади, ҳаётини озарбайжон тили ва маданиятини ўрганишга бағишлади...

1922 йилнинг октябридан педагогик фаолиятини қайта бошлаб юборган Х. Саид Озарбайжон маданий ҳаётида яқиндан иштирок этди. 1922—1926 йилларда у Волохони ишчи факультетида ва Ғусор педагогика техникумида муаллим, Бокудаги Самарқанд талабалари интернатида мудир вазибаларида ишлади.

1926—1934 йилларда Х. Саид Озарбайжон Олий педагогика институтини, Озарбайжон Давлат университетини, Озарбайжон Илмий-тадқиқот институтини, С. Оғамалиўгли номидаги Тупроқ техникумида ва Гидротехникумда озарбайжон тили ва адабиёти, араб, форс тилларидан даре берди. 1934 йилнинг сентябридан СССР Фанлар Академияси Озарбайжон филиалининг тилшунослик бўлимида В. Хулфлининг тавсияси билан биринчи даражада илмий ходим ҳисобланган Х. Саид то қамалгунича (1937 йил 3 июнь) шу бўлимда ишлади.

Х. Саид бир қанча илмий тадқиқотларнинг, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг, таржима асарларининг муаллифи сифатида Озарбайжон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин олган.

Бу асарлардан ҳозирда нодир нусхалари қўлимизда бўлган, «Усмонли, ўзбек, қозоқ тилларининг қиёсий морфологияси» (Боку, 1926, 110 бет), «Янги алифбо борасида эски хотира ва туйғуларим» (Боку, 1929, 147 бет), «Мухтасар услубият» (Боку, 1933—1934, икки марта нашр этилган, А. Тоғизода билан ҳамкорликда ёзилган), «Озарбайжон мактаблари учун рус тили» (Боку, 1934) каби дарслик ҳамда қўлланмаларини, шунингдек, чоп этирилган бадий таржималарини (А. Қодирий. «Ўтган кунлар», Боку, 1928—1929) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Х. Саид Биринчи Туркология қурултойини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этди. Қурултойга махсус таклиф қилинган Х. Саид ундаги музокараларда сўзга чиқди. Мазкур анжуман ташкилий комитетининг топшириғи билан у совет туркологиясида қиёсий грамматиканинг илк намунаси бўлмиш «Усмонли, ўзбек, қозоқ тилларининг қиёсий морфологияси» асарини ёзди. Шунинг ҳам назарда тутмоқ лозимки, ўша пайтда бундай бир асар ёзишнинг Х. Саидга топширилиши унинг гоят катта илмий мавқега эга бўлганлигидан дало-

лат беради. У мазкур асарида уч тил мисолида ҳозирги замон туркий тиллари қиёсий морфологиясининг асосий хусусиятларини ёритиб бера олган. Асарда озарбайжон тили материаллари ҳам катта ўрин тутди.

Х. Саид Озарбайжонда янги алифбога ўтиш борасида катта ишлар қилган олимлардан биридир. Янги Алифбо Комитети ташкил этган махсус комиссия (С. Оғамалиўгли, Ж. Маммадқулизода, В. Хулфли, Х. Саид) аъзоси сифатида у 1924 йил 7 сентябрдан 10 октябргача Қрим, Москва, Туркистон, Ўзбекистон ва Туркменистонда илмий сафарларда бўлди. Ушбу сафари ва Биринчи Туркология қурултойидаги иштирокининг натижаларини Х. Саид ўзининг «Янги алифбо борасида эски хотира ва туйғуларим» (Боку, 1929) асарида қаламга олган. Бу асар Озарбайжонда янги алифбо учун курашнинг асосий босқичлари, қийинчиликлари ҳақида бой маълумот берадиган қимматли асардир.

Холид Саид кўп йиллар мобайнида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида озарбайжон тилининг услуби ва грамматикасидан, қадимги туркий ёдгорликларидан даре берди. Унинг бу соҳадаги изланишлари «Мухтасар услубият» номли ўрта мактаб дарслигининг яратилишига сабаб бўлди. Дарсликда тилнинг услуб катгориялари ва воситалари, тиниш белгилари, ёзувнинг келиб чиқиши ва турлари ҳамда шу каби бошқа масалалар ҳақида илгари сурилган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўрни келганда, айтиб ўтиш керакки, Х. Саид 14 босма табоқдан иборат «Услубият назарияси» номли бир асар ҳам ёзган. Муаллифнинг ўзи 1935 йилда ёзишча, бу асар Озарбайжон Олий педагогика институтининг топшириғи билан яратилган ва ушбу институтда услубият курси мазкур асар асосида олиб борилган. 1936 йилнинг ўрталарида Х. Саид бу асарнинг нашрга тайёр бўлганлигини ёзган. Лекин кейинчалик бу асар изсиз-нишонсиз «йўқолган».

Х. Саид ҳеч қачон илмий мансаб, даража ордидан қувмаган, фан тараққиёти йўлида фидойиларча ранж чеккан сиймодир.

1935 йилнинг декабрида ажойиб турколог Б. Чўпонзода-нинг тавсияси билан Х. Саид диссертация ҳимоя қилмай туриб фан кандидати деган даражага ва доцентлик унвонига лойиқ деб топилган. Б. Чўпонзода ёзади: «...Х. С. Хўжаевнинг 14 илмий асари борки, улардан туркий тил синтаксисига доир охирги асарини алоҳида қайд этиш лозим. Бу асарда Х. Саид, Шарқ ва рус тилшунослигининг синтаксис назарияси соҳасидаги барча фикрларидан фойдаланган, туркий тил

синтактик қурилишига доир бой материал тўплаган.

Ушбу асар ҳақида муаллифнинг ўзи 1936 йилнинг ўрталарида бундай деб ёзган: «Ҳажми — 14 босма табоқ. Нашрга тайёр. Асар Халқ Маориф Комиссарлигининг топшириғи билан ёзилган. Бундай асарнинг озарбайжон тилида илк дафъа чиқиши. Асар Б. Чўпонзода томонидан таҳрир қилиниб, сўнг матбаага берилди». Лекин, минг афсуски, «Синтаксис» ҳам «Услубият назарияси» каби «йўқолиб қолди».

Х. Саиднинг рўёбга чиқмай қолган асарлари фақат шуларгина эмас. Унинг 12 босма табоқ ҳажмидаги «Туркий тилларнинг тарихий грамматикаси» асари ҳам бўлган. Бу тадқиқот Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и материаллари асосида умумтуркий тарихий грамматикасига бағишланган бўлиб, СССР Фанлар академияси Озарбайжон филиалининг махсус топшириғи билан ёзилган. Аммо бу нодир асар ҳам йўқолиб кетган.

Олим фақат тилшунослик билангина эмас, адабиётшунослик ва тарих фани билан ҳам шуғулланган, бу соҳаларда бир қанча қимматли асарлар ёзган. Х. Саид олий ўқув юртлари талабаларига, аспирантларга ўтган курслари асосида «Чигатой адабиётидан маърузалар» (5—6 босма табоқ), «Туркистон тарихининг қискача баёни» (5—7 босма табоқ), «Туркий адабиёт назарияси» (18—20 босма табоқ), «Эрон тиллари грамматикаси» (6—7 босма табоқ) ва бошқа дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари ёзган.

Х. Саид турк, ўзбек, озарбайжон, араб, форс, рус тилларини жуда яхши билган, Шунинг учун ҳам СССР Фанлар академияси Озарбайжон филиалининг махсус кўрсатмаси билан М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг таржимаси унга топширилган эди. 1936 йил 7 апрелда муаллиф 70—80 босма табоқ ҳажмида бўладиган бу луғатнинг биринчи жилди тайёр бўлганлиги, қолган жилдлар устида иш олиб бораётгани ҳақида маълумот беради. Худди шу йилда Академия «Асарлар»ида (31-том) Х. Саиднинг таржимачилик билан боғлиқ салмоқли бир мақола-си чоп этилади.

1937 йил 1 июнда Х. Саид Қабарда-Болқор Вилоят Комитетига — Кулуков номига ёзган хатига «Девон» ҳақида маълумот беради: «Мен бу асарнинг таржимасини 1935 йилнинг 1 сентябрида бошлаб, бу йилнинг (1937 йилнинг — А. Қ.) апрелида тугатдим. Ҳозир бу асарни нашрга тайёрлашман ва 1 июлга қадар уни Ленинградга, редакторлар — академик И. Крачковский ва проф. С. Маловнинг олдига таҳрир қилдиргани олиб бормоқчиман...» (Лекин Х. Саидга бу мак-

тубни жўнатиш насиб қилмади. Икки кундан сўнг уни ҳибсга олдилар. Унинг мазкур хати устига 9 июнда қўйилган қуйидаги қайд бор: «Хўжаев ҳибс этилганлиги учун мактуб жўнатилмасин ва шахсий ишига илова қилинсин»).

Х. Саид таржимасининг кейинги тақдири нима бўлди?

Бир маълумотга кўра, 1939 йилда «Девон» тўлиқ таржима қилинган ва шу йили С. Малов ҳамда А. Кононов томонидан таҳрир қилинган. Ҳатто нашрга ҳам берилган. Лекин 60-йилларда таржима устида янгидан тақомиллаштириш ишлари (А. Темирчизода, А. Жаъфар, Ж. Афандиев) олиб борилган (қаранг: СТ, 1973, № 1-; 4-бет).

Ушандан бери «Девон»нинг таржимаси ҳар замонда бир нуфузли «комиссиялар» томонидан йўқланган, «тақомиллаштиришлар» асносида таржимонлар рўйхати хийла фамилиялар илова қилина-қилина узайиб борган... Х. Саиднинг номи рўйхатда ҳамон сақланиб қолганига ҳайронсан киши...

Х. Саид қадим туркий ёзма ёдгорликларини (масалан, Урхун ёзувини) озарбайжон тилига изоҳли таржима қилган. Лекин бу асарнинг ҳам бахти чопмаган... Холид Саиднинг бадиий таржималари ҳам мавжуд. У ўзбек ёзувчиси А. Қодирийнинг «Утган кунлар» тарихий романини озарбайжон тилига таржима қилган ва 1928—29 йилларда уни икки китобда нашр эттирган.

Олимни 1937 йилнинг 3 июнида ҳибсга оладилар. Унинг ўша пайтда 12 ёшда бўлмиш ягона фарзанди Баҳижа хоним отасининг олиб кетилишини эндиликда шундай хотирлайди:

— Отам билан бирга унинг 1 чамадон қўлёмасини ҳам олиб кетдилар. Кейин билсак, уларни ёқиб юборибдилар. Отам ўша йилнинг 12 октябрида отилди. Эртаси кун эса онамни олиб кетдилар ва у неча йиллаб Сибирь сургунида минг бир азоб-азият чекди... Онам сургундан қайтиб келгунича, мени холам тарбия қилди...

Х. Саиднинг архив ҳужжатлари орасида шундай бир ҳужжат — унинг оқланганлиги ҳақида СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясининг 1957 йил 16 май қароридан кўчирма мавжуд...

\* \* \*

Ажойиб олимнинг ўлимидан роса 20 йил кейин унга суд оқлови берилган. Бироқ орадан 50 йил ўтган бўлса-да, ҳамон унга илмий оқлов берилгани йўқ. Ишонамизки, ҳозир унинг қўлимизда бўлган ягона қўлёмаси — Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и таржимаси нашр этилса, бу асар Холид Саид Хўжаевнинг озарбайжон тилшунослигига муносиб армуғони бўлган бўлур эди.

Озарбайжон тилидан  
Усмон ҚУЧҚОР таржимаси

Боку



Эргаш ЕНДОШ



## ҚАТЪИЯТ

Халқим буюк!  
Халқим буюк!  
Халқим мард, хотам!  
Фаҳрим буюк марду хотам экани билан!  
Беш-ўн нопок чиққан бўлса-чиққандир,  
зотан,  
Дарё суви булғанмас ит теккани билан.

## ЗУРАКИ ОИЛА

Бири: «Вов!», дер,  
Бири: «Вав!» дер...  
Хулласи,  
Куни бўйи икковлон «куч» синашар.  
Кечин, ночор, қуриб тинка-силласи,  
Икки душман бир тўшакда тунашар.

Тонгдан тағин шудир икков «хислати»,  
Бир кун йўқки, бирин кўнглин  
хушласин...  
Бунақанги «ит-мушук»лик қисмати  
Ит-мушуклар бошига ҳам тушмасин.



## ШУКРОНА

Рус!  
Юртидек кўнгли кенг рус,  
Шеърларинг қанчалар соз!  
Менинг Пушкин бобомдир, ўз,  
Менга Есенин устоз!  
Дуч келдим мен бугун тағин  
Шундекларнинг бирига.  
У — Николай Рубцов, бағрин —  
Жойлаб кетган шеърига...  
У билан мен мулоқотда  
Яна бир тонг оттирдим.  
Рус!  
Тилингни билмоқ бахт-да!  
О, қанча завқ ортттирдим!

\* \* \*

Вафодорга қилмасдан парво,  
Бевафога бағишлаб газал,  
Фироқида бўлмоқлик адо  
Шоирларга қисматмиш азал.

\* \* \*

Юрагимга сиғинаман,  
Тилагимни беради у.  
Мени таъна-танбеҳлардан  
Омон олиб юради у.

Ўртансам у ўртангувчим,  
Ўртангувчим йўқдир ўзга.  
Ҳукми танҳо ўтар бурчим,  
Ўтар бурчим йўқдир ўзга.

Амрин доим аъло ўтаб,  
Ўкинмадим шу кунгача.  
Ғов дуч келса, ўтдим ҳатлаб,  
Чекинмадим шу кунгача.

Фармонларин айлаб адо,  
Толе ёрдир мудом менга.  
Агар битта бўлса худо  
Шу юрагим худо менга.

\* \* \*

Ҳақни ёқлаш бурчингми,  
Ҳақ йўлга соч кучингни!  
Айбинг айтсам бетингга,  
Олма мендан ўчингни!

Хос бўл олий матлабга,  
Саховатда бўл донгдор!  
Жазо берсанг ҳақ гапга,  
Иртқичдан не фарқинг бор?!

## ОҒМАЧИ

«Ҳақ гапни айтолмадик,  
Етмади жасорат», дер.  
Қалтираб, чекиб ҳадик,  
«Бу бизга асорат», дер.

Марҳумдир чайнагани,  
Билар у қайтмас, лекин,  
Сен ўтсанг, шу гапларни  
Шаънингга айтмасмикин?!

## НИДО

Шеърят!  
Сири эртак!

Йўқдан йўғриладиган,  
Уртаб туғиладиган,  
Жон,  
Қон,  
Имон қоришган,  
Кўрган кўнгли ёришган,  
Йўли оқ,  
Умри бақо  
Мўъжизасан бебаҳо,  
Шеърят!

Кимга қўл етмас юлдуз,  
Ким учун тубсиз денгиз,  
Кимга ҳаёлий қизсан,  
Кимга ёт,  
Кимга ўзсан,  
Сенга шайдолардан ҳам  
Борми беором одам,  
Шеърят?!

Суйганим,  
Суянганим,  
Куйида куйманганим,  
Дилда меҳринг гупириб,  
Минг туриб,  
Минг ўлтириб,  
Излаб топиб ўзингни,  
Асл, жонбахш сўзингни  
Эшитолсам бирор он,  
Ўтар эдим беармон,  
Шеърят!

## ТИЛАК

Дунё — она,  
Тун — тўлғоқ,  
Тонг — туғилажак зурёд,  
Кун — келажак.  
Нурли бўлсин шу келажак,  
Дунё!

Наманган



# ПРОФЕССОР

Телефон устма-уст жиринглади. Дастагини кўтардим. Кимдир профессор Уктам Каримовнани телефонга чақиришни илтимос қилди. Чақиргани хонадан чиқди. Ваҳобова беморларни кўргани кетаётган экан. Етиб бориб, телефонга чақиришаётганини айтдим. Эътибор бермай палаталар томон юрди. Мен эшитмадим, деган хаёлда яна такрорладим:

— Сизни телефонга сўрашяпти, Уктам Каримовна, — дедим ва қўшиб қўйдим. — Муҳим иш билан...

— Инсон ҳаётдан муҳим нима бор экан? Кечирасиз, битта беморим оғирлашиб қолибди. Ҳозир менга унинг ҳаёти — муҳим, шунга шошиляпман...

Ноқулай аҳволда қолиб, узр сўрадим. Бироқ хижолатпазлигимни кўтариб юбориш мақсадида унга эргашиб, мен ҳам бемор олдига кирдим. Уктам Каримовна беҳуш ётган беморни кўздан кечирди, томир уришларини ушлаб кўрди, юрагига қулоқ солди. Дарҳол ўз назоратида тез ёрдам кўрсатди, муолажа тайин этди. Мен пайтдан фойдаланиб, беморнинг касаллик варақасига кўз югуртирдим: Владимир Николаевич Крилосов — 50 ёшда. Фрунзе шаҳридан. Касби — пайвандчи. Келганига икки-уч кун бўлибди, яъни 26 сентябрь куни ётқизилган экан.

— Уткир миокард инфаркти касаллигига йўлиққан... — деди профессор касаллик варақасига кўз ташлар экан, ҳорғин нафас олиб. — Нимагадир бу касаллик кейинги вақтда кўпайиб борапти. Бу руҳий тушқунлик ва асабийликнинг кучайганлигидан далолатдир. Одамларимизни эҳтиёт қилдолмаяпмиз чоғи...

Бу воқеа ўтган йили кузда рўй берган эди. Бемор оёққа туриб кетди. Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллигини уйда кўтиб олди...

Самарқанд Давлат медицина институти клиникасига мана шунга ўхшаш оғир аҳволда келиб, ички касалликлар кафедраси мудир профессор Ваҳобова қўлида шифо топиб кетган беморлар кўп. Бинобарин, ҳаёти қайтарилган, шу кунларда ҳам даволанаётган, уткир миокард инфаркти дардига чалинган беморлардан бири — самарқандлик 64 яшар Абдувоҳид Натаев миннатдорона кўзига ёш олиб деди:

— Қўли дард кўрмасин, умридан барака топсин, профессор Уктамхон менинг ҳаётимни қайтариб берди. Қани энди ҳамма врачлар ҳам у кишига ўхшаган камтар, меҳрибон, қўли енгил, ўз касбининг моҳир устаси бўлса...

Ҳа, профессор Ваҳобовани фақат шифо топган ёки топаётган беморларгина эмас, балки мазкур даргоҳда таҳсил кўраётган талабалар ҳам, аспирантлар ҳам, бирга ишлашаётган касбдошлари ҳам астойдил ҳурмат қилишади. У бундай иззат-икромга ўзининг машаққатли изланишлари, билимини тинимсиз ошириш йўлидаги уринишлари, ташкилотчилиги, одамларга меҳрибонлиги ва куйинчаклиги туфайли эришди. Мен у кишининг босиб ўтган йўлига назар ташлаб, ҳавасим келди.

...Уктам Каримовна мамлакатда шахсга сиғиниш даври энди илдиз ота бошлаган давр — 1928 йилда Фарғонада кўз очди. Унинг болалиги 1930-32 йиллардаги мудҳиш ялли очарчиликка, 1937-38 йиллардаги даҳшатли қирғин кечган йилларга тўғри келди. Мурғак қизча Уктамой ҳам эл бошига тушган мусибат ичида улғайди, халқ чеккан азобларга шерик бўлди. Бу уқубатлар етмагандек, 1941 йили Улуғ Ватан уруши бошланди. Кўп қатори ёшгина қизча Уктамой ҳам урушнинг даҳшатли кўланкасига бардош берди, қийинчиликларга қарамай, ўқишга ирода топа билди. Ўқиди. Урушнинг бутун халққа етказган оғир руҳий жароҳати, тинкани аёвсиз сўрувчи очлик, машаққатли меҳнат аксарият оммани дардманд қилиб қўйди. Дардманд халқ ичида улғайган Уктамойда врач бўлишдек, одамларга шифо беришдек эзгу истак туғилди. Истак орзуга, орзу ҳаёт йўлига айланди. У ўрта мактабни битириб, Самарқанд Давлат медицина институтига кирди. Бутун кучини билим олишга бағишлади. 1950 йили институтни у аъло баҳолар билан тугатди. Уни институт клиникасида олиб қолишди. 1953 йилгача у ерда ординатор бўлиб ишлади. Кейин аспирантурага кириб, 1956 йилга довуз билимини чуқурлаштирди, тадқиқотлар олиб борди. 1957 йил олиб борган изланишлари ва тадқиқотларини яқунлаб, кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Ёш олима ўзининг тиришқоклиги туфайли 1959 йилда ички касалликлар кафедрасининг доценти даражасига кўтарилди. У беморларни даволаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш билан қаноатланиб қолмай, шу давр ичида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ҳам намойиш этди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Шунинг учун ҳам Уктам Каримовна 1958 йил СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Депутат сифатида у кўпгина сайловчилар нақазини — талаб ва топшириқларини амалга оширди. Тириш-



қоқ, ташкилотчи олима 1961 йилдан СамДМИнинг ўқув ишлари бўйича проректори вазифасида ишлаб, ўқув жараёнининг яхшилланишига муносиб ҳиссасини қўшди.

1962 йил март ойида у иккинчи мартаба СССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

1966 йилдан 1981 йилгача институтни бошқарди — раҳбарлик фаолиятига ҳам кўп кучини сарфлади. Институтни бошқариш, яъни ректорлик лавозимида ишлаш қанчалик қийин бўлмагин, муолажа, илмий тадқиқот ишларига ҳам вақт ажрата билди, юракнинг ишемик касаллиги бўйича тадқиқот олиб борди. 1973 йили Уктам Каримовна «Юракнинг ишемик касаллиги тўғрисида» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Агар олимнинг шогирдлари, унинг ишини давом эттирувчилари бўлмас экан, ундай олимнинг яратган янгилиги узоққа бормади, ўзи билан бирга кетади. Ундай ҳунар, яратилган янгилик кимга керак? Улуғ мутафаккир Навоий бежиз айтмаган:

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,  
Олиб тупроққа кетгумдир охир.

Профессор Ваҳобованин шогирдлар етиштириш соҳасидаги хизматлари ҳам ибратлидир. У ҳозиргача Ҳ. Б. Сулаймонов, Ф. М. Мардонов, А. А. Асриев сингари таланти ёшлардан олгита фан кандидати, битта фан доктори етиштирди. Унинг шогирдларидан шу кунларда яна бири фан

доктори ва тўрттаси фан кандидати диссертацияларини ёқлаш арафасида туришибди. Яқинда сайлов йўли билан институт ректори бўлган Нуриддин Мирзаевич Камолов ҳам узоқ йил Ваҳобова билан ҳамкорликда ишлаган, унинг ташкилотчилик соҳасидаги шогирдларидандир.

Шунингдек, профессорлар Худоёр Аминов ҳамда Қудрат Асқаров ҳам ташкилий ишлар бўйича опа таълимни олганлардан.

Оилада эса у — меҳрибон она, оилапарвар аёл. Уч фарзанднинг онаси: икки қиз, бир ўғли бор. Фарзандлари ҳам она изидан боришяпти. Бир қизи медицина фанлари доктори, ўғли Давлат эса медицина фанлари кандидати бўлиш арафасида.

Октябрь ойида медицина фанлари доктори, СамДМИ ички касалликлар кафедраси мудир, профессор Уктам Каримовна Ваҳобова 60 ёшга тўлди. Опанинг куч-қувватга тўлган, фаолияти айни гуллаган пайт. Унинг йўлини ҳар куни ўнлаб беморлар нажот истаб пойласалар, юзлаб талабалару шогирдлари бой тажриба ҳамда билим чашмасидан чанқоқларини босишга иштиёқманд кутадилар. Мен бунинг опа эришган энг катта бахт деб билман. Зеро, одамларга керак бўлишдан, йўлларини пойлашдан кўра ҳам юксакроқ бахт борми? Бу бахт ҳали узоқ йиллар профессор Ваҳобовага ҳамроҳ бўлсин.

Баҳром АБДУРАҲМОНОВ,  
медицина фанлари кандидати





# ҚОРАКАМАР СИРЛАРИ

Биз ўтган йилнинг кузида Сурхондарё область Улқашунослик музейи ходимлари билан областнинг жануби-ғарбий чеккасидаги, яъни Калиф-Шеробод тизмасидаги Қоракамар ғорини текширдик.

Бунгача Қоракамар фанга кам маълум эди. Фақат 1875 йилда уни Урта Осиё бўйича таниқли тадқиқотчи Н. А. Маев текширган. Урушдан аввал эса археолог Г. В. Паффенов у ерда қазилма ишлари олиб борган эди.

Кейинги маълумотларга асосланиб, энди биз Қоракамар сирларини бемалол айта оламиз. Ғор деворларида ва унинг юза қисмларида одамлар ва ҳайвонлар кафтларининг ҳамда шамшир ва муҳрларнинг излари, шунингдек, XII—XX ва XVI асрларга оид араб ёзувларининг қисқа-қисқа намуналари бор.

Биз яқинда ўша жойда мазкур иншоотларнинг дастлабки функциялари ҳақида тушунча берадиган янада қадимийроқ ёзувларни ҳам топдик. Бу ерда бўлганларнинг исм-шарифлари бақтрия ёзувида ифодаланган эди. Шунлардан бири қадимги Бақтрия худоси Оқшонинг номидир. Мана шунинг ўзиёқ мазкур иншоотлар туркумининг жуда ҳам қадимийлигидан далолат беради. Чунки бақтрия ёзуви Кушонлар подшоҳи Канишка (мелодий II асрнинг биринчи ярми)нинг даврида қўлланила бошлаган.

Шуниси яна муҳимки, биз бақтрия ёзувлари ёнида кичик бир шрифтли юнон ва олти шрифтли лотин ёзувларига ҳам дуч келдик. Биринчи ёзув топилган ўрин биз учун кутилмаган жой эмас эди. Бу территория эрамизгача


III—II асрларда юнон-бақтрия подшолиги таркибига кирган. Афғидан, вақтлар ўтиши билан юнон алфавити бақтрия ёзувига асос бўлган. Шунини қайд қилиш керакки, Қоракамардаги ёзув Урта Осиё территориясида илк бор топилган ва деворга ўйиб ёзилган биринчи юнон ёзувидир.

Бу ердан лотин ёзувининг топилиши фан учун чиндан ҳам шовшувга сабаб бўладиган воқеадир. Тарихдан маълумки, Бақтрия ҳеч қачон Рим давлати таркибига кирмаган. 1947 йилда Каспий денгизи қирғоғидан, яъни Воку атрофидан топилган мазкур шарқий лотин ёзуви император Домициан (мелодий 81-96 йил) даврида 12 зарбдор аскарый қисмининг центриони Луций Юлий Максим томонидан қолдирилган, деб ҳисоблаб келинарди.

Қоракамардан топилган ёзувлар мутахассислар томонидан ўрганилаёпти. Лекин ҳозирдаёқ унда рим аскарый қисмларининг бошлиқларидан (легион) бири-

нинг исми деб тахмин қилинаётган Гай Рекс номи аниқланди.

Энди: «Рим аскарый қисмининг бошлиғи Бақтрияга қандай қилиб келиб қолган?» деган са-



Қадимги Бақтриядан топилган лотин ёзуви.

вол туғилади. Бунга бир неча тартибда жавоб қилиш мумкин. Маълумки, Кушонлар давлати умумий душман парфиялиларга қарши курашиш учун Рим давлати билан бирлашиб, у билан яқин алоқада бўлган. Эҳтимол, Гай Рекс ўша вақтда савдо вакиллари ёки дипломатлар составида Бақтрия давлатига таширф буюрган бўлиши мумкин. Бундан кўра ҳам бошқа тахмин ҳақиқатга, эҳтимол, яқинроқдир. Римликларнинг парфиялилар билан бўлган кўп мартали урушларида Рим аскарый қисмлари бошлиқларининг баъзилари парфиялиларга асир тушганлар. Маълумки, Марк Крас мағлубиятга учраганидан кейин ҳозирги Туркменистон территориясидаги Марвда уларнинг кўпгина асирлари ўтроқлашган. Эҳтимол, Марвда қолган Рим ҳарбий бошлиғи кейинчалик Бақтрияга кўчиб ўтгандир.

Рим ёзувлари топилган бошқа маълумотлар билан биргаликда Қоракамар ғоридаги иншоотларни изоҳлаш имкониятини беради. Бу ерда тураржойлар эмас, балки ибодатхоналар мавжуд.

Албатта, ғордан топилган ёзувларни шарҳлаш учун ҳали анча мунча ишлар қилиш лозим. Лекин ҳозирданоқ айтиш мумкинки, Қоракамар—Урта Осиё территориясидаги энг ғаройиб ёдгорликлардан.

Э. РТВЕЛАДЗЕ,  
Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг сектор мудир

Сурхондарё



ЎзССР Археология институти кимёгар-таъмирчилари — Ш. Отабоев ва Ж. Сукасян иш устида.



Қадимий Поп шаҳри ўрnidан янги топилмалар қазиб олинди.

А. Ковтун фотолари (ЎзТАГ)

# БОҚИЙ ОҲАНГЛАР



Дунёдаги барча халқлар каби қозоқлар ҳам азал-азалдан сўз ва куйни бениҳоят қадрлаб келишган. Сўзга чечан бўлиб, айтишувни ёқтиришган, куй ва қўшиқни жонларидан ҳам ортиқ кўришган. Шу тенгсиз хислатларни ҳанузгача авлоддан-авлодга ўтказиб келмоқдалар.

Бу анъана томдилик қозоқлар руҳида ҳам узоқ йиллар давомида яшамоқда. Қизилқум барханлари ва кенгликларидида истиқомат қилаётган бу халқ орасида эл ҳурматини қозонишдек бахтга муяссар бўлган истеъодлар анчадир. Уларнинг оқин, жирав, куйчилари қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек халқ вакиллари орасида тез-тез бўлишиб, ажойиб санъатларини намойиш этганлар. Ҳамиша ҳурмат билан тилга олинган халқ бастакорларидан бири Жаманқора Сугирбой ўғлидир.

У 1886 йили камбағал чўпон оиласида туғилади. Олти ойлигида онадан, уч ёшлигида эса отадан етим қолади. Бойлар қўйини боқиб, турмушларини зўрга ўтказётган оила барбод бўлади. Аммо Жаманқорани амакиси Ингирбой тарбиясига олади. Ингирбой санъатга меҳрини қўйган, таниқли дўмбирачи, моҳир жирав эди. Зеҳни ўткир бола амакисидан дўмбира чертишни, мусиқа пардаларининг сир-асрорларини кунт билан ўргана бошлайди. Болалигидаёқ созанда, дўмбирачи сифатида танилади.

Айтишларича, бир овул тўйида танилган икки санъаткор: бирови жирав, иккинчиси қўбизчи учрашиб, баҳс юритишибди. Улар сафига дўмбира ушлаган ўспирин ҳам қўшилади. Куй ва айтишувлар азонгача давом этибди. Эрталаб қарасалар, жирав ва дўмбира чертаётган бола олдида тумонат одам йиғилиб қолибди. Солимни голибга бериш учун ҳисоблаб чиқсалар, икковида ҳам одамлар сони баробар экан. Шундан сўнг, тўйчи атаган тўёнасини икковига тенг бўлиб берганмиш. Шу дўмбирачи эндигина 13 ёшга кирган Жаманқора эди.

Жаманқора амакисидан ўрганган куйларни ижро этибгина қолмай, унинг оҳанглари қайта ишлайди. Ўзича янги куйлар ихтиро қилиб, уларга юрак тафтини инъом эта бошлайди. Натижада унинг номи ва санъати овулдан овулга, элдан элга ўта бошлайди. Тўй-томошалар, сайилларда бутун маҳоратини кўрсатиб, одамлар хизматини бажо келтириб юради. Унинг куйларини халқ севиб, беихтиёр: «Жаманқора куйчининг оҳанги», дейдилар...

Эл ўз дилидан ўрин берган санъаткорни ҳурмат билан тилга олади. Унинг ҳунарини қадрлашади. У ҳақда ривоят, ажойиб ҳикоялар ўша кезлардаёқ юзага келганди. «Жаманқора куйчи» деб номланган ушбу ҳикоятни биз «Халқ хотирасидан» (Олмаота, «Жазушы» нашриёти, 1985 йил) китобидан олдик:

«Бир куни номдор бир бой Жаманқора куйчини чақириб олади.

— Эй куйчи, — дейди у, — менинг кичик хотинимни куйинг билан эритиб, ишидан адаштирсанг, остингга от бериб, қўлингга туя етаклатиб юбораман, агар шу шартни бажаролмасанг, сен дўмбира чалишни қўясан.

— Маъқул, — дебди куйчи. Куйчининг маҳорати у кезлари юксак бўлган экан.

— Бўлмаса, ҳозир у уйга келиб хамир қоради. Шу пайтда сен куйингни бошлайсан...

Шундай қилиб, келинчак хамирни қоришга киришганда куй янграб кетибди. Берилиб кетган куйчи қанча дўмбира чалганини билмайди, келинчакнинг қўли товоқдан чиқиб кетиб, ер муштраб ўтирганини пайқайди. У бойга қараса, қош-қовоғини уйиб, ерга қараб ўтирган экан. Куйчи куй чалишни шартта тўхтатади-да:

— Бой ака, қани энди шартингизни бажаринг, — дебди.

Уялиб кетган бой шартни бажариш учун ўрнидан туриб, дала томон йўл олган экан...»

Ана шундай куйчининг номи ҳам, санъати ҳам изсиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Не бахтки, куйчининг шогирдлари ва фарзанди унинг куйларини ардоқлаб, халқ мулкига айлантиришади. Аслида арзимасдай кўринса-да, бунга бир воқеа сабаб бўлади.

— Олмаотада ўқиб юрган кезларим эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1962 йили, — дея ҳикоя қилади халқ бастакори Жаманқораниннг ўғли Совет оға. — Марҳум академик композитор Аҳмад Жубанов билан танишиб қолувдим... Мен у кишига дўмбирада бир-иккита куй чалиб бердим. Шунда композитор мен ижро этаётган куйларга қизиқиб қолиб, бу оҳанг ўзига хос, уни яратган истеъдод эгаси бениҳоят иқтидорли бастакор эканлигини қайта-қайта такрорлаб, куйларни нотага тушира бошлади. Шу тариха десангиз, ҳеч ким ўйламаган ҳолда, отамнинг ўттиздан зиёд куйлари ёзиб олинди...

Совет оға ҳам ёшлигидаёқ санъатга қизиқади. У дўмбира чалишни маромига етказган отасининг муносиб шогирдларидан таъ-

лим олади, улардан айрим куйларни ўрганиб олади. Жилмаган Жабқораев, Хўжалик Жасибаев, Абдишукур Қурбонов сингари созандалар Жаманқораниннг асл шогирдлари эдилар. Улар ва уларнинг издошларига эргашиб, шоир ҳам ота яратган кўпгина куйларни қувваи ҳофизасида сақлаб қолганди.

«Отам 1953 йили 67 ёшда қайтиш қилди, — дейди Совет оға. — У киши анча зеҳли, инсонпарвар киши эди. Инқилобни севиб билан қарши олганлар. Томдидан биринчилар қаторида 1925 йили большевиклар сафига киради. Совет тузумига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатиданми, 1929 йили мен туғилганимда, номимни Совет, деб қўйганлари бежиз эмас... Отам 1928—30 йилларда район милицияси бошлиғи бўлиб ишлайди; сўнг, уч овулдаги «Қизил ғайрат», «Бўздўн», «Исполком» номли артеллар бирлаштирилиб, янги «Қизил ғайрат» колхозни ташкил этилади. Шунинг биринчи раислигига отам сайланади.

Жаманқора Сугирбой ўғли халқ дилига йўл топиб, янги тузумнинг истиқболлари ҳақида ташвиқот юргизади. Одамлар кўнглига меҳр, ором бергучи кадрдон дўмбирачини сира қўлидан туширмай хизмат қилади. 1936—40 йилларда Томдида ташкил этилган халқ театрида қатнашади. Унинг бастакори ва дўмбирачиси бўлиб, санъатини намойиш этади. Чўл халқининг ички туйғуларини, уларнинг ўй-орзу ва мақсадларини ҳаётбахш руҳда чуқур талқин қилади. У яратган мусиқа оҳанглари жонли, миллий, ўзига хос, бетакрор. Бу эса Жаманқора куйчи истеъдодининг мужассамидир. Тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб юрган унинг ўлмас оҳанглари бугунги кунда қозоқ радиоси ва телевидениеси орқали янграмоқда. Булар: «Қаршитов», «Овутқима», «Серпер», «Жаманқора», «Илме», «Қизилқиз», «Қистовбой», «Мақбал», «Най», «Ойимча»... Айни боқий оҳанглар қозоқ халқ мусиқа санъатининг нодир намуналарига айланиб улгурди, деб айтиш мумкин. Жаманқора Сугирбой ўғлининг номи эса қозоқ миллий композиторларининг сафиди ҳурмат билан тилга олинмоқда. Унинг фарзанди Совет Жаманқораев — шоир, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. У Томдида яшаб ижод этмоқда.

Олим ФАЙЗИЕВ,  
Раҳим ҚОДИРОВ

Навоий

## Ёш математик

Ботуми шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Мариус Кутателадзе эндигина ўн бир ёшга кирди...

У икки ёшидаёқ саводини чиқарди, уч ёшида эса, қўшни ўқувчи болаларни арифметик ҳисоб-китобларни ҳал эта олиши билан ҳайратга солди. Илк бор мактабга қаддам қўяр экан, уни — олти яшар болани бир йўла иккинчи синфга қабул қилишди. Бироқ у шу йилнинг ўзидаёқ олтинчи синф программасини мустақил ўлаштирди.

Мариус рибейтдаги фавкуллода истеъдоди билан Ботумида келган олимлар эътиборини ўзига жалб этди. Ленинградлик олимлар уни Ленинград университетининг профессорлари Петер Лоренс «Цилиндрик ёй қаршидиги» мавзусини ишлаб чиқишни Мариусга топшириқ қилиб берди. Ана шу мавзуда доклад қилган болакай амалий математика сектори бўйича ёш олимлар жамияти аъзолигига қабул қилинди.

— Бундан кейин Таллинда ўқишни давом эттирмаган, эстон тилини ўргана бошла-

дим, инглиз тилига ҳам қизиқаман. Лекин ҳамма нарсадан кўра лой ўйнаш ва велосипедда юришни яхши кўраман, — дейди Мариус.

## Баҳоси 147 минг сўм

Амур областидаги Ленин номидаги колхоз ерларида иш олиб бораётган механизатор Н. Василенко кутилмаганда тилла қуймаси топиб олди. У топишгани маҳаллий банкка топширди, хазина у ердан қўриқчилар назорати остида Москвага жўнатилди. Бу ерда топила ўта синчковлик билан ўрганиб чиқилди: дастлаб оғирли-

ги — 12 килою 447,4 грамм, кейин унинг софлиги аниқланди — олий даражадаги 859-проба.

Тилла қуймасининг ҳақиқий баҳоси қанча туради? Чунки, бундай олий нав тилла ҳозирги пайтда умуман мавжуд эмасди-да. Маълумки, соф тилланиннг давлат томонидан сотиб олинган нархи бир граммга 55 сўм қилиб белгиланган. Ҳисоб-китобдан сўнг тилла қуйманинг ҳақиқий баҳоси 588 минг сўм бўлди.

Яқин орада, тегишда ҳужжатлар ҳозирлангач, Белогорск шаҳар молия бўлимига хазина миқдори белгиланган пулнинг ҳаммаси ўтказилади. Қонунга биноан маблағнинг тўртдан бир қисми, яъни 147 минг сўм Н. Василенкога берилади.



Озиқ-овқат  
программаси —  
амалда



Бўстонлик райондаги боғдорчиликка ихтисослашган «Хўжакент» совхозида асаларчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Сурагда: совхоз ишчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Нишонбой Абдуллаев.

Ари боқуви шундай йўлга қўйилган.



Н. Муҳаммаджонов фотолари

Толиб ИУЛДОШ

ОТА-БОЛА  
СУХБАТИ

Ҳар галгидай қизиб кетар  
Ота-бола суҳбатлари:  
— Ота, нега «Одобли бўл!» —  
Дейишади ёшу қари?  
Одоб ўзи нима, айтинг,  
Қандай бўлар? — дейди Ҳаким.  
— Ақл билан иш тутса бас,  
Билиб олар уни ҳар ким.  
— Туси қандай, жони борми,  
Турар ери бирор жойда?  
— Сен истасанг доим бирга,  
Етар-тунар, нону чойда.  
Унинг билан дўстлашмак ҳам,  
Ҳа, аввали сенга боғлиқ.  
Ҳозирданоқ меҳнатсевар —  
Яхши бола бўл нечоғлиқ!  
— Яхши бола?  
— Шундай ўғлим,  
Одоб ўзи яхшиликдан.  
Ким одобли бўлиб ўсса,  
Тарбияси шу ёшлиқдан.  
Одоблилар бир кўришда  
Саломидан билинади.

Одобсизнинг тили қотиб,  
Ўз-ўзидан илинади.  
Одоблини ҳамма бирдек,  
Ҳавас қилар севиб, қучиб.  
Бир хизматга буюрсалар,  
Ҳеч йўқ демай борар учиб.  
Одоблилар ўқишдан сўнг,  
Уй ишига қарашади.  
Юришлари бир озода,  
Қилган иши ярашади.  
Катталарни ҳурматлаш ҳам,  
Одоблилар иши, ўғлим.  
Шундай бўлгин, нурга тўлсин,  
Десаи сен ҳам ҳаёт йўлим.  
Одоб сўзин нималигин  
Билиб олар шундан Ҳаким.  
Ҳакимни ҳам жони-дилдан  
Орзулайди энди ҳар ким.



АННА ГЕРМАН  
ХОТИРАСИГА

Миллиард юлдузга она коинот,  
Қучоғида умид юлдузи сўнди.  
Муסיқа боғини қилгувчи обод,  
Биллурий овознинг жаранги

тинди.  
Энди коинотда жамики юлдуз,  
Айлансалар умид юлдузларига,  
Умид учқунини солалмас ёлғиз,  
Умид юлдузининг мухлисларига.

Энди дунёдаги жамики булбул,  
Қуйласин, зеб бериб хонишларига.  
Фақатгина таскин бермоғи мушкул,  
Биллурий овознинг мухлисларига.

Яхшиларга ёндашганим дам,  
Еришади дунёнинг тонги.  
Емонларни ҳатто эсласам,  
Еруғ дунё бўлар қоронғи.

Туғилганди бундан бир маъно,  
У вақт ўтиб шундай улғайди:  
Яхшилардан бошланиб дунё,  
Емонларга етиб тугайди.

Асрор МҶМИНОВ

ТҶРТЛИК


Қум мироб бўлганда, Ер юзи буткул  
Аллақачон сахро бўларди бешак.  
Тош ишқни асрашга бўлганда масъул,  
Дунёда қоларди кесак ва эшак.



Қисмат ўқи тегар экан бесадо,  
Пинҳон пайдо бўлди юрганга синиқ.  
Ез қунида чакмоқ чакнади гўё,  
Бизнинг ўртамизга тушди айрилиқ.

Севинч қушларимнинг синди қаноти,  
Кўчамда айрилиқ ҳукмдор бугун.  
Кўз олдимда шодон кунларнинг ёди,  
Остонамдан кириб, чиқяпман нигун.

Қалбимни эмасин зилдай аламлар,  
Келажак ҳақида ўй сурмай нега?  
Қалбимда севи бор, наҳот, одамлар  
Севи бирор кучга эмасдир эга!?



# МАНГУ ОЛОВ ЁНИДА

Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғида бўлган киши «Халқ хотираси» ёдгорлиги олдида, «Мангу олов» ёнида беихтиёр бир зум тўхтайтиди. Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилган учун жон фидо қилганлар, Улуғ Ватан уруши йиллари фашист босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштиришга бағишланган бу композицияли ёдгорликка нигоҳ ташлар экансиз, ўртада салобат билан тик турган онани кўрасиз. Она ҳайкали ёнида қўлида ҳасса ушлаган нуроний отахон ҳам турибди. Бир ёнида эса жангчи солдат ва ёш келинчақ, бола...

«Эй йўловчи, бир нафас тўхта. Ўтмишни унутма. Одам азиз, унинг хотираси эса ундан ҳам азиз. Уларнинг руҳини ёд этиб, бир лаҳза сукут сақла!»

...1919 йил 8 июнда фронт бошлиғи номидан Ишчи-Дехқон ва Қизил Армия депутатлари Мирзачўл ижроия комитети адресига қуйидаги мазмунда телеграмма етиб келди... Каҳко станциясини душмандан озод қилиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Первомайский посёлкасининг граждани Владимир Морозов ва Покровский посёлкасининг граждани Георгий Гималеевнинг жасадлари сизларга жўнатилмоқда. Уларни дафн этишга ҳозирлик кўришларингизни сўраймиз...

Телеграмма қўлга тегиши биланоқ Ишчи-Дехқон ва Қизил Армия депутатлари Мирзачўл ижроия комитетининг фавқулодда мажлиси чақирилиб, бу масала кўриб чиқилди. Мажлис ўша — 8 июль куни шундай қарор қабул қилди:

«Каҳко станциясини душманлардан озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Владимир Морозов ва Георгий Гималеевларнинг жасадлари марҳумларнинг яқин қариндошлари розилигига кўра Мирзачўл посёлкасининг энг кўринарли жойига қўйилсин ва махсус ёдгорлик ўрнатилсин».

Ана шу қарорга биноан қаҳрамонлар жасади Мирзачўлнинг темир йўл вокзалига яқин жойдаги кичик хиёбонга қўйилади ва ўша жой «Қардошлик қабри» деб аталади.

\* \* \*

Ўттизинчи йиллар. Мураккаб ва оғир кунларда ўзбек хотин-қизларининг озодлик ҳаракати — «Хужум» компанияси бошланган кезларда Умри Содиқова биринчилардан бўлиб паранжисини ўтга улоқтирди. Асрлар бўйи хотин-қизларимизнинг юзларини заъфарон қилган бу эскилик сарқити бир умрга ёндирилди!

Умри биринчи бўлиб Ленин комсомоли сафига кирган эди. Лекин бу оловқалб аёл ёш Совет ҳокимиятининг, адолатли тузумнинг ашаддий душманлари томонидан ваҳшиёна ўлдирилди.

Умри Содиқованинг жасади ҳам шу — «Қардошлик қабри»га қўйилди. 1975 йилда бу ёдгорлик шаҳарнинг энг кўркем ва гўзал маскани бўлган дам олиш ва истироҳат боғига яқин ерга кўчирилди.

Гулистон шаҳрининг бугунги жамоли ва ҳусн-тароватида шу инсонларнинг буюк хизмати борлигини қалбдан ҳис этамиз... 1869 йилда бу шаҳар ўрнида аҳолиси қирқ оналдан иборат Аччиққудуқ деган қишлоқ бўлган экан.

1917 йилнинг 26 ноябрь куни вокзал олди майдонида Мирзачўлда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги тўғрисида хушxabар эълон қилинди. 1919 йилнинг декабрь ойида бу ерда комсомол ячейкаси тузилди. Г. Муратбоев, С. А. Шчербаков бу ячейканинг биринчи раҳбарлари бўлдилар.

1924 йил январь ойининг 21 кунинда В. И. Ленин вафоти муносабати билан Мирзачўлда кўп минг кишилик митинг бўлди. Митинг қатнашчилари доҳийнинг васиятига содиқ қолишга қасамёд қилдилар. Улар орасида Муҳаммади Тўйчибоев деган йигирма етти ёшли навқирон ўзбек йигити ҳам бор эди. Унинг ёшлиғи ҳозирги «Октябрь» колхоз территориясида яшаган Шолохов деган бойга мардикорлик қилиб ўтган эди. У мардикорликни тарк этиб, ҳур замон учун курашга қаттиқ бел боғлади. 1925 йил май ойида Мирзачўлда бўлиб ўтган уезд сьезидга делегат бўлди. Шу сьезида уни ижрокўм аъзолигига сайладилар. 1927 йилда эса Мирзачўл район ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. Бойлар, қулоқлар уни ўлдиришга бир неча марта уриниб кўрдилар. Элтой деган қулоқнинг уйида 20 чоғли одам тўпланишиб, бир қўй сўйишиб, Тўйчибоевни ўлдиришга қасам ичдилар. «Агар Тўйчибоевни ўлдирсак, колхоз бўлмайди, илгаригидек яшаймиз», деб ўйлашарди. Лекин ёвузлар ниятларига ета олмадилар. Муҳаммади Тўйчибоев Мирзачўлда коллективлаштиришнинг актив ташкилотчиси бўлди, ўзи тузган колхозлардан бирига ўша йиллари унинг номи берилди. У етмиш йиллик умри давомида эзгу ишларда фаол қатнашди. Ачинарлиси шундаки, ҳозирги вақтда бундай табаррук инсонларнинг номини абадийлаштириш масаласи ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўраётгани йўқ. Мирзачўлнинг умрининг порлоқ келажаги учун курашганларнинг номи ҳеч бўлмаганда

бирорта кўчага қўйилса, келажак авлод олдида, бурчимизни ўтаган бўлардик.

Биз «Халқ хотираси» ёдгорлиги олдида мана шундай масалалар ҳақида ҳам ўйлаймиз.

\* \* \*

1927 йилнинг 1 ноябрь куни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллиги муносабати билан бу ерда доҳиймиз Ленинга ўрнатилган ёдгорлик тантанали равишда очилди. 1952 йилда бу посёлка шаҳарга айлантирилди ва унга Гулистон номи берилди. 1963 йилга келиб эса Гулистон Сирдарё об-ластининг марказига айлантирилди. Шаҳарда ҳозиргача тўртта микрорайон ташкил топди. Кўплаб чиройли, замонавий маъмурий бинолар, Советлар уйи, Алоқа уйи, об-ласть партия комитетининг биноси, «Сирдарё» меҳмонхонаси, Давлат банки идораси каби объектлар шаҳарнинг ҳуснига ҳусн бўлди. Ленин майдони шаҳарга файз бағишлади. Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленинга ўрнатилган ёдгорлик пойидан гуллар аримайди.

\* \* \*

1982 йил. Шу йили шаҳар тарихида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Шаҳарнинг 2000 йилга мўлжалланган бош плани бир қатор тахрирлар, мулоҳазалар асосида қайта тузилди. Бу лойиҳа шаҳарнинг яқин йиллардаги кўрк-жамолини кўз-кўз қилади. Шаҳарнинг марказида яна қандай ўзгаришлар бўй беради? Биз шу савол билан архитектор Ботир Тошқўзиевга мурожаат қилдик. У шундай деди:

— Ленин майдонининг ўнг қанотида кўп қаватли кутубхона қурилади. Вокзал тарафга қараб хиёбон бунёд этилади. Бу хиёбонда транспорт қатнови бўлмайди. Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш хиёбонидан катта йўл ўтади. Бу йўл ўртадан ва икки томондан гуллар, арча дарахтлари билан бурканади, ҳар жой-ҳар жойда газли сув, газета-журналлар сотиладиган дўконлар, хуллас, кичик ҳажмдаги меъморлик намуналари барпо этилади. Хиёбон икки тарафдан кўп қаватли турар-жой бинолари билан ўраб олинади...

Қисқаси, Гулистон ўз номига ярашиғли кўркем шаҳар бўлади.

Турғун ЖАМОЛОВ

Гулистон шаҳри



мий очилиш маросими бўлди. Уч қаватдан иборат бўлган мазкур горнинг ичкари-си турли-туман баланд-пастликда жойлашган ва қаватларнинг бирдан иккинчисига хилма-хил кенгликдаги йўлақлар орқали ўтилади. Гордаги биринчи гротнинг (горлардаги уйсимон табиий қоналар илмий тилда грот деб аталади) майдони 200 квадрат метр бўлиб, баландлиги 5 метрдир. Иккинчи гротни табиатнинг мусиқий зали дейиш мумкин. Зеро, шифтда осилиб турган кўпдан-кўп кристалл сталактитлар шарпангиз тега-тегмас ажиб бир овозда

янграб кетади: бамисоли кўзга кўринмас бир санъаткор табиий мусиқа асбобида куй чалаётгандек туюлади. Биллурий шаффоф сувга тўла ҳовузчаси бўлган учинчи горнинг оппоқ кварцли деворлари ярқираб олмосий нурлар таратиб туради. Вунни кўрган томошабинлар чиндан ҳам, деворларга қимматбаҳо тошлар ёпиштириб қўйилган, деб ўйлашлари мумкин.

Мазкур горга ташриф буюрган одам ўзини шаклан гўзал, ранг-бўёқ жиҳатидан хилма-хил, табиий мўъжиза сифатида турли катта-кичикликдаги кўргазмага

киргандек ҳис этади. Бу ердаги табиат ижод қилган тасвирлар орасида йўлбарсининг жасадини, филнинг жағ тишини, елдек учиб бораётган отни, сувда сузаётган балиқни... кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси асрлар давомида минераллар эритмаси бўлган сув томчиларидан ҳосил бўлган.

## Ғалати жазо

Тунисда Бизерта деган порт шаҳри бор. Ундаги «Тугра» ресторани одамлар билан ҳамшиша гавжум. Фа-

қат мазали овқатлари билангина эмас, балки арзонлиги билан ҳам ресторан кишилар меҳрини қозongan.

Гап яна шундаки, мижозларга ёқмаган овқатни шу ернинг ўзидаёқ уни тайёрлаган ошпазнинг ўзи тановул этишга мажбур. Агар тушликка тортилган овқат турларининг ҳаммаси бемаза бўлса, уни бош ошпаз еб тугатиши керак. Бунинг учун мижозлар пул тўламайдилар. Лекин шуниси диққатга сазоворки, ташкил топганидан буён ўтган ўн йил давомида бирор марта ҳам бундай ҳодиса қайд этилмаган.



## Чақир-Тиканак

\* \* \*

«Телевизорда сочини калта кес-тирган ўғил башара қиз: «Сочларим толим-толим, майдалаб ўролмаман», деб нола қилди. Сочингни кесдиргандан кейин нега фарёд қиласан, стилияга!»  
(Тожи тажаннинг лукмаси)

\* \* \*

«Футбол ўйинида оёқни эмас, каллани ишлатиш керак».  
(Тўпни дарвозага калласи билан киритадиган футболчининг гапи)

## ЛАТИФАЛАР

Афандининг пенсия ёшига бориб қолган қўшниси шикоят қилди:

— Мулла Насриддин, овқатдан ўзимни тийсам ҳам семириб кетяпман, нима қилсам экан?  
— Мен пенсия хужжатларини расмийлаштираман, деб югура-югура бир ойда чўпдай озиб кетганман, сиз ҳам шундай қилинг, — деб маслаҳат берди Афанди.

Пойабзал магазинининг мудир ажабланиб деди:

— Тавба, магазинга тушган ўғри ҳеч нарсага тегмай чиқиб кетибди!  
— Ўғри брак пойабзални бошига урадим! — деб кулди Афанди.



— Отахон, ялиниб сўрайман, мени шу анҳорга яна қўйиб юборманг...

Ҳ. СОДИҚОВ чизган расм

## ОҚБИЛАК ПАРИ

Марва ЖАЛОЛИДИНОВА

**ХУМОРХОН.** (Нозланиб.) Сотиболди ака, турмуш қураётганимизда орамиздан қил ҳам ўтмаслиги, сира ҳам дилхижиллик бўлмаслиги керак, дегансиз-а, эсингиздами?

**СОТИБОЛДИ.** Ҳа, эсимда.

**ХУМОРХОН.** Кўнглингизга оғир олмангу...

**СОТИБОЛДИ.** Йўк, йўк, гапир-равиринг.

**ХУМОРХОН.** Анав... боя... юзимга маска чаплаганимда, менга телефон трубкасини бериб ўтирибсиз-а...

**СОТИБОЛДИ.** Сизни сўрашди-да, жонидан!

**ХУМОРХОН.** Маска сурган одам йигирма минут индамасдан осмонга қараб ётиши керак, ахир...

**СОТИБОЛДИ.** Ие, биздан ўтибдию, энди нима бўлади?

**ХУМОРХОН.** Энди юзимга яна маска чаплаб, қайтадан шипга қараб ётишим керак.

**СОТИБОЛДИ.** Хўп, бир оғиз сўзингиз, Шу билан хурсанд бўлсангиз, бас... Лекин уйда ойимлар йўк. Олдин бир овқатланиб олсак бўлармиди?

**ХУМОРХОН.** (Мижговланиб.) Нима овқат қилсак экан?

**СОТИБОЛДИ.** Осонгина — гўшт қовура қолинг.

**ХУМОРХОН.** Донишмандларнинг айтишича, гўшт одамнинг асабини бузар экан.

**СОТИБОЛДИ.** Унда тухум қовурайлик.

**ХУМОРХОН.** (Чайналиб.) Тухумми? Тухумнинг-чи, ҳазими оғир бўларкан. Шифокорлар шундай дейишади.

**СОТИБОЛДИ.** Балиқ ея қолайлик, унда?

**ХУМОРХОН.** Йогларнинг гапига қараганда, балиқ кони зиён экан.

**СОТИБОЛДИ.** Лағмон қилинг, бўлмаса?

**ХУМОРХОН.** Вой-вў... уни чўзишнинг ўзи бўладими, Сотиболди ака!

**СОТИБОЛДИ.** Манти пиширамизми, ё?

**ХУМОРХОН.** Манти туккани бир қоп юрак керак-ку, Сотиболди ака.

**СОТИБОЛДИ.** Бўлди, чучвара қиламиз, қолипи бор.

**ХУМОРХОН.** Уйда ун борми ўзи?

**СОТИБОЛДИ.** Бўлмаса, гир этиб олиб келамиз. Дўкон шундоқ ёнимизда. Зуваласини қориб берсангиз бўлди. Ёйишни меноқ ёйиб берай. Кейин қолипнинг ўзи тугади.

**ХУМОРХОН.** Ҳой, менга қаранг, хамир овқат одамни семир-

тириб юборади. Совуқлигингиз ошиб, қовоқларингиз салқиб юрса яхшими?

**СОТИБОЛДИ.** Гапингиз тўғри. Унда нима овқат қилсак экан-а?.. Келинг, шўрва осиб қўя қоламиз.

**ХУМОРХОН.** Шўрва... унинг ҳам ташвиши кўп бўлса керак...

**СОТИБОЛДИ.** (Кескин.) Қозонга сув, гўшт, картошка, пиёз, қалампир солинади.

**ХУМОРХОН.** Майли, озгина қарашиб юборсангиз, икки ёрти бир бутун бўлиб... амаллармиз.

**СОТИБОЛДИ.** Бир оғиз гапингиз. Қани, нима қилай?

**ХУМОРХОН.** Картошка арчинг. Менинг қўлларим қорайиб қолади.

**СОТИБОЛДИ.** Гапингиз тўғри. (Картошка арчийди.) Энди нима қил дейсиз?

**ХУМОРХОН.** Гўштни холодильникдан олиб беринг. Мен холодильникка яқин йўлолмаман. Шамоллаганман.

**СОТИБОЛДИ.** Хўп бўлади. Мана гўшт, жонидан.

**ХУМОРХОН.** Энди пиёзни тозалаб, тўграб берсангиз... Ўзим тозалардим-у, «туш»им оқиб кетмасин яна. Кейин-чи, ювиб ҳам берасиз ҳаммасини, бўлмаса маникюрим...

**СОТИБОЛДИ.** Хўп, хўп, азият чекманг. Қани, яна нима юмуш бор?

**ХУМОРХОН.** Қозонга сув тўла-тиб, газга қўйиб берсангиз... Биласиз, мен оғир юк кўтара олмайман.

(Сотиболди хотинининг айтганларини қилади.)

**СОТИБОЛДИ.** Хўш, энди нима қилай?

**ХУМОРХОН.** Энди ҳамма масаллиқларни бирварақайига қозонга ташлайсизу тагига мундоқ гугурт қақиб юборсангиз бўлди. Ўзи қайнаб, пишаверади.

**СОТИБОЛДИ.** Шундоқмикина, хоним?.. Очигини айтинг, ўзи сира овқат қилганмисиз?


**ХУМОРХОН.** Ростимни айтайми?

**СОТИБОЛДИ.** Ростини айтинг, Орамизда ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги керак.

**ХУМОРХОН.** Уйимизда-чи, оёқ-қўли чакқонлар кўп эди. Келинойимлардан менга ҳеч қанақа иш ортмасди. Қиз бўлиб, қозон бошига яқин йўлаган эмасман.

**СОТИБОЛДИ.** Унда, уйимизда овқатни ким қилади?

**ХУМОРХОН.** Албатта, сиз қиласиз-да, акахон! Эр деган хотинга ҳамма шароитни яратиб бериши керак. Овқат қилишни билмаган йигит уйланиб нима қилади?



1. Грузиядаги курорт шаҳар. 2. Рус революцион-демократ шоири. 3. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фаргона тонг отгунча» романи қаҳрамони. 4. Миниб юриладиган ҳайвон. 5. Миллий ипак газлама тури. 6. Ун икки буржнинг бири. 7. Металл кесиш дастгоҳи қисми. 8. Африканинг тропик ўрмонларида тарқалган одамсимон маймун. 9. Ғўзанинг гулга айланадиган аъзоси. 10. Атоқли совет адаби. 11. Малакали иморатсоз. 12. Тошкўмирнинг юқори нави. 13. Шарафли касблардан бири. 14. Андижон областидаги шаҳар. 15. Алишер Навоий газали билан айтиладиган классик кўшиқ. 16. Волга дарёси ирмоғи. 17. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг умумий номи. 18. Сариқ ёки қизил тусдаги минерал бўёқ. 19. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 21. Оптик асбоб. 22. XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири, «Раъно ва Сухангул» достони муаллифи. 23. Босма асар чоп қилиш, чиқариш. 24. Қадимий моддий маданият ёдгорликларини ўрганувчи олим. 25. Совет космик кемаларидан бири. 26 Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи калтакесаксимон жонивор. 27. Оқ қулранг металл. 28. Ватанимизнинг шимоли-шарқидидаги автоном республика. 29. Украин классик шоири, мутафаккир ва революцион-демократ. 30. Ёзувчи ва шоира Саида Зуннунова қиссаларидан бири. 31. Мураккаб моддаларнинг сув таъсирида таркибий қисмларга ажралиши. 32. Шакарпазлик маҳсулот. 33. Тикувчилик қуроли.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Осетин. 6. Шанхай. 9. Хлорелла. 10. Копетдоғ. 12. Театр. 13. Аккорд. 15. Шамшод. 16. Фестиваль. 21. Виллур. 22. Адигея. 23. Обуна. 25. Миртемир. 26. Фонвизин (Денис). 27. Чорбоғ. 28. Набиев (Малик).  
БҮЙИГА: 1. Астробод. 2. Хислат. 3. Жазоир. 4. «Хайтарма». 7. Аляска. 8. Қопқон. 11. Самбитгул. 14. Днепр. 15. Шелуха. 17. Шишкин (Василий). 18. «Электрон». 19. «Қизжибек». 20. Лезгин. 23. Оқилов (Отаулла). 24. Адолат.

### МУҚОВАДА:

Биринчи бет: — Хирмонга барака!

В. Жирнов фотозтуди

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналларидан фойдаланилди.

Эрталаб хонани мен очаман. Стулларни жой-жойига қўйиб, стол устини ҳўлланган оппоқ доқа билан ялтиратиб артиб чиқаман. Қулдонни эски челақка ағдариб, стол устига қўйганимдан кейин Бўтаев келади.

— Ассалому алайкум, Ҳамро Турдиевич! Яхши ухлаб турдингизми? — деб қўш қўллаб кўришаман.

— Яхши, — дейди у салобат билан. Кейин юқорига ўтиб, креслога жойлашиб олгач, стол устидаги қип-қизил гулдор сочиқни тирсақлари остига тўғрилаб туриб:

— Уроқбой, сув келдими? — дейди.

— Ие, ҳозир-ҳозир, — дейманда, бурчакдаги тумбочка устида турган челақни кўтариб пилдираб, зиналарни қўшалок қилиб ҳатлаб пастга тушаман. Водопроводдан челақни тўлдиргач, бир юз олтмиш зинапояни битталаб санаб яна юқорига чиқаман.

Челақни жойига жойлаштиргач, электр чойнақни тўлдириб чойга сув қўяман. Сув қайнагунча челақдан пиёлага сув олиб де-раза токчасидаги, эски ахборотлар тахланган китоб жавони устидаги гулларга қўйиб чиқаман. Чойни дамлагач, уч марта қайтариб «аҳмоғи»ни ўзимга олиб, иккинчи пиёлани у ёққа узатаман. Кейин у киши чойни ҳўллаб, пиёлани бўшатгунча кафтимни някка тираб, нима топшириқ бўлишини кутиб тураман. Бўтаев пиёлани бўшатгач, «тақ» эткизиб столнинг ўнг бурчагига суриб қўяди-да:

— Хўш... Энди гизиллаб «Водхоз» ёнидаги магазинга боринг. Бугун ўша ерда қайнотага бир тонна кунжара беради. Тўранинг машинаси кутиб тургандир, — дейди.

— Хўп, хўп... Ҳозир, — дейман ўрнимдан иргиб туриб.

Мен кетаётганимда уёқ пиёлаларига яна чой қуяётган бўлади...

Чангга ботиб, кунжаранинг хидидан йўталиб тушга яқин идорага келаман. Уёқ ё Хўжаев, ё Турдиев билан шахмат суришиб ўтирган бўлади. Хонага киришим

билан у киши акса уради. Мен: «Соғ бўлинг», дейман телпагимни бошдан олатуриб. Кейин уёқ қайсидир тошни «тақ» эткизиб, «гард» деб суради-да, менга бури-либ:

— Ёгли эканми? — дейди.

— Ёгли, жуда ёгли, сап-сарик экан, — дейман.

Ўйин давом этади. Мен шахматни билмасам-да, қўшни столдан тахтага тикилиб ўтираман.

Тушда Бўтаев машинага ўтириб уйларига кетади. Мен ҳам шахматни йиғиштириб, столнинг тортмасига солиб қўяманда, пастга тушиб, идорамизнинг ошхонасида овқатланаман.

Тушлиқдан келиб чойни дамлаб, устига сочиқни ёпиб қўйганимдан кейин ўн минутлар ўтгач, Бўтаев келади-да, столга ўтирмасдан айта бошлайди:

— Манови — Ҳожиевнинг «записка»сини «пед»га олиб бориб Холбоевга топширинг — Менгбойни тилдан йиқитганмиш... Кейин, соат учга қолдирмай «Войчечак»дан Холтўрани уйга олиб бориб. Бувиси Яккачинорга тўйга олиб кетаман, деб ўтирибди. Қайтишда «Лаззат»га кириб ўтинг — Ойсултон «Иўлчининг «Малиш»и тугади» деётганди...

Кечқурун югуриб, чарчаб, оёқларим толиб қайтаман. Пастда бирпас дам олай дейману, ишлари бўлса койиб ўтирмасин деб, иложи борица чопқиллаб юқорига чиқаман.

Мен кирганимда уёқ қизил чарм папкасини олаётган бўлади. Мен кийим илгичдан пальтосини олиб бераман. Бўтаев эшикдан чиқаётганлариди:

— Эртага шанбами? У ёққа борасиз-да, — дейди.

— Ҳа, ҳа. Эртага шанба — мен у ёққа... — дейман бирдан эсимга тушиб.

Эртага шанба. Кенжа қизи Ойсултон куёви билан ҳаммомга боради. Мен чақалоғига «Малиш» эмизиб, аллалаб ўтираман.

Бошқа кунлари эрталаб хонани мен очаман...

Алимардон БҮРОНОВ

Термиз шаҳри

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МҮЙДИНОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).  
Рассом Ҳ. Содиқов  
Корректор М. Набиева  
Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 16.09.1988 й. Босишга рухсат этилди 3.11.1988 й. Р—17758. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Фотолабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 163099. Буюртма № 4341. А—119.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.



Пишиқчилик.

Р. Шагаев (ЎзТАГ),  
А. Ванштейн,  
В. Мосин фотолари



Баҳоси 35 тийин  
индекс 75233.

